

Сайди Умиров
Бойбўта Дўстқораев

Зиёбахш умр саҳифалари
(Асил Рашидов портретига чизгилар)

ТОШКЕНТ - 2006

Сўзбоши ўрнида

Адабиётшунос, мунаққид, мутаржим, мударрис, мураббий, мақоланавис Асил Рашидов 75 ёшдан хатлаб 76 ёшга тўлди, ҳадемай 77 ёшни қаршилайди. Кўплаб мақола, китоблар муаллифи, юзлаб, минглаб филолог шогирдларга сабоқ бергани, сабоқ бераётганини қўйиб, буюк адиб Чингиз Айтматов асарларининг собитқадам таржимони эканлигининг ўзини ҳисобга олганда ҳам Асил Рашидовнинг юбилеи ўзи сал кам ярим асрдан бери узлуксиз меҳнат қилаётган Низомий номидаги Педагогика университетида ёхуд Республика Ёзувчилар уюшмасида нишонланса, оммавий ахборот воситаларида мақола, суҳбатлар босилса арзирли воқеа эди. Ажабланарлиси, шундай бўлмади. Ҳайрон бўлманг, бунга асосий сабаб, бизнингча, ўзлари, ортиқча камтарлиги, дабдабаю тантаналарни ёқтирмаслиги. Етмиш тўққизинчи йил поёнида эллик ёшга тўлганда, ўзи хоши билдирса, таржимон, мунаққид, публицист, педагог сифатида юртга таниқли олим, ижодкор сифатида қарсиллатиб, дабдабали юбилей ўтказиши унинг содиқ дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, қолаверса, катта одамнинг укасига яқин бўлиш илинжида соядек эргашиб юрганлар қамишдан бел боғлаб хизмат қилишлари тайин эди. Лекин ўшанда ҳам ўзи рози бўлмаганди. Олтмиш ёшга тўлганда юбилей ҳақида ўйлаб ҳам ўтирилмади, кўнгилга қил сиғмасди, Рашидовлар хонадони оғир, синовли дамларни бошидан кечирмоқда эди. Асил Рашидовнинг - катта аканинг кичик укаси ихлосмандлари сафи анча сийраклашиб, ёнида фақат содиқ дўстлари, оқибатли шогирдлари қолган эди. 1989 йил поёнида ёзувчилар уюшмаси бошқарув ҳайъати қутлов йўллади. Мактуб эълон эълон қилинган “ЎзАС” ҳафталигида узоқ йиллик дўсти, сафдоши, ҳамкори, кейинги пайтларда ўзини янада яқин олиб, тез-тез хабарлашиб, дийдорлашиб юрадиган профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом “Меҳнат ва иқтидор” сарлавҳали илиқ бир мақола билан чиқди.

Аср охирида Асил ака 70 ёшга тўлган, янги таржималари, китоб, мақолалари билан илмий, адабий, таълимий жамоатчиликка янада яқинроқ танилган, лекин эски “қайсарлиги” тутиб, юбилейини ўтказишга рози бўлмаган эди. Фақат матбуотда “Чингизнинг асил таржимони”, “Асил инсон”, “Мураббий”, “Мунаққид, мутаржим, мураббий, мақоланавис” каби мақолалар босилди, радиода махсус эшиттириш берилди (муаллифлар Ғ.Саломов, С.Умиров).

Йиллар ўтаверар экан. Асил Рашидов 75 га ҳам кирди, ошиб ҳам ўтди. Яна ўша камтарлик, “бўлиб қолар”чилик, лекин биз энди бу ҳолга чидамадик, қайсарликка қайсарлик мақомида ушбу рисола битдик.

Рисоламиздан мақсад кўп қиррали ижодкор, олим, мураббий Асил Рашидов портретига чизгилар бериш, унинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлаш, асарлари, таржималари ҳақида баҳоли қудрат фикр юритишдан иборат.

Рисоламизда Асил аканинг содиқ дўстлари, таниқли олимлар, марҳум Ғайбуллоҳ ас-Салом, Тўхта Бобоевлар ҳам иштирок этишади, уларнинг мақолалари, фикрларига тез-тез мурожаат этиб турилади.

Ушбу рисоланинг юзага келишига катта ҳисса қўшган нашриёт мутасаддиларига, шунингдек, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети

ёш тадқиқотчилари Д.Файзиева, М.Бузрукова, М.Мўминоваларга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Муаллифлар

Журналистика - севимли касби.

ТошДУ (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультети эллик йилдан ошдики республикамиз оммавий ахборот воситалари учун малакали кадрлар тайёрлаб

беради. Ўрта Осиё худудида шу соҳа бўйича ягона факультет бўлганлиги боис қатор йиллар мобайнида унда қўшни Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Жанубий Қозоғистон ёшлари ҳам таълим олиб кетишганини, кейинчалик таниқли ижодкорлар бўлиб етишганини кўпчилики билади.

“Бу даргоҳнинг илк талабалари кимлар бўлган экан?”-деган савол кўпчиликини, айниқса, ёш қаламкашларни қизиқтирса керак. Университет филология факультети бағрида журналистика бўлими 1949 йили очилиб, уни 1954 йили 28 йигит-қиз битириб чиққан. Ана шу илк дипломли журналистлардан Исмоил Сулаймонов, Яҳё Тўхтаев, Маҳмуд Яҳёев, Мухитдин Жалолов, Расул Раҳмонов, Жонрид Абдуллахонов, Собит Тоиров, Тўлаган Нажмиддинов, Тоҳир Пидаев, Воҳид Абдуллаев ва бошқаларнинг номи ҳамкасбларимизга яхши таниш. Уларнинг баъзилари ўтиб кетишди (жойлари жаннатда бўлсин), кўпчилиги кексаликка бўй бермай, қизгин ижодий иш билан машғуллар.

Илк журналистларимиз кадри, хурмати, ардоғи бўлакча. Улар ҳақида матбуотда кўп мақолалар чиққан, радиоёшиттиришлар, телекўрсатувлар ташкил этилган, уларни турли учрашувларга, суҳбатларга тез-тез таклиф этиб туришади.

Мўътабар илк қалдирғочлардан бири – Асил Рашидовдир. Асил Рашидов деганда кўз ўнгимизда моҳир журналист ва таржимон, таниқли адабиётшунос ва мунаққид, тажрибали мударрис, Давлат мукофоти совриндори, олий ва ўрта махсус таълим фидойиси, камтарин инсон, садоқатли дўст гавдаланади.

Ижодкорлар борки, бир соҳанинг бошини тутиб, бу борада катта марраларга етади, ютуқларни қўлга киритади. Яна бир бошқа ижодкорлар борки, бир неча соҳаларда бирдек фаолият олиб боради ва барида салмоқли ютуқларни қўлга киритади. Асил Рашидов ана шундай кўп қиррали истеъдод соҳиби. Касб-корининг бари сўзга дахлдор, алоқадор бўлиб, бир-бирини бойитади, тўлдиради, тақозо этади.

Асил ака, энг аввало, журналист. Ярим асрдирки, унинг томирида журналист қони оқади. У матбуот юзини кўрган уч юздан ортиқ катта-кичик мақола, суҳбат, тақризларнинг муаллифи, ора-сира эфир ва экран орқали чиқишлар қилади, отахон газеталардан бирида беш йил фаолият кўрсатган, Низомий номидаги давлат педагогика институти (ҳозир университет)нинг кўп нусхали газетасига йигирма икки йил узлуксиз муҳаррирлик қилган, матбуот билан ҳамон алоқани узмайди.

Авваллари биз ҳам, бошқалар сингари, Шароф Рашидовдек журналист, ёзувчи, арбобнинг укаси, албатта, журналист бўлишни ихтиёр қилган, янги очилган мутахассисликни танлаган-да, деб ўйлардик. Яқинда суҳбатимиздан маълум бўлдики, бундай эмас экан. “Отамиз миришкор дехқон ўтганлар, - ҳикоя қилди Асил ака. – Биз, фарзандларини меҳнатга қаттиқ ўргатганлар. Мен ҳам ерга меҳр қўйгандим, боғдорчиликни яхши кўрардим, ёш бўлсам-да, қай мевали дарахтни бошқасига пайванд қилсам дарҳол тутиб кетарди. Ўқитувчиларим, уйдагилар “сендан дуруст агроном, биолог чиқадиган кўринади, шунга ўқи” – дейишарди. САГУ биофагига ўқишга кирганман. Ҳамкурсларим кейинчалик яхши мутахассис, зоолог олим, муаллимлар бўлиб етишишди. Лекин мени кун ора микроскопдан кўз узмай, микроблару

чувалчанг, бақаларни кузатиб ўтириш ҳеч тортмади-да. Ахири уйдагиларга айдим: “Яхши ўқиш экану, лекин менинг кўнглимга ўтирмайпти”. Ярим йилдан кейин журналистика бўлимига ўтдим. Матбуотга азалдан кизиқардим, у вақтлар телевизор йўқ, радио кам, бир нечагина газета, журнал чиқарди. “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”)ни қўлдан қўймай ўқиб, янгиликлардан хабардор бўлиб борардик”.

Асил Рашидов ўқишни битириши билан сеvimли газетаси – амалиёт кезлари тез-тез бориб турадиган “Қизил Ўзбекистон”га ишга борди. Иброҳим Раҳим бошлиқ таниқли журналистлар уни ўз сафига олди. Бирин-кетин катта-кичик материаллари, таржималари чиқа бошлади. Кўп ўтмай пропаганда бўлимига мудир этиб тайинланди. Икки юздан ортиқ ижтимоий фанлар кафедралари ходимларини ҳамкорликка жалб этишда ташаббускор бўлди. Ўзи “Қардошлик”, “Дўстлик куйлари”, “Дўстлик байроғи остида”, “Америка прогрессив адабиётида негрлар ҳаётининг акс эттирилиши”, “Буюк халқ қудрати”, “Янги давр, янги кишилар образи” каби йирик, салмоқли, ўша давр мафкураси руҳи остида ёзилган мақолаларни эълон қилди, яхши баҳолар, мукофотларга сазовор бўлди.

Отахон газета кўплар қатори Асил Рашидовнинг ҳам кўз очиб кўрган ижодий даргоҳи. Шу муқаддас маскан унга ҳаёт фалсафасидан, инсонийликдан сабоқ берди. Аввал адабий ходим, сўнгра бўлим мудир бўлиб ишларкан, жойларга тез-тез чиқиб турар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, таҳририятга бир дунё таклиф-мулоҳазалар, ижодий режалар билан келарди. “У ҳаловатсиз касбда жўшиб-ёниб ишлади”, - дейилган эди 1993 йили унга бағишланган йирик мақолага таҳририят томонидан ёзилган муқаддимада. Ярим аср муқаддам олинган, “Қизил Ўзбекистон”нинг ёш, бўйдор, қалин қора сочли, серғайрат ходими қўлида қалам, блокнот, илғор “Қизил Ўзбекистон” колхозини пахтакорлари билан суҳбатлашаётган пайти тасвирланган суратни кўриб, ҳозирда сочлари оқ, етмиш олти ёшли мўйсафид Асил Рашидов эканлигига дафъатан ишонгинг келмайди. Ҳа, йилларни қувиб, йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди, не-не воқеалар кечди, янги замон – ҳурлик, мустақиллик замони келди.

Асил ака – шахмат шайдоси: бир текис, пухта, пишиқ ўйнайди, ўйлаб дона суради, ютса – ҳаволаниб кетмайди, ютқазса – асабийлашмайди (ёки буни сездирмайди). Шу хусусият ижодига, ҳаёт тарзига ҳам хос: мақолаларида вазмин, салмоқли фикр юритади, баъзиларга ўхшаб пашшадан фил ясамайди, айнаи чоғда филни пашша ўрнида кўрсатмайди, холислик, ҳаққонийлик, қатъиятчилик тамойилларига қатъий риоя қилади.

Таниқли рус адаби, ўнлаб шеър, қисса, роман, пьеса, киносценарийлар муаллифи, ҳамма ёзувчилардан кўра кўп давлат мукофотида сазовор бўлган Константин Симонов, энг аввало, журналист бўлган, бир қатор корреспонденция, мақола, хат тўпламлари нашр этган, жумладан, Мирзачўл, уни ўзлаштирувчилар ҳақида туркум публицистик асарлар ёзган, А.Қаҳҳор қиссаларини рус тилига ўгирган адиб, китобларининг бирини “Журналист бўлиб қолгум” (“Остаюсь журналистом”) деб бежиз атамаган. Умри бўйи

нуфузли газеталарнинг ўз ва махсус мухбири бўлган ва буни фахрланиб таъкидлаган эди.

Машҳур шоиримиз Ғафур Ғулом ўзини “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”)нинг доимий мухбириман, дея ёзган, ушбу отахон газета йўлланмаси билан бутун республикани кезиб чиққан, қатор-қатор очерк, мақола, фелъетон, суҳбатлар ёзган эди. Дарҳақиқат, шоирнинг илк хабари “Ўқизлар кўклагга тайёр” (1923 й.) сўнги мақоласи “Ватандошларимга тасалли” (1966 й.) худди шу газета саҳифаларида чоп этилган эди. Таниқли жаҳид мутафаккирлари Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Саидризо Ализода, донгдор адиблар А.Қодирий, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, А.Мухтор, Н.Аминов, Х.Тўхтабоев кўзга кўринган адабиётшунос, мунаққидлар О.Шрафиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримов, У.Норматов, И.Ғофуров ва бошқаларнинг оммавий ахборот воситалари билан нечоғли яқин муносабат ўрнатишгани маълум.

Асил Рашидов ҳам таниқли мураббий, мударрис, мутаржим, мунаққид, адабиётшунос бўлиб етишган бўлса-да, энг аввало, журналистдир ва бу касбига бутун умр содиқ бўлиб қоляпти.

Асил Рашидовнинг журналистик фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида кейинчалик таниқли журналист бўлиб етишган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Сулаймонов “Ўзбекистон овози” газетасининг 1993 йил 26 март сониде босилган “Йигирма саккиз қалдирғочнинг бири” мақоласида яхши ёзган, илиқ, самимий сўзлар айтган эди. Умуман, Асил ака ўзи яхши биладиган, чуқур ҳурмат қиладиган одамлар ҳақидагина ёзгани сингари, у ҳақда ҳам бирга ўқиган, бирга ишлаган, узок йиллар ҳамкор, ҳамдаст бўлган, тез-тез мулоқот қилган кишилар қалам чекишган.

Асил Рашидов қаламига мансуб мақолалардан бири “Истеъдодли қалам соҳиби” дея аталиб, таниқли журналист, ижодкор Расул Раҳмоновга бағишлангандир (“Ўқитувчилар газетаси”, 1982 йил 11 сентябр). Асил ака Расул ака билан университетда бирга ўқиган, бирга ҳамкорлик қилган, кўп мулоқотда бўлган, қисқаси, қадрдонини яхши билади. Шу боис, Расул ака ҳақида қалб сўзларини битар экан, “унинг тадқиқотчи ёхуд мунаққидлар ўрганишга лойиқ, ҳажм ва жанр жиҳатидан мўъжаз бўлса ҳам, мазмун ва мундарижаси жиҳатидан бир олам ижоди, таҳсинга лойиқ талант қирралари, санъати, ажойиб меҳнатсеварлиги, фазилатлари”ни алоҳида таъкидлайди, унинг очерк, ҳикоя, қисса, инсценировкалари ҳақида (Расул Раҳмонов ўша вақт, 50 ёшидаёқ 12 китоб муаллифи бўлган, кейинчалик яна бир қанча очерк, публицистик китоблари чиқди. С.У., Б.Д.) илиқ фикрлар билдиради, хусусан, Обид Содиқов, Малик Қоёмов, Минавар Турсунов, Фаттоҳ Восиқов каби эл-юртга таниқли инсонларга сабоқ берган, унвонли, орденли ўқитувчи Иброҳим Тоҳиров ҳақидаги “Яшадик, кўрдик” очеркини адабиётшунос сифатида таҳлил қиладди, уни ўқиб Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим”, Парда Турсуннинг “Ўқитувчи”, Йўлдош Шамшаровнинг “Чирок” асарларини эслагани, бу асарлар қаҳрамонлари билан очерк қаҳрамони ҳаёти, фаолиятида бир қанча яқин, туташ нуқталар борлигини қайд этади. (Газетанинг ушбу сониде берилган очеркни ўқиган ўқувчи мунаққид фикрларига тўла қўшилади). Ҳажман кичик мақолада Расул Раҳмоновнинг

талабалик чоғларидан таниқли ижодкор бўлиб етишгунга қадар фаолияти жонли, мароқли ҳикоя қилиб берилган.

Филология фанлари докторлари, профессорлар Баҳодир Саримсоқов, Тўхта Бобоевларнинг “Ижоднинг қўш қаноти” мақоласида (“Маърифат”, 1999 йил 20 октябр) Асил Рашидовнинг серқирра ижоди ҳақида илиқ, самимий фикрлар айтилган. Муаллифлар Жиззах шаҳридан қанчадан-қанча алломалар, шоиру адиблар, давлат арбоблари етишиб чиққани, йирик давлат арбоби Шароф Рашидов, ўзбек халқининг севимли шоири Ҳамид Олимжоннинг ана шундай зотлардан бўлгани, Асил Рашидов ҳам мана шу тарихий, журналистлик, мунаққидлик, мутаржимлик силсиласининг узвий халқаси эканлигини, унинг фаолиятида машаққатли, аммо шарафли касб - педагогика етакчи ўрин тутиши, туғма педагоглиги, қирқ йилдан бери Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедрасида маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар ўтказиб, илмий, курс ва диплом ишларига раҳбарлик қилиб келаётгани, узок йиллар ўқув юрти кўп нусхали газетаси муҳаррири бўлгани, хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланганини қайд этишгач, унинг илмий-танқидий китоб ва тадқиқотлари, Ч.Айтматов, А.Бек, Бобуржон Момиш ўғли, М.Дўсенов асарларидан қилган таржималари таҳлил этилади. Асил Рашидов С.Айний, Ч.Айтматов, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Л.Украинка ва бошқа ёзувчилар асарларини тадқиқ этган, ижоди ҳақида маърузалар ўқиган, таржима қиладиган севимли адиблар ҳақида бирор китоб, мақола, тадқиқод ўқиб қолса адабиётшунос, мунаққид сифатида унга этибор қаратади, муносабат билдиради.

А.Рашидовнинг адабиётшунос, журналист Мажид Ҳасановга бағишланган “Етуклик” мақоласи ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф М.Ҳасановнинг ўзбек ва тожик тилларида ёза оладиган ижодкор эканлигини таъкидлаб, “Айний чамани”, “Садриддин Айний ва Файзулла Ҳўжаев” номли китоблари, Рудакий, Фирдавсий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, А.Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, Лоҳутий, М.Турсунзода, К.Яшин, С.Улуғзода ва бошқа ёзувчилар ижодига бағишланган мақолалари ҳақида илиқ фикрлар билдиради. М.Турсунзода ижодига бағишлаб “Курашаётган китъалар шоири” номли китоб битганини таъкидлайди. Мирзо Турсунзода унинг икки қардош халқ маданий ҳаётига иштирокини алоҳида қайд этган, махсус мактуб йўллаганди. Ҳолбуки, бир неча китоб, 200 га яқин мақола, тақриз муаллифи, зуллисонайн бу ижодкор ҳақида матбуотда кам фикр билдирилган.

Асил Рашидовнинг Н.Худойберганов билан ҳамкорликда ёзган “Ижодкор ва ҳаёт” мақоласида (“Совет Ўзбекистони”, 1971 йил, 14 март) “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида босилган асарлари таҳлилга тортилади. Хусусан, прозамизнинг “Чинор”, “Чироқ”, “Умид”, “Уфқ”, “Ҳазрати инсон” каби романлари, “Эрк”, “Қанот жуфт бўлади”, “Баҳор қайтмайди” каби қиссалари, Зулфия, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Ҳ.Шариповнинг шеър ва дostonлари, М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов, И.Ғафуров, У.Норматов, П.Шермухамедовларнинг адабий-танқидий мақолалари илк бор адабиётимиз кўзгуси ҳисобланмиш “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида эълон қилинганини таъкидлашади, бадий пишиқ асарларнинг

фазилатларини қисқароқ бўлса-да қайд этиб ўтишади. Айни чоғда, “Муҳаббатнинг қадри” (Қ.Убайдуллаева), “Раъно” (М.Бобоев) каби қиссалар, “Қора марварид” романи (Ю.Шомансур), “Адреслар” (Тўлқин) шеърининг нуқсонлари кўрсатиб ўтилади. Муаллифларнинг журналда босилаётган бир қанча очерк ва мақолаларда ҳаётӣй материал етарли тадқиқ этилмаслиги, жўшқинлик етишмаслиги, публицистика кам берилаётгани ҳақидаги танқидий фикрлари ҳам ҳаққоний ва мантиқийдир.

Ҳар бир инсон, айниқса, ижод аҳли ўзи туғилиб ўсган юрт, шаҳар, қишлоққа алоҳида меҳр қўяди, уни эъзозлайди, асарлар битади. Асил Рашидов Жиззах шаҳрида таваллуд топган, ўқиган, вояга етган. Мана, эллик етти йилдирки, унинг ҳаёти, фаолияти азим шаҳар Тошкентда кечаётган бўлса-да, она шаҳрини бир зум унутмади, доимо унга интилиб яшапти, тўймаъракаларда қатнашиб, қадрдон одамлари билан дийдорлашиб, учрашувлар ўтказиб келяпти. Туғилиб ўсган қишлоғи, ўқиган мактаби, ҳаёти, фаолияти, тақдирлари юрт билан чамбарчас боғлиқ Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Полвон Азизов, Орифжон Икромов ва бошқа ижодкорлар ҳақида мақола, тадқиқотлар битиши боиси шунда. Шундай асарларидан бири “Воҳадаги илк маърифат чашмаси” мақоласи (“Ўқитувчилар газетаси”, 1979 йил, 13 сентябр, ҳаммуаллифлар С.Саидов, Ў.Нурмуҳамедов) ва Бозорбой Ўринбоев, Ҳайитбой Ҳайдаровлар билан ҳамкорликда ёзган “Асрга тенгдош мактаб” (1983 йил, Тошкент) рисоласидир. Мақола ҳам, рисола ҳам Жиззах шаҳрида маълум ва машҳур, республикада таниқли шоир, олим, арбоб, зиёлилар сабоқ олган 47-ўрта мактабнинг ибратли тарихи, тараққиёт босқичлари, фидойи муаллимлари, муаммолари, истиқболи ҳақидадир. Асил акани ушбу мактабни мадҳ этишга ундаган нарса унда ўқигани, юрагига яқинлигидагина эмас, шу билан бирга, таниқли мударрис, мураббий, республикада хизматкўрсатган ўқитувчи сифатида мактаб ва унинг муаммоларига эшлиги, бу муаммоларни теран тушунишда ҳамдир. “Маърифат чашмаси” публицистик рух, жўшқинлик билан ёзилган.

Асил Рашидов публицистикасида “Акам ҳақида” рисоласи алоҳида ўрин тутаети (Ўзбекистон Республикаси “Фан” нашриёти, 1992й.). Ушбу рисола узоқ йиллар давомида Республикамизга раҳбарлик қилиб келган атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш.Р.Рашидовнинг порлоқ хотирасига, таваллудининг 75 йиллигига бағишланган, - дейиладки китоб аннотациясида.

“Бугун кадрятларимиз тикланиб, атак-чечак қилаётган мустақиллигимиз нашидаларидан эндигина баҳраманд бўлаётган кунларда (асар 1992 йилда ёзилган ва чоп этилганини эслайлик. С.У, Б.Д), қолаверса, акам хотирасига нисбатан, унинг таваллудига 75 йил тўлиши олтидан ади-инсофни тиклаш сари қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар халқимизга таскин ва манзур бўлаётган бир пайтда бу ботиний илиқлик ҳаётбахш баҳорий шабада мени ҳам қўлимга қалам олишга ундади.”

Ш.Рашидов ҳақида турли даврларда турли муаллифлар, олим, арбоб, адиб, журналист, турфа касб соҳиблари кўп ёзишган. Гап ҳозир уларнинг сони, сифати, фаилату қусурлари, нечоғлик табиий ва самимийлиги ҳақида кетаётгани йўқ. Гап уларнинг ёзилгани, айтилгани факт бўлиб, тарихга

айланиб қолганлигида. Лекин ака ҳақида уканинг ёзиши - ўзгача ҳолат. Умуман, таниқли сиймолар ҳақида оила аъзолари, жигарбандлари, яқин кадрдонлари эсдаликлар, хотиралар ёзиши – бор гап, бунга анча-мунча мисоллар келтириш мумкин.

“Акам ҳақида” рисоласининг ёзилиши, чоп этилиши – истиқлол шарофати.

Мустақиллик қўлга киритилиб, собиқ марказ томонидан “Пахта иши”, “Ўзбек иши”, “Рашидовчилик” каби атайин уюштирилган тавқи лаънатлар И.А.Каримовнинг жасорати туфайли йўққа чиқарилгач, лойқаланиб оққан сувлар тинигач, Асил Рашидовнинг юрак қони билан, эҳтирос, изтироб, армон билан, куйиниб, койиниб битилган ушбу дилномаси юзага келди.

Рисола сўнгида муаллиф ёзади: “Ҳеч бир раҳбар “СССР” аталмиш баҳайбат аждар комидан ўзбек халқининг туз-насибасини унингчалик тортиб ололмаган. Мен яқин ўтмиш ҳақида куйиниб гапирдим. Акамнинг юрак-бағрини лола каби доғлаган нарса бошқа барча иллатлар билан бирга, оқ пахта атрофида тўқилган қора курум бўлди. Илоҳим, ўтмиш зинҳор қайтиб келмасин.

Дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Тўғриси айтганда, акамнинг ғанимлари кичкина одамлар эмас эди. Ана шундай қалтис бир вазиятда Шароф Рашидовга унинг ҳаёт эканлигида қандай муносабатда бўлган бўлсалар, вафотидан сўнг ҳам ўзларининг тўғри, холис фикрларида собит бўлиб қолдилар. “Об-ҳаво”га қараб турланмадилар. Булар...”

“Адоват эмас, адолат енгади”, “Меҳнат қилган-элда азиз”, “Яхши сўз – жон озиғи”, “Ҳасад эмас, ҳавас қилиб яшанг!”, “Гумон имондан айирар”, “Эл-элга қўшилса давлат” номли боб, кичик боблардан таркиб топган рисола бир нафасда ўқиб чиқасиз.

Рисоланинг илк жумлалариёқ ўқувчини дарҳол ўзига тортади, охиригача ўқиб чиқишга рағбат уйғотади. Рисола бошида муаллиф Шароф Рашидов ҳақида республикамиз матбуотида ҳам, турли-туман марказий нашрларда ҳам шу қадар кўп нарса ёзилганлиги, булар бари жамланса бутун бошли адабиёт бўлишини таъкидлар экан, акаси ҳатто собиқ бир бутун мамлакат ҳудудидан чиқиб, халқаро миқёсдаги айрим бадий тўқималарнинг “қаҳрамони”га айланганига таассуф билдиради. Айни чоғда босилиб чиққан ва чиқаётган сон-саноксиз ишлар орасида, айниқса кейинги вақтларда жуда куюнчаклик, хайрихоҳлик ва инсонийлик билан ёзилганлари ҳам ниҳоятда кўплигини мамнуният билан қайд этиб, нондай тансиқ бўлган далда ва таскин сўзлари учун уларга миннатдорчилик билдиради.

Рисола ўқинч, армон, таскин, далда билан, публицистик чўғ билан битилган, жумлалар вазмин, босиқ фикрлар, мантиқий муҳокамалар билан алмашилиб туради. Мана, баъзи мисоллар: “Акамиз вафот этганидан кейин, бир неча йил давомида бир тўда ёвуз ниятли кимсаларнинг қуткуси билан юзлаб, минглаб ҳалол, меҳнаткаш инсонлар тақдири у кишининг номи билан боғланиб, турли уйдирма, таъкиб ва қувғинларга гирифтор бўлди. “Оқ пахта”нинг “қора меҳнати”да тобланган жуда кўп одамлар урилди, сурилди, қамалди, отилди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, улар орасида, аксарият, емаган сомсага пул тўлаб дегандай, беғуноҳ қурбон бўлиб кетганлар,

обрўсизланган, бола-чақаси дайдиб, рўзғори тўкилган ва соғлиғидан ажраб, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар ҳам кам эмас. Тухмат балосига йўлиқиб, номусига чидаёлмай ўз жонига қасд қилганлар қанча. Худо раҳмат қилсин, уларни. Барча жабрдийда оилаларга чин инсоний ҳамдардлик билдирамиз. Турган гап, барчамиз учун мусибатли бўлган ўша оғир йилларда энг кўп жабр кўрган оилалар қаторидан биз ҳам узоқда турмадик. Орадан ўтган ўн йил ичида биз, “рашидовчилар”, юз йилга қаридик.”

Юқорида келтирилган сатрлар ва бутун рисола қанчалик дардли, изтиробли, армон-ўкинчли, публицистик чўғи, “қон босими” баланд. Лекин публицистикада, бир мақоламизда айтганимиздек, “қон босими”нинг баландлиги носоғломлик, шикасталик аломати эмас, аксинча, ички бир қувват, рухий туғён белгиси. Сўзлар бамисоли кўзи очилай деб турган булоқни, энди отилай деб турган фавворани эслатади. Зеро бошқача бўлиши ҳам, бошқача ёзилиши ҳам мумкин эмас-да. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида Шароф Рашидов ҳақида кетган гап-сўзларни, Рашидовларнинг, жумладан Асил аканинг тушкун ҳолатини тасаввур қилган киши буни тушунади. Лекин рисола сидирға нолишу ўқинишдан иборат эмас, изтиробли сатрлар умидбахш оҳанглар, шукроналик туйғулари билан алмашилиб туради. Муаллифнинг сўzlари билан айтганда, “тун қанчалик чўзилмасин, ортидан балқиб тонг отади! Қанчалик оғир бўлса-да, илоҳим, у машъум кунлар бир оғир тушдай, саробдай ўтиб кетгани рост бўлсин!”

Асил Рашидов ҳаётда камтар ва ҳалол яшаб, илмда, публицистикада холислик, ҳаққонийликка интилиб келаётгани уни яхши биладиганларга маълум. Рисолада ҳам, акасининг укаси бўлганлиги учун эмас, оқни оқ, қорани қора деб тарбиялангани, узоқ йиллар мобайнида оғасининг қутлуғ даргоҳида яшаб, қай йўсинда ишлашини, одамларга нисбатан қандай муносабатда бўлганини билганини, тоши оғир далилларга таяниб қўлга қалам олганини алоҳида қайд этади.

Рисола бошида муаллиф Ч.Айтматовнинг “Жамила” қиссасидаги бир эпизодни эслайди. Асар қаҳрамонларидан бири ўспирин Саид Дониёрдан урушда кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришини сўрайди. Ҳадеганда жавоб бермай, сукут сақлайди, юзи тундлашади, изтироб чекаётгани сезилади. Бола қайта-қайта сўрагач; “Уруш дейсанми? Урушнинг номи ўчсин, уни билмаганларинг яхши!”, - дейди. “1983 йилдан кейин сал кам етти йил давомида, - ёзади муаллиф, - жумҳуриятимизда содир бўлган ур-сур, васваса, хунрезликларни, мудҳиш воқеаларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Мен ҳам, Дониёр сингари, келинг, биродарлар, ўша аламли ва аянчли кўргиликларни эсламай кўя қолайлик, дегим келади. Лекин, начора, дилингдагини тилингга чиқармасанг, тарс ёрилиб кетай дейсан, киши”. Муаллифнинг дил изтироби, оғриқли услубини юқоридаги сатрлардан, бутун рисола руҳидан билса бўлади. Акаси халқни, ватанни чексиз севиб ардоқлаши, мудом эл-юрт ташвишида юрганлиги, шу йўлда курашишни ҳар нарсадан устун қўйганлиги, шу боис катта-кичикнинг чуқур ҳурматини қозонганидан фахрланар экан, у кишининг фаолиятида нуксонлар ҳам бўлганмиди, - дея савол қўйиб, жавоб беради. “- Беайб парвардигор, дейишади. Тўғри, ҳар бир инсонда, у киши ким бўлиши, қайси лавозимда

ишлашидан қатъий назар, ўзига хос хато-камчиликлар бўлиши турган гап. Қатрада кўёш акс этганидек, жумҳурият ҳаётида, ҳатто собиқ иттифок ҳаётида юз бераётган мураккаб ўзгаришлар Ш.Рашидов нигоҳида қанчалик ўз ифодасини топган бўлмасин, барибир, икки кўз ҳаммасини кўра олмади. Кўра олмас эди ҳам... Қолаверса, у одамларга ҳаддан ташқари ишонар эди. Акамнинг фаолиятида ҳам муайян нуқсон ва қусурлар содир бўлганлиги маълум. Улар ҳақида матбуот саҳифаларида ошириб-тошириб гапиришди, анжуманларда оғиз кўпиртиришди ҳам”.

Бошқа бир ўринда “Бу мулоҳазаларим билан акамни ҳар қандай соғлом танқиддан бутунлай холи қилмоқчи эмасман, хусусан бир қанча асарларида фирқанинг етакчилик ролини, бир халқнинг оғаларча беғараз ёрдамини ортик даражада бўрттириб, баралла айтгани бор гап”, - дейди.

Шароф Рашидовнинг фожиаси бир шахснинг қисмати эмас, балки давр фожиаси эканлигини, бир талай амал бандалари марҳумга тош отар экан, бу тиғи парронлар бошқа бировларга эмас, охир-оқибатда маломат қилинаётган ўз одамларимизга, ўз-ўзимизга бориб тегишини куюниб қайд этган муаллиф “мана шу давр фажиасида акамнинг иштироки қанча” деган саволни қўяди, яна бошқа саволлар қўяди “бу дардли саволларга жавоб бериш мушкул. Энг буюк ҳакам – вақт. Худди шу вақт ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Вақт шафқат билмайди”, - деган хулосага келади.

Ш.Рашидов ишонган, меҳр қўйган, мурувват кўрсатган кишилар, ўстирган, лавозим пиллапояларидан кўтарган раҳбарлардан баъзилари, акаси вафотидан кейин, имон-эътиқодга зид равишда маломат қилган, бўлмағур гапларни айтганини, энди бўлса, улар Ўзбекистоннинг бугунги биринчи қонуний сайланган оқсоқоли бу инсон ҳақида илиқ сўзлар айтганидан кейин, кўча-кўйларда ёки марҳумнинг маросимларида, ҳеч нарса кўрмагандай яна бетларидан шапалатиб қизартириб юришганини ўкинч-кесатик билан қайд этади, айрим фамилиялар келтиради.

Асил Рашидов “Акам ҳақида” рисоласидан бошқа нарса ёзмади, йиғинларда нутқ ирод қилмади, интервью бермади. “Мен бор дардимни тўкиб солдим, юрагимни бўшатдим”, - деганини бир неча бор эшитганмиз.

“Акам ҳақида” Асил Рашидов ижодида муҳим бир публицистик асар бўлди. “Акам ҳақида” - Шароф Рашидовга бағишланган асарлардан бири бўлди.

“Акам ҳақида” ўтган асрнинг саксонинчи йилари иккинчи ярми, тўқсонинчи йиллар бошлари тарихини ёритувчи кўплаб асарлардан бири бўлиб қолди.

Асил Рашидов асл касб-корига кўра журналист, дедик. САГУ (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультети журналистика факультетини тугатиши билан “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида пропаганда бўлиб ишлагани (1954-1958 йиллар), кейинчалик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозир университет) кўп ададли “Совет педагоги” газетасига 22 йил муҳаррирлик қилади, талабалик йилларидан ҳозирги – таниқли мударрис, мураббий, мунаққид, мутаржим бўлганига қадар оммавий ахборот воситалари, айниқса, газета, журналларда мунтазам қатнашиб келаётгани ҳам фикримиз тасдиғи.

Кўп тиражли газетага 22 йил муҳаррирлик қилиш – айтишга осон. Газетанинг бир сонини чиқариш қанчалар қийин, масъулиятли иш. Ўзига, бошқаларга талабчан муҳаррир газета институт ҳаётининг кўзгуси бўлиши учун бор кучи, билими, тажрибасини ишга солди. Табиатан камтар Асил ака муҳаррир А.Рашидов деб эмас, “Редколлегия” деб қўйишни маъқул кўради, гарчанд ҳар гал газета чиқаришдек сердиққат, масъул жараённи бошидан охиригача бош-қош бўлиб, назорат қилиб турса ҳам, кўлимизда ушбу газетанинг 1979 йилги бир неча сонлари. Буларда ўша давр руҳи акс этиб туради. Масалан, 1979 йил 30 майда чиққан 11 (494)-сони, 2 саҳифалик. Биринчи бетда институтни битириб, педагогик меҳнат фаолиятига қадам қўяётган йигит-қизларнинг қасамёди берилган. Институтнинг физика факультети талабаси номли стипендия соҳиби П.Нурматова “Раҳмат, устозлар!” мақоласида битирувчи ёшларнинг миннатдорлик туйғуларини изҳор қилади. “Омад ёр бўлсин” корреспонденциясида комсомол ёшлар отрядларининг қурилиш объектларига боришига тайёргарлик кўришаётгани, “Халқ мулкани асрайлик” мақоласида бу борада олиб борилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида сўз боради. Фан доктори, профессор Т.Икромов “Биология олимпиадаси” мақоласида 23-25 апрелда ўтказилган олимпиада, совриндорлар, муаммолар ҳақида фикр юритади.

Иккинчи бетдаги “Бахт ва шодлик куйчиси” мақоласи (муаллиф М. Мирзаев) Ҳ. Олимжоннинг 70 йиллиги олдида Жаззох давлат педагогика институтида ўтказилган илмий-назарий конференция, ўқилган маърузалар, ижодий учрашувларга бағишланган. Бу хабар таниқли мусаввир Абдулҳақ Абдуллаев билан учрашув, “Умр тўйи” мақоласида (С.Содиқов) доцент В.Ёқубов таваллудининг 70 йиллиги ҳақида ҳикоя қилинади.

1979 йил 19 июль, 12 (495) сони бошдан-оёқ касбга йўналтириш, ўқишга чорловдан иборат. “Сизга мунтазирмиз” номли мақолада, махсус “эълон”да институт тарихи, бугунги куни, истиқболи, қандай факультетлар қайси мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Газетанинг бундан олдинги 10 (493) май сони эса асосан спортга бағишланган эди. Газетанинг 1979 йил 31 январда чиққан 2 (485) сониди (икки саҳифалик) “Меҳнат байрами” деган бош мақола билан очилган. “Китобхонлар конференцияси” номли корреспонденцияда ёзувчи Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи муаллиф иштирокида муҳокама қилинганлиги, таниқли адиб ва олимлар ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқишгани ҳақида сўз боради. Иккинчи саҳифадаги “Деворий газеталарни кузатганда” деган мақолада факультетлар деворий газеталари таҳлил этилади, ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилади. Бу саҳифада институтнинг тўрт доцентини қутлуғ иши билан қутловчи илиқ сўзлар битилган, суратлари ҳам берилган.

1979 йил 21 ноябрь 18-19 (501-502) қўшма сони “Бутун куч – теришга!” деган шапка билан очилади. “Биз ҳаммамиз пахтақормиз” рукни остидаги институт жамоасига мурожаати “Ҳамма – далага! Ҳамма – пахта теримига!” деган чақириқ билан тугалланади. Ички бетлардаги “Ҳисса”, “Теримчилар ҳиммати”, “Пахтазор тонги”, “Математиклар теримда”, “Миннатдормиз”,

“Мусобақадошлар”, “Балли, Алайдор” сарлавҳали ва бошқа материаллар ноябр ойи бўлишига ҳосил кам қолганига қарамай пахта йиғим-терими қандай муҳим сиёсат бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Дўст қиёфасига чизгилар

Асил Рашидовнинг публицистик рисолаларидан бири “Эзгуликка бахшида умр” дея аталиб, қирқ йиллик кадрдон дўсти, профессор Ғайбулла Саломов (Ғайбуллоҳ ас-Салом) портретига чизгилардир. Рисола дастлаб «Ёзувчи» газетасининг 2001 йил 29 ноябрда чиққан 10-12 (98-100) қўшалок сонларида босилган, кейинчалик китоб ҳолида нашр этилган эди.

Асил Рашидов бир қанча жанр (мақола, тақриз, суҳбат, портрет, хат ва ҳ.к.)ларда қалам тебратиб, асосан, таржима билан шуғулланиб келаётган бўлса-да, хотира жанрига деярли мурожаат этмаган эди. Рисола бошида бунӣ муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди: “Акам ҳақида” ёзаётган хотира эсдаликни ҳисобга олмаганда ҳозиргача бошқа ҳеч ким ҳақида хотира ёзганим йўқ ва ёзишни ҳаёлимга келтирмаган ҳам эканман. Ўтмишга қайтиб иш кўриш, марҳумларни ёд этиб тирикларни шод қилиш хайрли, дейдилар. Биз уларни ҳамиша ёдлаймиз. Азизлар руҳи биз билан, эзгу ишларию қолдирган изларига содиқмиз, ижоду ихтироларига ҳамдам ва ҳамкормиз”.

Рисоланинг илк сатрларида муаллиф нияти, мақсади яхши ифодаланган. Акаси Шароф Рашидов ҳақида ёзмаслиги мумкин эмасди – меҳрибон устози, доно маслаҳатгўйи, суянган тоғи эди.

Дўсти Ғайбулла Саломов ҳақида ёзмаслиги мумкин эмасди, содиқ дўстлари ичида энг содиғи, ҳамқору ҳамдасти, билимдон ҳамкасби, оқибатли сафдоши эди.

Асл инсонлар ҳақида Асил ака қачонлардир албатта нимадир ёзишни, виждон амрини адо этишини муаллифни билган кишилар яхши билишар эди ва бу нарса амалга ошди.

Ғайбуллоҳ ас-Салом портретига чизгилар олимнинг портретидан бошланади: “Дўстим хушсурат, кичик жусса. Ёш болалардек беғубор, юмшоқ табиат, ҳазилкаш, ўта мулоҳазали, юз-кўзларидан доимо нур ёғилиб турарди.” Қисқа, аниқ, тиниқ портрет. Баъзи мақола, рисоалар “портрети”, “портретига чизгилар”дея аталишга аталадию, қаҳрамон юз-кўзлари, қадди-қомати, хатти-ҳаракатлари, кийим боши қандай эканлигини ёзиш... муаллифнинг ё ёдидан кўтарилиб кетади ёхуд бунга алоҳида аҳамият берилмайди.

Лўнда портрет тиниқ тасвирдан кейин «юз-кўзларидан доимо нур ёғилиб турадиган» дўстини мантикий муҳокамалар орқали кенгроқ таъриф-тавсифлашга ўтади:

“... Шарқ машойихларининг тўғри яша, ҳаром лукмадан парҳез қил, ҳалол ва ҳалим бўл. Бировларга, ҳатто аҳли байтингга ҳам қаттиқ гапирма, одамларга меҳр-мурувватли бўл. Илмингга амал қил, кўлингга бойлик келганда ҳам, мартабанг ошганда ҳам такаббурликка йўл қўйма. Касбингга фидойи, билганингни бошқаларга ўргатадиган, шукронали, ризо ва қаноатли бўл, сингари пандлари ёдимга келади. Узун гапнинг қисқаси, дўстимни хотирлаб қўлга қалам олар эканман, ранг-баранг ҳаёт лавҳалари кўз

ўнгимдан турнакатор ўта бошлади. Уларнинг қалбимда жо бўлиб, хотирамда муҳрланиб қолганларидан айримларини қаламга олайин.”

Муаллиф эътироф этганича, узунроқ даромад, лекин керакли даромад. Муқаддима-даромад айни чоғда рисоланинг композициясига ҳам ишора қилиб турибди – муаллиф дўсти ҳақида кўп нарса билади, таассуротлари бой, лекин улар ичида энг муҳимлари, энг ёрқинлари, хотирасида муҳрланиб қолганларини ёдга олмоқчи эканини айтиб, ўқувчини қизиқтириб қўяди.

Катта олимга бағишланган рисолада ўқувчини даставвал нима қизиқтиради? Албатта, ижоди: илмий, публицистик асарлари. Буни назарда тутиб муаллиф Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, халқаро Бобур мукофоти совриндори, жумҳуриятимиз назарий таржимашунослик фанининг асосчиси Ғайбулла Саломов яратган энг муҳим асарларни, жумладан, “Русчадан ўзбекчага бадий таржиманинг баъзи назарий масалалари хусусида” (1957), “Мақол, матал ва идеомалар таржимаси” (1961), “Бадий таржиманинг лексика-фразеология масалалари” (1964), “Тил ва таржима” (1966), “Бадий таржима ва адабий таҳрир проблемалари” (1973), “Таржима асослари” (1976), “Таржима назариясига кириш” (1978), “Таржима маҳорати” (1979), “Дўстлик кўприклари” (1979), “Адабий анъана ва бадий таржима” (1980), “Таржима ташвишлари” ва бошқа салмоқли илмий-назарий асарлари, “Мен сув ичган дарёлар” (1990), “Ваҳидан келур бир садо” (1992), “Армон”, “Толибнома” (1996), “Эй, умри азиз” (1997), “Эзгуликка чоғлан одамзод”, “Ҳалоллик бозорда сотилмайди” (1998) каби бадий-публицистик китобларини бирма-бир санаб, ҳатто нашр этилган йилларини ҳам кўрсатиб ўтадики, бу таржимашунослар, публицистлар учун муҳим маълумот, керакли манба бўлиб хизмат қилади. Бу китобларнинг ҳар бирига хаттотларга хос ҳуснихат билан, ғоят келиштириб, атторнинг қутисидан топиб бўлмайдиган сўзларни келтириб, биров маҳобат аралаш, Асил ака айтмоқчи, “пилигини бир оз кўтариб”, лекин ўта самимий дастхатлар ёзганига мисоллар келтирадики, буни устоз китобини тақдим этган ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари тасдиқлайди. Бундай дастхатлар ва бошқа деталлар таниқли олим, мударрис, муҳаррир, мутаржим, ношир, шоир, мақоланавис – кўп қиррали истеъдод соҳиби тийнатиини очишда қўшимча қалит вазифасини ўтайди (шундай деталлардан бири Тошкентда маълум-машҳур бўлган машинка устаси И.Слуцкий фикри: «Ярим асрча бўлди, ёзув машинкаси тузатаман, шрифтларини ўзгартираман. Лекин Ғ.Саломовдай машина шайдосини кўрмаганман. Олтита машинкаси бор: ўзбекча, русча, лотинча, арабча... ҳаммаси эгарланган отдек. Вақтида кўрикдан ўтказиб, созлатиб, мойлатиб туради. Уста уста эмас, асбоби уста”).

Ҳозир кўпчилик, айниқса, ёшлар компьютерда ёзади. Лекин машинкада ишлаган, ишлаётганлар устанинг нечоғлик ҳақ эканлигини билишади. Ёки муаллиф келтирган бошқа бир детални эслайлик: Ғ.Саломов бир шогирдини Гуржистонга таниқли таржимашунос олим ҳузурига хат ёзиб, китобига дил сўзларини муҳрлаб юборади. Олим беихтиёр маҳлиё бўлиб, завқи келиб: «Саломовни эшитганману шахсан таниш эмасман, лекин мана шу ҳуснихатига, самимий сўзларига қараганда, билими пухта, саранжом-саришта инсонлиги кўриниб турибди. Майли, мен розиман”, - деган экан.

Ғайбулла Саломов китобларининг кўпчилиги, ҳатто бир қанча мақолалари, экран, эфирдаги чиқишлари яхши маънода шов-шув бўлган, анча-мунча илиқ тақризлар ёзилган, тахририятга, муаллиф номига миннатдорлик мактуби келган. Асил Рашидов ўз таассуротларини кейинроққа суриб, дастлаб жамоатчилик фикр-мулоҳазаларидан мисоллар келтиради. Масалан, таниқли файласуф, профессор Қ.Хоназаров Ғ.Саломовга ёзган мактубларида шундай деган экан: “Бугун “Таржима назариясига кириш” китобингизни ўқиб тугатдим. Бирор дарслик мени бу қадар мафтун этмаган эди. Сизнинг дарслигингиз бошқа ҳар қандай дарслик учун эталон бўлиши керак, деб ўйлайман. Чуқур илмийлик, баённинг содда ва мароқлилиги, услубнинг оддийлиги, тилининг ширалилиги, баланд эҳтирос... Хуллас, фазилатларини санаб адо қилолмайман. Умрим давомида сизнингдақа битта китоб ёзганимда, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблаган бўлардим”.

Аввал ўзгалар фикр-мулоҳазалари, хулоса, баҳоларини келтириб, кейин ўз муносабатини билдириш илмий, публицистик иш этикасига, ўзбекчилик одобига тўғри келади.

Асил Рашидовни Ғайбулла Саломовга яқинлаштирган, қадрдон дўст қилган асосий омил бирининг таржимонлиги, иккинчисининг таржимашунослиги бўлди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, икки ижодкорни ҳамкору ҳамдаст, дўст-қадрдон қилган киши машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов, унинг “Жамила”си бўлди. Асил Рашидов ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида Чингиз Айтматовнинг кўпгина қисса ва ҳикоялари, романини ўзбек тилига ағдарди. Таржималар жараёнида дўстлар мунтазам маслаҳатлашиб, фикрлашиб туришди, бу йилларда Асил ака Чингиз оға билан бир неча бор кўришди, мулоқот қилишди, хат алмашишди, Шакар овулида, Тошкентда мароқли учрашувлар бўлди.

«Жамила» қиссаси, унинг фазилатлари, таржималари хусусида ҳамкасблар кўп баҳс-мунозара юритишади. Асил аканинг маълумот беришича, асарнинг қирғизчада чоп этилган биринчи нашри “Обон” (русчада “Мелодия”) деб номланган. Ўзбекчага ҳам, аслиятга риоя қилиш учун, “Наво” деб ўгирилади. Лекин у ҳали эълон қилинмаган эди. Бу борада асарнинг рус ва бошқа қардош тилларга ағдарилган таржимаси “Жамила” номи билан эълон қилинган эди. Чунки асарга қўйилган биринчи ном анча мавҳум бўлиб, ундан асарнинг мазмун ва моҳиятини англаш қийин эди. Муаллифнинг таржимонларидан бири А.Дмитриеванинг маслаҳатига нўра асар иккинчи ном билан - “Жамила” деб ўзгартирилади, “Мен бундан дўстимни хабардор қилиб, асарнинг ўзбекча нашрини ҳам шу ном билан юритишни маслаҳатлашганимда у буни маъқул топди, рози бўлди.”

“Тополлек мой в красной косынке” қиссаси ҳам “Қизил дуррачали сарвқоматим” деб айнан ағдарилади. “Асар иккинчи бор кўздан кечирилганда, - ёзади мутаржим, - дурра ўзи кичик нарса бўлса, яна унга “ча” қўшимчаси қўшишнинг на ҳожати бор, деган мулоҳаза билан “қизил дуррали сарвқоматим” тарзида ўзгартирдим. Асарнинг учинчи бор нашр этилишида дўстимнинг маслаҳати билан унинг номини янада

содалаштириб, “Сарвқомат дилбарим” деб номланишини лозим кўрдик. Хуллас, асар шу номлигича қолди”.

“И дольше века длится день” романи таржимаси устида дўстларнинг баҳси ҳам ибратли. Мутаржим бу сафар ҳам яна аслиятга риоя қилган бўлиб “Асрга татигулик кун” деб ўгиради. Орадан бир оз вақт ўтиб романнинг қирғизча нашри “Кўлум карутар бир кун” (“Асрни қаритган кун”)номи билан нашр этилади. “Мен дўстимга бу асарнинг ҳам номини ўзгартирмаймизми, жуда яхши, жарангдор ном қўйишибди, дедим. У, ҳақиқатан ҳам, чиройли ном қўйишибди, гапингизга қўшиламан, деди ва яна гапида давом этиб, энди бўлар иш бўлди, асар шу ном билан мухлисларини топди, кенг китобхонлар оммаси орасида шуҳрат қозонди, энди уни ўзгартирмайлик, деди. Бу гап менга ҳам маъқул тушди. Демак мен, гапнинг индаллосини айтганда, аслият матнига суяниб, уни муқаддас билсам, дўстим мумкин қадар эркин ёндашишни хуш кўраркан”. (“Асрга татигулик кун” ва “Қиёмат” романлари бир китобга жо қилиниб чоп этилганида Ғайбулла Саломов теран адабиётшунос сифатида ажойиб мақола, сўнгсўз ёзган эди. С.У, Б.Д.)

Асил Рашидов дастлабки кезларда таржима жараёнида аслиятга суяниб қолиб, айрим қусурларга йўл қўйганини ҳам мардона тан олади. Маълумки, ўзбек тилига рус тилидан кўра қирғиз тили яқин, ўзбек қирғизни, қирғиз ўзбекни ҳатто таржимасиз ҳам тушунади, улар минг йиллар давомида ёнма-ёнма яшаб, дили-дилига, тили-тилига туташиб кетган. Талаффуз этилишини ҳисобга олмаганда, иккала халқ тилидаги анча-мунча сўзлар ҳам деярли бир хил шаклда ёзилади. Бунга таржимон бир қанча мисоллар ҳам келтиради. Масалан, бош деб ёзилган сўзни қирғиз бўш деб тушунади. Шунингдек, қирғиз зор деб айтилган сўз зўр деб, той-тўй, бой-бўй, бут-оёқ, кор-кўр деб тушунилади.

Чингиз Айтматов асарлари таржималари туфайли Асил Рашидов қирғиз тилини ҳам яхшигина ўрганиб олади. Айни чоғда, рисола муаллифи қирғизчадан ўгиришнинг зоҳиран кўринадиган “қулайлиги” кутилмаган “ноқулайлик”лар туғдириши, кутилмаган ҳолатлар келтириб чиқариши, “тубсиз бир лисоний-ифодавий жарликлар”га дуч келиб қолиши мумкинлигидан огоҳ этади. Масалан, таржимон “жаз” сўзига дуч келганда, ўзимизнинг “ёз” деб, “фата” сўзини “фотиҳа” деб ўгиради. Дўсти кўнғирок қилганида, кутилмаган жумбоққа дуч келганини айтади: “қани, матнни бир ўқинг-чи, деди дўстим. Матнни ўқидим. Шунда дўстим ногаҳон хандон уриб кулиб юборди. Эй, биродари азиз, шахматда алданиб қолгандай алданиб қолибсиз, қирғизларнинг “жаз”и бу ўздекларнинг баҳори, “бата”си эса “фотиҳа”си бўлади, деганча яна узоқлашиб кулди. “Ёнингда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди” деганларидек, бундай “жумбоқ”ларни ечиб, қусурлардан холи этишда ҳам дўстимнинг хизматлари беқиёс эди.”

Асил Рашидов “Акам ҳақида” рисоласини Ғайбулла Саломов қандай таҳрирдан чиқарганини мароқли ҳикоя қилади. “Дўстим, сўз сеҳргари, аввал 4-5 саҳифали материалга сайқал бериб, шунчалик тез ва соз ишлар эдики, гўё кўз ўнгимда катта бир агрегат машина шитиб билан ишлаётгандай, ақлим шошиб ҳавас қилардим. Дўстим ҳар бир сўзга, иборага, жумлага жозиба-ю, жило бағишлаб жон киритар эди. Ниҳоят, шундан сўнг қўлдан чиққан

саҳифаларни машинкага оларди. Унинг бир неча хил сиёҳда ёзадиган ручкалари, фломастерлари бўлгани сингари қора, қизил, яшил рангда ёзадиган хилма-хил машинкалари ҳам ёнгинамизда шай бўлиб турарди.” (биримиз Устоз билан бирга мақолалар, китоб ёзиб, биримиз кафедрасида бирга ишлаб, ҳамкорлик қилиб, Ғ.Саломовнинг асар ёзиш, таҳрир қилиш услуби, ижод лабораториясидан анча хабардор бўлганимиз боис, А.Рашидов кузатишлари, фикрларини тўлиқ тасдиқлаймиз. С.У., Б.Д.)

Асил Рашидов Ғайбулла Саломовнинг Фанлар академиясида, Қомус бош таҳририятида, ТошДУда кафедра мудирлигида ишлаган кезлари, дарслик, қўлланма, китоб, мақолалар яратиш, дарс бериш, шогирдлар тайёрлаш, кафедра ишини юргизиш соҳасидаги бетиним саъй-ҳаракатлари, чеккан заҳматлари, дуч келган қийинчиликлари, очиқ ва пинҳоний ҳужумларга дуч келгани, соғлиғини йўқотса ҳам, эътиқодидан воз кечмагани, танлаган йўлидан қайтмагани, пировардида меҳнатининг ҳосилини кўргани, мукофот, тақдирномаларга сазовор бўлгани, фазилатлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади, мисоллар келтиради.

Асил Рашидов дўстининг фан оламида, олий таълим тизимида, кундалик турмуш сўқмоқларида ҳар доим ҳам анвойи гуллар теришга муяссар бўлмагани, 1969 йил унинг учун ниҳоятда оғир келгани, бошидаги “қора булутлар” тобора қуюқлаша боргани, “бутун фронт бўйлаб ҳужум бошлангани”, нимаики эзгу ишларга қўл урган бўлса хизматга тухмат бўлиб қайтиши, “партиянинг қозонида қайнамаган” деган таъна-дашномлар ичида ўралашиб қолгани ҳақида андуҳ-армон билан ёзар экан (бу гапларнинг тўғрилигига биз ҳам бевосита гувоҳ бўлганмиз, айниқса катта қийинчиликлар билан ТошДУ журналистика факультетида ташкил этилган, талабаларни ўзига оҳанрабодек тортган, юраклар тўридан жой олган истикболли таржима назарияси кафедраси кўп ўтмай сиғдирилмай, филология факультетига, яна бир мунча муддат ўтиб, хорижий филология факультетига ўтказилгани факт, бу ҳақда, жумладан, таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор, Ғ.Саломовнинг биринчи ва суюкли шогирди Нажмиддин Комилов ҳам мақола ва чиқишларида афсус-надомат билан гапирган).

“Натижада, - давом этади муаллиф, – машҳур олим бола-чақалари билан шаҳарма-шаҳар дарбадар кезишга мажбур бўлганди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади. Чунки бу биз учун янгилик эмас. Адолатсизлик, оқибатсизлик, ноаҳиллик... Зулм ва зўравонликка асосланган ёвуз салтанатнинг яшаш тарзи, иш усули ўзи шундай эди-ку. Худди шу иллат туфайли ўз киндик қони тўкилган она юртидан этак силтаб, бош олиб чиқиб кетганларни, қанчадан-қанча диёнатли зиёлилару илм-урфон ва маърифат арбобларининг қисматини айтмайсизми?”

Иккинчи жумлада мустабид тузумга берган баҳоси тўғри ва мардона. Лекин “шаҳарма-шаҳар дарбадар кезишга мажбур бўлганди” деган биринчи жумлада муаллиф сал ошириб юборгандай...

Гап шундаки, Ғайбулла Саломов андишали, ориятли ва эҳтиросли одам эди, буни кўпчилик яхши билади. Шахмат тахтасида кутилмаган юришлар қилиб ҳайрон қолдиргани сингари ҳаётда ҳам кутилмаган ишлар қилиб кўпчиликни ҳайратга солар эди. Ўзбек қомуси бош муҳаррири академик Иброҳим

Мўминовнинг ўнг қўли қаноти бўлиб иш бошлаган, миллатпарвар, фидойи инсонларнинг бошини қовуштириб кечаю кундуз меҳнат қилишга илҳомлантирган, сўзликлар тузиш, турфа юмушларни адо этиш, Москвага бориб, собиқ иттифокнинг катта амалдорлари билан тортишиб, таҳририятга кўшимча штатлар олишга, маошларни оширишга эришиш, фидойи инсонлар ҳамкорлиги, ҳамдастлигида “миллат шаҳодатномаси”нинг илк жилдларини тайёрлаш бир бўладию, ўзи ишга олган айрим ходимларнинг оқибатсизлиги, бош муҳаррирга чақувлар, тўғри нарсани нотўғри тушунтиришлар, танбех эшитишлар, ўзидан ҳам ўтган айрим камчиликлар бир бўлиб, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган иш қилади. Бош муҳаррир уйига ўринбосарлик лавозимидан бўшатишини сўраб... телеграмма юборади. Гап-сўз қайнагандан-қайнаганди, орият зўрлик қилиб, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, бола-чақаси билан ҳаё-ҳайт, деб Самарқандга жўнаб кетади.

Ўзи ўқиган кадрдон шахрида ҳам яқин деб билганларининг аксарияти рўйхушлик билдиришмайди. Яхшиси, сўзни “жабрланувчи”нинг ўзига берайлик:

“Эҳ-ҳе, илгарилари амал кишиси эканман, Тошкентдаги хонадоним доим самарқандлик дўстларим билан лик тўла, ўзим уёққа борсам – жанобингиз гўё осмондан тушардим, улар ерда кўтариб олишарди. Мен, ишонинг-ишонманг, худди энг зукко, нодир, ақли расоларнинг ҳам расоси эдим... Билмаган эканман, ўша етмишинчи йилларда Бош муҳаррирнинг одамлари бу ерда жуда кўп экан. Улар ўзларича бичиб-тўқиб, домлага “яхши иш қилмаганим” (ёпирай), тавба-тазарру қилишим кераклигию, буёғига энди ўзимни мулла минган эшакдай мўмин, сипо тутишим кераклигини маслаҳат беришарди. “Бу ер сенга Тошкент эмас, эркалигинг кетмайди” деб дағдаға қиладиганлар топилиб қолди.

Уч ой давомида менга ўрин топилмади. Факультетга борсам, декан қабулхонасида соатлаб қолиб кетаман. Уйга қайтиб, хонамни устимдан бекитаману, тўйганимча, гоҳида уввос тортиб йиғлаган вақтларим бўлган...

Ўзим ҳам битта-яримта одамни кўриб қолсам бекинадиган бўлдим ёки ғирт ўхшовсиз, телбанамо “ғалати” қилиқлар қила бошладим. (Ғайбулла ас-Салом. “Ҳалоллик бозорда сотилмайди”, Т. “Адолат”, 1998 йил, 56-57 бетлар).

Ҳақиқий дўст оғир кунларда синалади. Ғайбулла Саломовнинг Самарқанддан кўчиб келиши, ТошДУда таржима назарияси кафедраси очилиб, унга мудир этиб тайинланишида Асил Рашидовнинг саъй-ҳаракати катта бўлди. Ғайбулла Саломов енг шимариб ишга тушиб кетди, тез орада ўқув дастурлари, қўлланма, дарслик, китоблар яратди, истеъдодли шогирдлар тайёрлади, илмий, ижодий, таълимий ишга ва... кафедрани ногаҳоний хужумлардан мудофаа қилишга шўнғиб кетди.

Устоз Ғайбулла Саломов табиатан оптимист эди, келажакка умид ва ишонч билан қарарди, доимо ўзини эзгуликка чоғларди ва қўлидан келганича яхшилик қиларди. Сўзни яна Асил акадан эшитамиз:

“Дўстлар, шогирдларнинг юкини енгил қилиб, уларга яқиндан кўмаклашгани баробарида, ўзига билиб-билмай тош отган ағёрларига ҳам қўлидан келгунча

холис хизмат қилди, уларнинг номини тилга олиб ўтирмайман. Уларга, уларнинг номатлуб хатти-ҳаракатларига ҳар жиҳатдан ошириб жавоб қилишга дўстимнинг қурби етар эди. Ўшанда мен: “Ғайбулла, неча марталаб одамлар ҳақида ёздингиз, радиода жуда кўп чиқишлар қилдингиз. Барини тинглаб, ўқиб бораман, оғайни... Ахир, Сиз кўзда ёш, меҳр-муҳаббат, бутун қалб билан кўкларга кўтариб таърифлаётган ўша кимсалар эмасмиди инсоний нафсониятингизни топтаган, таъқиб этган, хизматларингизни йўққа чиқазган? Бола-чақангиз билан Тошкент шаҳрини тарк этишга, бехонумон бўлишга мажбур этган? Мен ҳамма гаплардан воқифман-ку, азиз биродарим, ўзим орага тушиб, уларни инсофга чақиришга ҳаракат қилганман. “Бу афандини тинч қўйинглар. У ҳеч ҳам Сиз ўйлаган одам эмас” деганман. Хабарингиз бор-ку. Энди нега уларнинг соясига бу қадар қуллуқ қиласиз? Нима гап ўзи”, деган эдим(ўша суҳбат-мақоладан). Хуллас, дўстим ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни лозим кўрмади. Аксинча, “билса балиқ, билмаса холиқ” қабилида иш тутиб, улар ҳақида қатор-қатор мақтов мақолаларини битишда давом этди. Олимнинг тафаккури, сабъ-ҳаракатлари, аъмоли, сабр-тоқати вақт синовларига бардош берди. Уни таҳликага солмоқчи бўлган мухолифларнинг ўзлари эса бирин-кетин сина бошлашди.”

Устознинг қилган катта ишлари, тайёрлаган шогирдлари, ёзган асарлари, қилган яхшиликлари, фазилат-хислатлари ҳақида “Ғайбуллоҳ ас-Салом замондошлари хотирасида” тўпламида хотиралари билан қатнашган қирққа яқин муаллиф яхши айтишган. Шулар ичида Асил Рашидов хотиралари ҳам жой олган.

Қандай қилиб таржимон бўлиб қолдим?

Асли касбим журналист, адабиётшунос, танқидчи педагог. Таржимачиликни эса фаолиятимнинг бир қирраси, деб ҳисоблайман. Маълумки, ҳар бир соҳада ҳар бир кишига сабоқ бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб келган мўътабар устозлари бўлганидек, менда ҳам таржимачилик санъатига ҳавас уйхотган ҳурматли устозларим, яқин дўстларимнинг кўмаги, шубҳасиз, катта бўлган.

1954 йил Тошкент давлат университети филология факультети, журналистика бўлимини битириб палапон бўлиб, газеталарга ишга жойлашган кезларимиз... Шунда ҳам таржима билан шуғулланаман, деган хоҳиш менда йўқ эди.

Узун гапнинг қисқаси, таржима бу ҳақиқий санъат эканлиги, унинг зиммасига юклатилган улкан вазифалар, қанчадан-қанча санъаткорларимиз бу мактабдан сабоқ олганликлари хусусида раҳматлик Шароф акам такрор-такрор гапириб берарди. Демак у киши бу ҳақда менинг қалбимга биринчи бўлиб ўт ташлаган эди. Иккинчидан, илмий раҳбарим ҳурматли В.Й.Зоҳидов биринчи давлат стационарида даволанаётган эди. Кунларнинг бирида кўришга бордим. Домла аллақандай асарни берилиб ўқиётганининг устидан чиқдим. Асар домлани ўзига шу қадар мафтун этиб, сеҳрлаб олган эканки, рўпара келганимни ҳам сезмай қолди.

- Домла, даволанишлар қалай бўляпти, жуда ҳам китобга шўнғиб кетибсиз-ку, - дедим.

- Опарин, опарин! Келдингми? – деди домла. (Домла бу сўзни тез-тез такрорлаб турарди.) Деди-ю, ҳол-аҳвол сўрашиш ҳам бир ёқда қолиб кетиб асарнинг таърифию тавсифи ҳақида сўз юритиб, “ундаги ҳар бир персонаж, лавҳа, ҳатто ҳар бир ибора, ҳар бир сўз жонли, таъсирли, биллур каби нурланиб мени ўзига шайдо этди”, дея завқ билан тўлиб-тошиб сўзлаб кетди.

“Асарни туни билан мижжа қоқмай ўқиб чиқдим, даволовчи врачларимдан ҳам танбех эшитдим. Энг муҳими, энди ҳар қандай хасталикдан фориғ бўлиб ўзимни кўкда парвоз қилиб юрган эркин қушдай сезяпман.”

Кейин билсам домла тушмагур таникли француз санъаткори Луи Арагоннинг “Култура и жизнь” журналининг 1959 йил 7 сонидида чоп этилган “Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси” номли катта сўз бошиси билан бирга нашр этилган “Жамила” қиссасини тун бўйи ўқиб чиққан экан.

Сухбат охирида домла журнални менга тантанали равишда топширди ва ҳеч қандай иккиланмасдан Ч.Айтматовнинг бу асарини таржима қилишимни илтимос қилди. Шу-шу, маданиятимиз арбоби, катта бир академикнинг бир оғиз илиқ ва самимий сўзи билан Луи Арагондай санъаткорни ўзига мафтун этган жаҳонда энг гўзал асар - “Жамила” бевосита ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди.

Қисса босилиб чиққандан сўнг орадан кўп ўтмай Ғ.Ғулом номидаги нашриётда ҳурматли ёзувчимиз Абдулла ака (А.Қаҳҳор) билан учрашиб қолдим. У киши асарни бир нафасда ўқиб чиққанлиги ҳақида мамнуният билан гапириб, таржимачилик ишини тўхтатмасдан давом эттиришни маслаҳат берди. Устоз адиб, сўз сеҳргарининг дилдан айтган бундай илиқ сўзлари менга далда берди, қанот бағишлади.

Учинчидан, менинг таржимачилик фаолиятимга бевосита муаллиф, яъни Ч.Айтматовнинг ўзи бош-қош бўлиб турди. Йиллар ўтиб, муаллиф асардан-асарга ўтган сари унинг маҳорати ҳам юксалиб, тасвирлаш усуллари, воситалари ҳам бойиб, ранг-баранглашиб бормоқда. Бу муаллиф билан таржимоннинг яқиндан мулоқотда булиб туришини ҳам тақозо этади, албатта.

Тўртинчидан, таржимачилик фаолиятимда рол ўйнаган муҳим омилларнинг энг каттаси самимий дўстим, кадрдоним, сўз сеҳргари, комусий олим Ғайбуллажон Саломовдир. Бу забардаст олимнинг ўзи тўртта филнинг юкини кўтаради, десам муболаға бўлмас. Менинг узок йиллар мобайнида бажарган таржималаримнинг бирор саҳифасини ҳам қолдирмай ипидан-игнасиғача синчковлик билан текшириб чиқди, матбуотда нечталаб тақризлар чиқарди ва таржима санъатининг сир-асрорларидан сабоқ берди. Бунинг учун дўстимдан бир умрга миннатдорман. Мухтасар қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган асосий омиллар менинг таржимачилик фаолиятимнинг ўзагини ташкил этади.

20. 01. 2000 йил

26. 01. 2000 йил. 19.00 – 20.00 “Ўзтелерадиокомпания” “Ўзбекистон” каналида эшиттирилган

Таржиманинг қаттиқ ва тотли нони

Асил Рашидов ижоди, таржималари ҳақида энг кўп ва ҳўп ёзган олим, юқорида айтганимиздек Ғайбулла Саломовдир. Асил Рашидов ва Ғайбулла Саломов ижодий ҳамкорлиги, дўст-қадрдонлиги ҳавас қилса, ибрат олса арзигуликдир. Русча-ўзбекча луғат илк бор нашр этилганда, Шароф Рашидов бу – маданий ҳаётимизда катта воқеа эканлигини таъкидлаб, укасига бирор тилшунос олим билан биргаликда ушбу луғатга бағишлаб мақола-такриз ёзишни маслаҳат беради. Бу ишни Асил Рашидов билан Ғайбулла Саломов адо этишади. Уларнинг танишлиги билишликка, бора-бора қадрдонлик, дўстликка айланиб кетиши мана шу такриз-мақоладан бошланади, Асил Рашидовнинг ҳар бир таржимаси, ўзининг китоб, рисоаларига Ғайбулла Саломов алоҳида такриз, мақолалар ёзади, улар кейинчалик олимнинг китоб, тадқиқотларидан ўрин олади.

Ушбу рисоламизда А.Рашидов ва Ғ.Саломовнинг 1978 йили “Ўқитувчилар газетаси”да босилган “Ҳаёт-адабиёт-таржима” номли суҳбатини ва Ғ.Саломов билан С.Умировнинг “Ёзувчи” газетасида эълон қилинган “Асл инсон” суҳбатини, айрим жузъий қисқартиришлар билан беришни лозим кўрдик. Негаки, таржима муаммолари, ижодкор шахсияти, назаримизда, ушбу суҳбатларда яхши очиб берилган.

Ғайбулла Саломовнинг Тўхта Бобоев билан ҳамкорликда ёзган “Бизнинг Чингиз” мақоласида ҳам (“Совет Ўзбекистони”, 1996 йил, 17 июн) адиб асарларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳам таржимон Асил Рашидов маҳорати хусусида сўз юритилади. Мақола муаллифлари, санъаткор асарларининг ўзбекча таржималари уларнинг жуда катта эстетик-тарбиявий қимматидан ташқари, асосан, асл нусхадан таржима қилинганлиги билан ҳам диққатни ўзига жалб қилишини таъкидлашади. “Бир қардошлик оиласига мансуб бўлган озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз, татар, ўзбек ва бошқа тиллардан бирида яратилган асарни бевосита ўзидан таржима қилиш бирмунча ўнғай ва афзал, чунки қардош тилларда ўхшашликлар, муштарак қонун-қоидалар ва умуминсонийликлар кўп” – деб ёзишган муаллифлар айни чоғда қардош тиллардан таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, жиддий машаққатлари ҳам борлигини, чунончи, кўпгина сўзлар қирғиз ва ўзбек тилларида айнан бир хил шаклда ёзилса ҳам, бошқача талаффуз қилиниши, бинобарин, бошқача маъно англатишини таъкидлашади, мисоллар келтиришади. Масалан, бош деб ёзилган сўзни қирғиз бўш деб, шунингдек, зор-зўр деб, той-тўй, бой-бўй, кар-қор деб тушуниларкан.

Қирғиз тилида кўп ҳолларда гап ўзбек тилидагига нисбатан анча қисқа, сиқик шаклда тузилади. Унда шундай сўз бирикмалари учрайдики, башарти уларнинг маъно хусусиятлари тўла ҳисобга олинмай ўзбек тилига кўчирилса, жуда кўпол услуб ғализлиги ҳосил бўлади. Башарти, “Эртен Жамийлага араба беребиз жекенди кошуп олип озун баш бўл” сўзлари ўзбек тилига айнан кўчирилса, (Эртага Жамилага арава берамиз, янгангни кўшиб олиб, ўзинг бош бўл), бундан “Жамилани аравага кўшиш (?)” маъноси келиб чиққан – кўпол хатога йўл қўйилган бўлар эди. Буни яхши пайқаган таржимон кошуп феълини бирга олиб сўзлари билан алмаштириб хатонинг

олдини олган: “Эртага Жамилага арава берамиз, бирга олиб, унга ўзинг бош бўл”.

Муаллифлар А.Рашидов Ч.Айтматов асарларининг бадиий оҳорини тўкмасдан, унинг асосий муддаосини чиқара олгани, сўз танлаш, синонимлардан фойдаланиш, мақол ва маталларни таржима қилиш бобидаги маҳоратини ишонарли кўрсатиб беришган, шу билан бирга таржимон йўл қўйган айрим нуқсонларни ҳам айтиб ўтишган, масалан, “Сомон йўли” асаридаги чоп сўзини ўтин деб тушунган таржимон ўт кўтариб келаётган Бектошга ўтин орқалатиб юборган бўлса, иккинчи бир ўринда қирғизча тон (пўстин, тулуп) сўзининг тўн деб берилгани туфайли станция назоратчиси бўлган рус кишисига қирғиз тўнини кийдириб юборган.

Муаллифлар таржимадаги “тракторларини экишга тайёрлашди” (“Бўтакўз”), “Эти боши оғриб қолди”, “оқ дилимни айтаман” (“Сомон йўли”), “юзимга тўрсиллатиб гапира кетди” (“Сарвқомат дилбарим”) каби услубий қусурларни ҳам кўрсатиб ўтишадик, булар кейинги нашрларда тузатилади.

Ғ.Саломов “Ҳаётини қиссалар” номли тақризида (“Совет Ўзбекистони”, 1969 йил, 13 октябр) таржимоннинг эътиборини Чингиз Айтматовнинг сўзга жуда ҳасислиги, унинг айрим ижобий қаҳрамонлари камгаплиги, улар қанчалик оз сўзласалар, шунчалик чуқур таассурот қолдиришига қаратади ва қизиқ мисол келтиради. Масалан, “Алвидо, Гулсари” қиссасининг асосий ижобий қаҳрамонларидан бири Жўра Саёқов нутқининг ҳажми, ҳатто унинг ички монологлари билан қўшиб ҳисоблаганда, 9250 белгидан иборат экан. Ҳар бир сўзни, ўрта ҳисобда 6 белгидан иборат деб олинса, у ҳаммаси бўлиб 1550 та сўз айтган бўлиб чиқади (таржимашунос олимнинг серҳафсалалигини, эринмай санаб чиққанини қаранг). Тақризчи бу рақамлар остида катта маҳорат сири ётиши, чунончи, Жўра энг оғир дақиқаларда ҳам ҳиссиётга берилмай мулоҳаза билан иш кўришини, иккинчи томондан, ўтмиш ҳаёт қийинчиликлари уни ўз соғлом фикр ва мулоҳазаларини очиқ гапирмасликка ўргатиб қўйганини кўрсатади. Адиб яна кўп маънони англаувчи кичик бадиий деталлардан ҳам унумли ва ўринли фойдаланганини тақризчи алоҳида таъкидлаб ўтадики, бу фикрларни А.Рашидов таржима жараёнида ҳисобга олган албатта.

“Оқ кема” (Эртадан сўнг) қиссаси Чингиз Айтматов ижодида алоҳида бир воқеа бўлди, асар тез орада кўп тилларга таржима қилинди, ўнлаб тақриз, мақолалар чикди. Таржимадан таржимага ўсиб, маҳорати ошиб бораётган Асил Рашидов асарни катта маҳорат билан ўгирди. Қисса “Шарқ юлдузи” журналининг 1972 йил, 3-4 сонларида босилди.

Ғайбулла Саломов асар, унинг таржимаси ҳақида 1972 йил учта газетада учта тақриз билан чикди, булар “Она буғи ҳақида қўшиқ” (“Тошкент оқшоми”, 1972 йил, 29 апрел), “Оқ кема”ни ўқиб” (“Совет Ўзбекистони”, 1972 йил, 14 май), “Одамохун бола ҳақида қисса” (1972 йил, 28 июн). Олим кейин нашр этилган китоблари, жамоавий “Таржимон маҳорати” тўпламларида ҳам “Оқ кема”, адиб ва таржимон маҳорати масалаларини кўп тилга олди.

“Она буғи ҳақида қисса”да Ғайбулла Саломов “Мақол, матал ва идеомалар таржимаси” китобидаги илмий-оммабоп тарзда ёзиш, қизиқ

сарлавҳалар топиб қўйиш услубига содиқ қолади. Мана, мақоланинг кичик сарлавҳалари: “Сукут “гапирганда”, “Тошлар безабон”, “Одамлар ва муносабатлар”, “Жиноятчи – жиноятчи эмас...”, “Содиқ таржимон – садоқатли дўст”.

Қисса оҳанрабо янглиғ қанча ўзига тез тортса, мақола ҳам шундай тез тортади, бир нафасда ўқиб чиққанингизни билмай қоласиз. Мана, “Сукут “гапирганда”...”нинг илк жумлалари: “Қисса, одатдагидек, қисқа – бор-йўғи 80 саҳифа. Аммо бу – дунёнинг ўтмиши, кечмиши ва келажак ҳақида мушоҳада юритиш ва баҳслашиш учун катта майдон. Ажиб бир ҳолат: сўзлар қанча кам бўлса, фикр шунча фаровон. Ҳар бир калима – топилган, ўйланган, ўлчанган. Чикит йўқ. Наинки сўз – товушлар, қарашлар, ҳаракатлар, ишоралар, ҳаттоки сукут ҳам... гапиради! Масалан, асарнинг бош қаҳрамони Боланинг ҳамма гапларини бир жойга жамланса, бу бир-икки саҳифани ташкил қилади, холос. У гапиришдан кўра кўпроқ сукут қилади. Унинг руҳий дунёси ички монологлар, ўйлаш, ўз-ўзи билан “суҳбатлашиш”да очилади. Сукунатда гап кўп!”

Мақола муаллифи Ч.Айтматовнинг “фотограф” ёзувчи эмас, расом санъаткор, сўз сеҳргари эканлиги, ҳаётга ўткир назар билан қараши, ишонтириш қудрати кучлилигини алоҳида таъкидлар экан, бу хусусият-фазилатлар таржима жараёнида ҳам назарга олинганини, Чингиз Айтматовнинг юксак маҳорат билан ёзилган ғоявий-бадий пухта асарлари Асил Рашидовнинг бадий баркамол таржималарида китобхонга етиб бораётганлиги, улар аслан ўзбек тилида ёзилгандай енгил ўқилишини таъкидлайди. Кампир билан бола ўртасидаги муносабат таржимада яхши очилгани қуйидаги мисол орқали кўрсатиб берилган: “И чего это ты прилип к этому поганому портфелю? Хоть бы стал он тебе женой, нас от калыма за невесту избавил...”. Мальчик пропускал мимо ушей бабушкины слова, да и не очень понимал, о чём идёт речь...”

Таржимаси: «Бу ярамас портфелга бунча ёпишиб қолдинг? Шу сенга хотин бўлиб қолгандами, қалинга бизни сотиб ер экансан-да... . Бувисининг гапи боланинг у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетар, қолаверса, гап нима ҳақида бораётганини ҳам унча тушуниб етмасди...”.

Таржимон сўзларни кўр-кўрона ўтказмай, балки “Худди шундай ҳолатда ўзбеклар нима деган бўлар эди”, деган андиша билан иш кўриб, услубий мос, бадий аниқ, муқобил таржима намунасини яратганини мунаққид алоҳида таъкидлайди, шу билан бирга, таржимадан айрим нуқсонларни, чунончи, Бола мўмин Чаққонга нисбатан асл нусхада “Ата” деб мурожаат қилса, таржимада гоҳ “ота”, гоҳ “бобо”, гоҳ “бува” деб гапирганини кўрсатиб ўтади. “Оқ кема”ни ўқиб...” да Ғ.Саломов, энг аввало, нуқтадон мунаққид сифатида муаллифнинг ҳайратангиз жасоратию бадий маҳоратини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бола қалби – эртақ учун энг яхши замин, болалик – кишиларнинг эртақларга ишонмаслик “қобилияти”ни ҳосил қилиб улгурмаган даври эканлигини алоҳида қайд қилади. Болага ёзувчи ном бермаганлигининг ўзиёқ кифоя қилишини, у кишининг балиқ қиёфасига кириши мумкинлигига ишониши ва шу туфайли катта ёшли одамлар ўртасидаги виждоний азоблар, ҳақорат ва биқик муҳитни тарк этиб, ўз

тасаввуридаги эркин дунё – оқ кемага, отасининг ёнига сузиб кетиши учун сувга тушиши ва ... фарқ бўлишини нозик илғаб, талқин этади, ишонтиради. Шунингдек, қиссадаги портфел, дурбин, танк, бўри, эгар, ётоқ, туя каби бадий деталлар катта маъно ташишини, таржимада буларга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлайди.

Такризда таржимон маҳоратини кўз-кўз қиладиган бир қанча мисоллар мавжуд. Масалан, Мўмин чолнинг мушкул аҳволда “Помоги, Рогатая мать – олениха, не дай застрять бревну, не дай коню упасть” – деган илтижоси мабодо айнан таржимаси, “Ёрдам бер, шохдор она буғу, ёғочнинг тикилиб қолишига йўл қўйма,” – тарзида чиқиши мумкинлиги хусусида фикр юритиб, “Тушунарлими? Тушунарли. Аммо ишонарли эмас. Ҳолбуки, таржима шунинг учун ҳам санъатки, у фақат “тушунарли” эмас, балки ишонарли бўлиши керак. Таржимада Мўмин буванинг дуо-илтижоси жуда яхши чиққан: “Ўзинг қўлла, шохдор она буғу, илоҳим ёғоч илинмасин, илоҳим от йиқилмасин”. Чолнинг “қўлла” дейиши билан Боланинг “ёрдам бер” дейиши ҳам ишонарлилиги, негаки кекса киши билан ёш боланинг “тил”ларида фарқ бўлиши лозимлигига эътибор қилинади. Айни чоғда, таржимада эътирозга сабаб бўладиган ўринлар ҳам қайд этилади. Масалан, “и так обрадовался, точно зная, что будет куплен ему портфель” жумласининг “У қувонди: сабаби ўзига портфель олинишини аниқ биларди” дея ўгирилишига эътироз билдириб, мунаққид ёзади: “Ваҳоланки, бола буни сира ҳам билмаган эди. Бунда точно сўзининг аниқ деб берилиши ўзи аниқ эмас (“Бола ўзига портфель олинишини худди билгандай қувониб кетди”). Мўмин чол портрети тасвирига оид: “На что борода – и та не удалась. Посмешище одно. На голом подбородке две-три волосинки рыжеватые – вот и вся борода” жумласининг “Сокол нима деган гап – шу ҳам насиб қилмаганди. Қип-қизил майнавозчилик. Яйдоқ иягида иккита-учтагина сариқ тук бор холос. Бор-йўк сокол шу” тарзидаги таржимани жуда очиб юборадиган “кўса” сўзи ишлатилмаганидан афсусланади: “рус тилида “кўса” тушунчасини ифодаловчи махсус сўз йўқлиги. “Безбородий” “соколсиз” деганию, аммо кўса маъносини англаторлмайди. Шунинг учун «Посмешище – майнавозчилик» сўзини қўллашга мажбур бўлган. “Бу қип-қизил кўса” дегани.

Гарчи Ч.Айтматов асарларининг А.Рашидов таржималари хусусида Ғ.Саломов кўп ёзган бўлса-да, бошқа мунаққидлар ҳам бир қанча тақриз, мақолалар ёзганлар. Шулардан бири Х.Дониёров, М.Каримовлар қаламига мансуб “Ч.Айтматов асарлари ўзбек тилида” деб номланувчи тақриздир (“Ўзбекистон маданияти”, 1965 йил, 21 июл). Ушбу тақризда ҳам А.Рашидов таржималари, маҳорати, айрим нуқсонлари хусусида сўз юритилади: “таржимон Ч.Айтматов повестларини рус тилидан таржима қилар экан, икки тил - рус ва қирғиз тили тўсиқларидан муваффақиятли ошиб ўтади. У рус тилидан таржима қилганда ҳам, қирғиз тилидан ағдарганида ҳам қирғиз тилининг ўзига хос хусусиятини, миллий колоритни назардан қочирмайди. Натижада кўп ўринларда муваффақиятларга эришади, моҳир санъаткорнинг асарларини ўзбек ўқувчиларига оригиналга яқин услубда тақдим этади”, деб ёзишар экан, тақризчилар фикрини исботлаш учун баъзи мисоллар

келтиришади. Масалан, “Сарвқомат дилбарим” қаҳрамонларидан бири Бойтемир Илёс ташлаб кетган Асалга ичи ачиб, ўз-ўзига шундай дейди: “И все же жалко было мне ее, совсем молодая женщина, на девушку похожа, стройная такая. Ласковая, наверно, душевная. Как мог человек допустить, чтобы она бросила все и ушла”. Бу матн куйидагича таржима қилинган: “Шундай бўлса ҳам, бу ёшгина аёлга раҳмим келарди. У ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизчага ўхшарди, қадди-қомати келишган, чеҳрасидан нур балқирди. Одатда у меҳрибон, ширинсўз эди, эҳтимол, самимий аёлдир. Шундай жувонни ҳамма нарсадан маҳрум этиб, бош олиб кетишга мажбур этган қандай инсон экан-а?”. Тақризчиларнинг эътирофича, таржимон “ўн гулидан бир гули очилмаган” деган иборани ўзидан қўшиш орқали ўша лаҳзанинг драматизмини оширган. Ёки “алтин баштуу катлидан, бақа баштуу эр артик...” мақоли “олтин бошли хотиндан бақа бошли эр яхши” деб, муқобил вариант қидирмай, тўғри таржима қилганини, “черта с два! Из одной овчины двух шуб не скрошь!” (“Материнское поле”) мақолини, “бўлмағур иш! Икки оёқни бир этикка тикиб бўлмайди!” – шаклида берилишини маъкул топишади. Айрим нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтишади. “Боз уй”ни “қора ўтов” деб эмас, “оқ ўтов” деб, “Урмат” деган киши номини “Ўрмат” деб эмас, “Урмат” (яъни ҳурмат маъносида) таржима қилиш мақсадга мувофиқлигини уқтиришади.

Асил Рашидов, Ғайбулла Саломов

Ҳаёт-адабиёт-таржима

А.Рашидов: - атоқли ёзувчи, қардош қирғиз адабиётининг улкан намояндаси Чингиз Айтматов ва унинг кўп қиррали ижоди ҳақида мароқ билан гапириш мумкин.

Ғ.Саломов: - Чингиз Айтматов ижодини шартли равишда бир бўстон деб олсак, унинг гултожлари нималарда зоҳир бўлади?

А.Рашидов: - Даставвал адибнинг вақт талабига мувофиқ, шу кеча-кундузда айтилган проблемаларни кўтариб чиқишида, асарларининг изчил инсоний руҳ, чуқур халқчиллик ғоялари билан суғорилганлигида кўзга ташланади, деб ўйлайман.

Ғ.Саломов: - Айти муддао гапни айтдингиз. Шуниси кишини лол қолдирадики, у замона эҳтиёжларини жуда зийраклик билан пайқайди. Гўё давр ва халқ қалбига қулоқ босиб турган донишманд сингари бўлажак ҳодисалар ҳақида пухта “бадий прогноз” беради.

А.Рашидов: - “Алвидо, Гулсари!”да шахс эрки, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, танқид жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги хусусида баҳс қўйилган бўлса, “Оқ кема”да виждон, табиатни муҳофаза этиш, бунинг чуқур маънавий илдизлари, «Бўтакўз»да қўриқ ва бўз ерларни очиш, қудратли иқтисодий-сиёсий плацдарм, улкан руҳий камолот мактаби эканлиги муаммолари қаламга олинган.

Ғ.Саломов: - Шуниси диққатга сазоворки, мазкур масалаларнинг нечоғлик долзарблиги, актуаллигини кейинчалик мамлакат миқёсида қабул қилинган қарорлар, муҳим ҳужжатлар, давлат арбобларининг нутқлари ва бошқа амалий тадбирлардан ҳам билса бўлади.

А.Рашидов: - Бу эса Айтматов асарларининг ниҳоятда таъсирчан тарбиявий аҳамиятга молик эканлигини белгиловчи бош омилдир.

Ғ.Саломов: - хусусан, ёш авлодни тарбиялашда ёзувчининг қисса ва ҳикоялари, таржималари, улар асосида яратиладиган кинофильм ва спектакллар бебаҳо манбу бўлиб хизмат қилади.

А.Рашидов: - Ўз асарларида махсус ёки муайян муносабат билан “мактаб ва оила”, “ўқитувчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни”, “таълимот, таҳсилот ва баркамол инсон тарбияси” масалалари бадиий йўсинда талқин қилинишини ҳам Чингиз оға ижодининг эътиборга лойиқ жиҳати деб биламан.

Ғ.Саломов: - Чингиз Айтматов қамрови кенг адиб. У қиссанавис ва ҳикоянавис, зуллисонайн адиб, таржимон, киносценарист, танқидчи, тарихчи.

А.Рашидов: - Чорак асрли адабий фаолияти, хусусан, «Жамила» қиссасини чоп эттирганидан сўнг ўтган йигирма йил давомида Чингиз оғаниннг ижоди муттасил ўсиб борди, шуҳрати оламга таралди. Эндиликда жаҳоннинг турли бурчакларида яшаётган 83 миллат вакиллари унинг асарларини ўз она тилларида зўр мароқ билан ўқишмоқдалар. Шу далилнинг ўзини - 83 рақамини бир ўйлаб кўринг-а...

Ғ.Саломов: - Кўпмиллатли совет адабиётида ёрқин истеъдодлар кам эмас. Улар орасида Ч.Айтматовнинг ўз ўрни бор. Мен бу ерда ёзувчининг услуби, ўз мавзуи, ўз образлар дунёси борлигини, фақат шунигина назарда тутмайман. Чингиз оға кичик жанр - қисса ва ҳикоя жанрининг моҳир устаси. У бу жанрнинг катта имкониятларидан фойдаланиб, фавқулодда салмоқдор гап айтди ва катта проблемаларни ҳал этди. Айтганда ҳам ўринлатиб, ишонтириб, қалбларни ларзага келтириб айтди.

А.Рашидов: - Ҳа, бошқалар турнақатор қалин китобларда, катта-катта романларда “чиқаролмаётган” муддаони мўъжазгина ҳикоя ёки жажжи қиссада лўнда қилиб айтиб қўя қолади.

Ғ.Саломов: - “Жамила”, “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Денгиз ёкалаб чопаетган олапар” сингари қиссаларни ўқиганда, ажиб бир ҳолат содир бўлади кишида. Уларда оқ қоғоз саҳифасига ҳақиқат уруғи бирма-бир қадаб чиқилгандай, мухтасар бадиий матн ортида турган катта қалб эгаси сен билан яккама-якка, юзма-юз туриб гаплашаётгандай туюлади.

А.Рашидов: - ... Ўқувчи сеҳрлангандай бўлади. Қизиғи шундаки, кўз ўнгингда табиат жонлангандай, ҳаракатга келгандай, тилга киргандай, тасвирланаётган реал инсоний воқеаларга “муносабат” билдираётгандай туюлади. Тасвирда қабариклик, манзарадорлик пайдо бўлади. Китобхон “шунчаки” китоб ўқиётгандай эмас, Қоратов дарасида, Анорхой даштида, Тиёншон тоғи этагида, Куркуровда, Норинда, Ўшда, Талас водийсида, Сантошда, Иссиқкўлда жонли одамлар орасида юргандай...

Ғ.Саломов: - ... ёки Охот денгизида, даҳшатли тўфон узра Орган, Милгун, Эмрайин, Кириск билан бирга кичик, ясама қайиқда диққинафас бўлиб, томоғи қақраб сузиб кетаётгандай сезади ўзини.

Ҳали юқорида Айтматов услубининг бир фазилатини қайд этдик: қисқалик, таъбир жоиз бўлса, лисоний мухтасарлик. Ажиб бир ҳолат: сўзлар қанча кам бўлса, маъно шунча чуқур, фикр шунча маънодор. Шундай

туюладики, унинг ижобий қаҳрамонлари Бола (“Оқ кема”), Жўра Саёқов (“Алвидо, Гулсари”), Орган, Эмрайн (“Денгиз ёқалаб чопаетган олапар”) гапиришдан кўра кўпроқ мушоҳада юритадилар.

А.Рашидов: - Яхши ёзувчи ҳамма гапни айтиб қўймаслиги керак. Агар асар “мурод-мақсадига етди” қабилида тугаса, ўқувчига деярли ҳеч нарса қолмайди.

Ғ.Саломов: - “Оқ кема”, “Денгиз ёқалаб чопаетган олапар” қиссаларини ўқирканмиз, кўп гапириб ифодалаб бўлмайдиган фикр ва маънони баъзан “индамай айтиш” мумкиндай, ҳатто бу таъсирчанроқ ва ишонарлироқ чиқадигандай ҳам кўринади. Айтишлик, бу икки асарга шундай “абадий мавзу” асос қилиб олинган ҳолда, гоёт муҳим умуминсоний гоё илгари суриладики, бу асосда мазмун ва мундарижа эътибори билан қалин роман, ҳатто кўп серияли романлар ҳам бунёд этиш мумкин эди.

А.Рашидов: - Ёзувчи қолипни бу қадар тор олишига қарамай, шу кунги реал ҳаётий воқеалар тасвиридан ташқари, асарга узок ўтмиш афсонаси, латифаларни ҳам киритишга имконият топади.

Ғ.Саломов: - Бу афсоналар эса замонавий руҳ билан суғорилган.

А.Рашидов: - Ёки, аксинча, замонавий ташвишлар тасвири ўтмиш афсонавий воқеаларининг “давомидай” уланиб кетади. “Оқ кема”даги Шохдор она-буғи, “Денгиз ёқалаб чопаетган олапар”даги Балиқ-волида афсоналарига китобхон жуда-жуда ишонгиси келади.

Ғ.Саломов: - “Оқ кема”да соддадил Бола “Командирлик командирнинг ўзига ҳам ёқса керак-а” - дейди. Бу “анойи гап” туюлса-да, ҳаётда шундай ўйловчи кишилар оз бўлмаса керак. Ҳолбуки, русларда “Мономахнинг бўрки оғир” деган яхши гап бор. Айтматовнинг асарлари ҳам “силлиққина” яратилмаган, баҳслар, мунозаралар ўз мавқеини ижодий тортишувларда ҳимоя қилиш орқали рўёбга чиқарилган. Шу хусусда сиз қандай фикрдасиз?

А.Рашидов: - Фаолиятсиз жойдагина баҳс бўлмайди. Баҳс бўлмаган жойда эса тараққиёт нишонаси йўқ деган гап. Чамаси, сиз гапни “Оқ кема” атрофида матбуотда бўлиб ўтган мунозараларга бурмоқчига ўхшайсиз.

Ғ.Саломов: - Турган гап, бу ерда матбуот саҳифаларида асар ҳақида илгари сурилган фикрларни батафсил таҳлил қилишнинг иложи ва зарурати ҳам йўқдир. Лекин баъзи нарсаларга тўхташга тўғри келади.

А.Рашидов: - Эсингизда бўлса керак, бир киши ёзувчига антиқа “маслаҳат” ҳам берган эди. Ўроққулни қамоққа олсин, Мўмин чолни пенсияга чиқарилсин, Болани эса болалар уйига топширилсин, деб. Албатта, санъат асарининг ўзига хослигини тушунмайдиганлар учраб туради. Бу унчалик хавфли эмас (кишилар мийиғида кулиб қўя қолади). Лекин гоҳо туппа-тузук мутахассислар ёки адибларнинг ўзлари ҳам чалғитувчи гапларни айтадиларки, буниси ёмон.

Ғ.Саломов: - Хонаси келганда, бир нарсани айтмоқчиман. Масков журналларидан бирида (1976 й.) “Эрта келган турналар” қиссаси ҳақида икки танқидчининг бир-бирини инкор этувчи тақризлари босилиб чиқди. Бир таниқли мунаққид қиссанинг бадиий безаклари, оҳанги, руҳи, унда муаллиф кўзлаган мақсад-муддао, услуб, афсонавий талқиннинг барчасини “ортиқча” деб билади. Воқеа схемасини асарнинг умумий борлиғидан ажратиб олади-

да, гўё “бу ерда ҳеч нарса йўқ” демоқчи бўлади. Бориб турган ғалати нуктаи назар! Бамисоли “нафас олиб турган жонли одамни кўй-да, менга қуруқ скелетнинг ўзини узат” деган гап бу.

А.Рашидов: - Бундай “усул” билан таҳлил қилинган танқидий ишлар менга ҳам таниш. Аслида эса, бадиий асар яхлит бир организм. Ана шу яхлитлиги, ўз таркибидаги узвларнинг мутаносиблиги, буларнинг барчаси соғлом ғоявий руҳ билан нечоғлик озиқлантирилгани билан маънодор, гўзал, қимматли.

Ғ.Саломов: - Аҳён-аҳёнда яна бир хил ғалатирок фикрлар матбуотда пайдо бўлиб қолади. Уларда айтилишича, Чингиз Айтматов, шубҳасиз, бақувват ижодкор, аммо барча асарларини ҳам бир текис, зўр деб бўлмас эмиш.

А.Рашидов: - Тоғнинг қоялари ҳам бир текис бўлмайди. Бири паст, бири баланд. Лекин барибир, қоя-қоя-да!

Ғ.Саломов: - Қоялар бир текис бўлганда, у тоғ эмас, ясси тепалик бўларди. Комил Яшин Чингиз ижодини кўкўпар Олатов чўққиларига қиёс қилганлиги бежиз эмас.

А.Рашидов: - Бу хусусда қирғиз ёзувчиси М.Бойжиевнинг қуйидаги эътирофи жуда ажойиб (унинг сўзларини айнан келтираман) “Айрим асарларни китобхон ва танқидчи сифатида идрок этганимизда, фавқулодда ҳодисаларнинг шоҳиди бўламиз, - деб ёзади у. Айтматовни ҳаммамиз севамиз, унинг истеъдоди ва маҳоратига қойилмиз. У барчага яқин ва тушунарли. Таъкидлаб айтаман, барчага. Ваҳоланки, бошқа қирғиз ёзувчиларининг ҳам қизиқ, ҳатто талантли асарлари борки, улар бизнинг ўзимизда муносиб бир тарзда эътибор топади-ю, республикадан ташқари чиқса, жарангламай қолади... Шу боисдан, қалам тебратаётганимда, вужудимни турли шубҳалар чулғаб олади. Керакли нарсани ёзаяпманмикан? Шундай ёзишим жоизми? Бу нарса менинг юртдошларим билан бирга, Қирғизистондан хорижда яшаётган одамларга ҳам маъқул бўлармикан, деган андишалар кечади хаёлимдан. Эҳтимол, шу вайдан бўлса керакки, мен ҳозирги даврда яратилаётган асарларни кўп мутолаа қиламан. Бу менга ҳалал ҳам етказди, кўмаклашади ҳам. Чунончи, Айтматовнинг тажрибасига келганда, бу менга ҳалал беради. Ҳалал етказишининг маъноси шуки, Айтматовдан кейин ёзиш мушкуллашиб кетади. Бир неча йиллар илгари ўзимнинг бир китобимни бошлагандим. Шу орада ўзимни чоғлаб, бош қотириб юрган ҳам эдимки, “Алвидо, Гулсари!” қўлимга тушиб қолди. Ўқиб чиқдим. Бошимни кўтармасдан, тин олмай туширдим. Ўқишга ўқиб қўйиб, тарвузим қўлтиғимдан тушди, ҳафсалам пир бўлди. Агар қўлимга қалам оладиган бўлсам, ё шундай қотириб ёзишим, ё бўлмаса супра-ўқловни йиғиштиришимга тўғри келарди». Бироз қуйироқда М.Бойжиев яна такрорлайди: “Ёзаман деса, ёзадиган нарсалар бор. Лекин Айтматовдан сўнг шўримиз қуриб қоляпти. Сабаби шуки, у юксалиб бораётган прозамиз тараққиётдан ўн йилларга “сакраб” ўтиб кетди. Эндиликда бизнинг олдимизда нима ҳақда ёзиш кераклигидан кўра, қандай ёзиш керак, деган муаммо кўндаланг бўлиб қолди».

Ғ.Саломов: - Шундай қилиб, бадиий ижодда республика доирасидан ташқарига чиқиш масаласига қадалган эканмиз, Айтматов фаолиятининг яна бир ажойиб, ғоят ибратомуз соҳаси - зуллисонаинлик ва таржимага тўхташга

тўғри келади. Чунки устод адиб Комил Яшин таъбири билан айтганда, бадий асарни четга “экспорт” қилишнинг бирдан-бир йўли бадий таржимадир.

А.Рашидов: - Чингиз Айтматов зуллисонайн ёзувчи, таржима борасида “ўз-ўзига хизмат қилади”. Бунинг сабаби нимада? Худди шу савол билан адибнинг ўзига жуда кўп мурожаат этадилар.

Ғ.Саломов: - Бу Ч.Айтматовнинг “жонига теккан” сўроқ. Худди овқатланиб турган одамдан “Нега озиқланыпсиз?” деб сўрагандай гап. Нима деб “тушунтирса” бўлади? Ёзувчи бундай кезларда, “очиғини айтсам, бу иш менга хуш ёқади”, “икки тилда ёзмай туролмайман”, “қирғиз ва рус тиллари мен учун бамисоли икки - ўнг ва чап қўлимдай, бир қўл билан ишлаб бўлмайди”, “агар учинчи бир хорижий тил, масалан, инглизчани билганимда, албатта ўша тилда ҳам бирон нарса ёзган бўлардим” қабилида, билса ҳазил, билмаса чин дегандай жавоб қилади. Ўрнига ва одамига қараб, жиддий жавоблар ҳам тайёрлайди. “Бир-бирига яқин соҳалар қовушган жойда жуда кизик ҳодисалар рўй беради, дейди у. - Икки маданият қовушган жойда зуллисонайн ёзувчилар пайдо бўладилар, улар икки тилни бирдай эгаллаганлар.”

А.Рашидов: - Агар янглишмасам, Чингиз оғанинг бу сўзларини унинг В.Левченко билан қилган суҳбатидан келтирдингиз. Худди ўша ерда у яна бундай деганди: “Зуллисонайнлик миллий маданиятнинг янги формаси сифатида воқе бўлади, тилни йўқотган тақдирда, миллий маданият тараққиёти, мустақил маданият хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бу ерда жуда оқилона, кишиларнинг ҳар томонлама манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш лозим. Зуллисонайнлик миллий маданиятлар тараққиётига кўмаклашмоғи, лекин уни эзиб қўймаслиги керак, зеро, истаган бир халқнинг тили бу - халқ даҳоси билан бунёд этилган ноёб бойлигидир. Тиллар йўқолиб кетиши мумкин, кўплари йўқ бўлиб кетди ҳам, лекин уларнинг пайдо бўлиши амри маҳол. Тилларнинг пайдо бўлиш даври такрорланмайдиган бўлиб ўтиб кетди энди. Бориға барака, борини сақлаб қолиш керак. Бу умуминсоний мулк”.

Ғ.Саломов: - Қизиғи шундаки, Чингиз Айтматов “икки тил аро” таржима қилади, яъни қирғиз ва рус тиллари аро “тўғри” ва “тескари” ўгиради.

А.Рашидов: - У рус тилида ёзар ва ўз асарларини қирғиз тилига таржима қилар эди. Буни ўзининг она тили, ватан адабиёти олдидаги муқаддас бурчи деб билади.

Ғ.Саломов: - Ўз асарларини рус тилида ёзар ёхуд қирғизча ёзилган ишларни русчага ўғирар экан, буни ўзининг интернационал бурчи деб тушунади. У рус тили миллий ёзувчиларни кенг қамровли адабиёт бағрига олиб чиқадиган катта, ёруғ йўл эканини жуда чуқур ҳис этади.

Мен шу ўринда Чингиз Айтматов ижодий тажрибасининг ҳаётийлиги, ибратомузлиги, таъсирчанлигини забардаст ўзбек романисти Одил Ёкубов фаолиятида кўришни истар эдим. У ўзининг “Улуғбек хазинаси” номли жуда яхши романини Юрий Суровцев билан ҳамкорликда рус тилига таржима қилди.

А.Рашидов: - “Улуғбек хазинаси” ўзбек адабиёти майдонида содир бўлган бадиий кашфиёт эди, рус тилига ўгирилиши натижасида энди бутуниттифок адабиёти хазинасини ҳам бойитди, деб айта оламиз.

Ғ.Саломов: - Дарвоқе, ана шу салмоқдор роман ҳақида биринчи бўлиб жуда яхши фикр билдирган, уни фақат ўзбек романчилигидагина эмас, балки бутун туркийзабон адабиётда қувончли воқеа деб ғоят юқори баҳолаган адиб ҳам шу Чингиз Айтматов бўлди-да.

Энди ёзувчиларни таржима билан шуғулланишга ундаган зарурат ҳақида гапирайлик. Таржима ёзувчи ёки шоир учун шунчаки бир “хоҳиш”, “қўнгил хуши” эмас, балки бўлак ҳеч қандай восита билан алмаштириб бўлмайдиган ҳаётий муҳим эҳтиёж, каттакон ижодий мактаб, ўзини ўзгаларга ҳам танитиш истагидан келиб чиққан бирдан-бир имконият демакдир.

А.Рашидов: - “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” мавзуи ўз мазмуни ва мундарижаси эътибори билан жуда хилма-хил, ранг-баранг. У республикамизга турли муносабатлар билан тез-тез қадам ранжида қилади, адабий анжуман, кинофестивал, китобхонлар конференцияларида қатнашади.

Ғ.Саломов: - Шу йил Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари анжуманида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ва ўзбек халқининг бой маданияти, кўхна тарихи, ўзбек адабиётининг равнақи ҳақида ҳаяжон ва қардошлик меҳри билан суғорилган сўзлари ҳамон қулоқларимиз остида жаранглаб турибди.

А.Рашидов: - Хусусан, Тошкент телевидениесида унинг ажойиб шоир, улкан таржимонимиз Миртемир хотирасига бағишлаб гапирган сўзлари, “Манас” таржимасида Миртемир оғанинг қилган ибратли ишлари, бу таржима ўзбек ва қирғиз халқлари бузилмас дўстлигининг бадиий рамзи бўлиб қолганлиги ҳақида сўзлаган ғоят таъсирчан нутқини жон қулоғимиз билан тингладик.

Ғ.Саломов: - Мана, олдимизда бир қанча китоблар тахланиб турибди. “Сарвқомат дилбарим” (қиссалар)-1964-1969 йиллар, “Сомон йули” (повест ва ҳикоялар)-1965 й., “Алвидо, Гулсари!” (повест)-1969 й., “Оқ кема(Эртақдан сўнг)”-1973, “Бўтакўз” (қиссалар)-1977 й. Ниҳоят, мана бу, ҳали босмаҳона бўёғи шундоққина анқиб турган икки жилддан иборат қиссалар ва ҳикоялар мажмуаси. Айтматовнинг аксари асарлари “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида ҳам босилиб чиқди. Сарҳисоб қилиб қарасак, адиб асарлари ўзбек тилида жами 128 босма табоқ ҳажмда 44500 нусхада чоп этилибди. Бунга журнал саҳифаларида босилган нашрларни ҳам қўшилса, Чингиз оғанинг қисса ва ҳикоялари ўзбекчада миллиондан зиёд нусхада жаранглаётгани аниқ бўлади.

Ўз таржималарингиз ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

А.Рашидов: - Очиги, бу ерда қўйилган масалаларнинг ҳаммасига жавоб беришдан ожизман. Аввало, мундарижа шу қадар кенгки, булар ҳақида батафсил гаплашадиган бўлсак, суҳбатни бошқатдан бошлашга тўғри келган бўларди. Қолаверса, ўз таржималаримнинг “технологияси”, орттирган тажрибам ва бошқалар хусусида, таржимон сифатида, менинг гапиришим ўринли ҳам кўринмайди. Ҳар қалай, баъзи нарсаларни айтишим мумкин.

Ғ.Саломов: - Таржимада назария билан амалиётнинг бир-бирига алоқадорлиги ҳақида нима дейишингиз мумкин?

А.Рашидов: - Мана, сиз ўз мақола ва тақризларингизда “Оқ кема”даги Бола, “Алвидо, Гулсари!” даги Жўра Саёқов образларининг тил хусусиятларига доир аниқ кузатишларни келтириб ўтгансиз. Аслида, булар тасвирга эмас, балки таҳлилга алоқадор статистика ва мулоҳазалар.

Ғ.Саломов: - Тасвирнинг таҳлили, дейлик.

А.Рашидов: - Майли, шундай дейлик. Лекин ёзувчи асарни ёзиш, воқеаларни тасвирлаш давомида, албатта, бундай филологик тадқиқот билан махсус шуғулланмайди. У интуиция билан ёзади.

Ғ.Саломов: - Лекин илмий таҳлилда шу тариқа текшириш шарт. Назариячи асарнинг “анатомияси”ни, ундаги ҳар бир узвни бирма-бир кўздан кечиради, текширади, “ҳолатини” аниқлайди.

А.Рашидов: - Мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Фақат назариётчи, стилист, адабиётшуноснига эмас, балки таржимон ҳам ана шундай аниқ ишлаши керак, деб ўйлайман.

Ғ.Саломов: - Жуда тўғри фикр. Чунки бадиий таржима бу ижод ва илҳом билан бирга, филологик таҳлилга асосланган иш. Ёзувчи филолог, мутахассис бўлиши шарт эмас, лекин таржимоннинг филологик ихтисосга ҳам эга бўлгани маъқул.

А.Рашидов: - Бадиий таржима миллий маданиятлар ҳамкорлигига хизмат қилади, дейдилар. Ҳақ гап. Лекин дўстлик ва ҳамкорлик манфаатларига хизмат қилувчи шу таржиманинг ўзи ҳам, бошқа ҳар қандай ижодий иш сингари, турли соҳа кишилари - автордан тортиб таржимон, танқидчи, муҳаррирлар ҳамкорлигида яратилади. Бу ўринда таниқли таржимон ва муҳаррирлар Миркарим Осим, Мирзиёд Мирзоидов, Илёс Муслим, Ғулом Шоди, Х.Мансурова, Эркин Миробидов, С. Худойбергеновларнинг хизмати ва кўмагини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ғ.Саломов: - Дастлабки, “Жамила”ни таржима қила бошлаган кунингиздан бошлаб икки томлик танланган асарлар нашригача босиб ўтилган йўлни мушоҳада этганда яна нималарни айтишни истардингиз?

А.Рашидов: - Чингиз Айтматовнинг маҳорати асардан асарга ошмоқда, деймиз. Лекин, айни вақтда, унинг услуби муттасил мураккаблашиб ҳам бормоқда...

Ғ.Саломов: - Бинобарин, бунга мутаносиб ҳолда, Ч.Айтматовни таржима қилиш қийинчилиги ҳам ортмоқда?..

А.Рашидов: - Жуда. Хусусан, кейинги “Оқ кема” ва “Денгиз ёқалаб чопаетган олапар” қиссасини олинг. Ёғиз-ёғиз фалсафа, фикр, рамзий образлар, қайноқ ҳис-туйғулар, муסיқавийлик, манзарадорлик...Бунинг устига, марақаб синтаксиз, нотаниш, янги луғатлар, ғайри одатий сўз бирикмалари. Ва ҳоказо.

Ғ.Саломов: - Суҳбатимизни нима билан якунласак?

А.Рашидов: - Залворли меҳнат,айниқса, қишлоқ аҳлининг ҳалол ризқ-рўз яратилувчилик иродаси Чингиз Айтматовнинг энг дилига яқин мавзулардан. Бугунги кунда жонажон республикамиз меҳнаткашлари дўл, қор, туман, жала, тошқин, вильт ва бошқа балойи-қазоларни мардонавор енгиб, бениҳоя оғир табиий қийинчиликларни бартараф этиб, момикдай енгил пахтани фақат панжа билан эмас, мисоли кўз киприклари билан териб-тергилаб,

граммлардан тонналар, ушоқлардан тоғлар барпо этаётган бир пайтда Чингиз оғага бардамлик, ижодий парвоз тилаймиз!

Ғ.Саломов: - Чингиз Айтматов таваллудининг 50 йиллиги билан ўзбек халқининг ҳозиргача жамғарган 5.5 миллион тоннали пахтаси “учрашаётгани” ўртасида қандайдир рамзий маъно кўришни истаймиз. Севимли ёзувчига аъло кайфият тилаймиз.

“Ўқитувчилар газетаси”, 1978 й., 14 декабр.

Ғайбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умр

Чингизнинг асл таржимони

С.У.: - Бугунги баҳс қалбингизга яқин инсонлардан бири: ўзининг етмиш ёшини қаршилаётган кадрдон дўстингиз ва биродарингиз Асил Рашидов ҳақида.

Ғ.С.: - Ҳа, бу мен учун ҳам байрам, ҳам ғалаба. “Дунёда дўст орттирмаган одам ўз-ўзига душман” дейди гуржилар. Асилжон билан икковимиз шаффоф, меҳр-оқибатли, мураккаб ва оғир дўстлигимизни ёмон кўзлардан асраб, қирк йил мобайнида ўзимиз билан бирга олиб ўтдик...

С.У.: - Негаки, бу дўстликка раҳматли Шароф Рашидовнинг ўзлари фатво ва қафолат берган эдилар-да. Шундайми?

Ғ.С.: - Зуккосиз. 1959 йил 22 декабрда ўзбекча-русча катта луғат чоп этилди. Шароф ака укасига: “Асилвой, бу луғатнинг босилиб чиқиши ўзбек маданияти учун катта воқеа бўлди. Академияга бориб, бирон билагон тилчи билан гаплашгин. Ана шу луғат ҳақида яхши бир тақриз ёзинглар”, дебдилар. Илмий раҳбарим Олим Усмон бизни таништириб қўйдилар. Биргалашиб катта бир тақриз ёздик. Дўсту кадрдончилигимиз шундан бошланди. Кейинчалик луғат устига қомус, қомус устига таржима қўшилиб, илмий ва ижодий ҳамкорлигимиз майдони кенгайиб кетди...

С.У.: - Эшитувдим. Чингиз Айтматовнинг мароқли “Жамила” қиссасини ўқиган академигимиз Воҳид Зоҳидов шогирди Асил акага: “Бу ажойиб-ғаройиб асарни Сиз ўзбекчага таржима қилинг”, деб маслаҳат берган эканлар.

Ғ.С.: - Кўпчилик билмаган бир сирни айтайин. Назаримда мен учун дўстим қанчалик адабиётшунос олим бўлса, ундан ўн, юз баравар зиёд таржимонга айланди. Шундай бўлдики, у менинг қиёфамда қанчалик ўзини кашф этган бўлса, мен ҳам унинг сиймосида ўзимни танидим, билдим.

С.У.: - Худди тақдирнинг ўзи Сизларни бир-бирингизга инъом этгандай. Сиз таржима назариячиси, ул киши таржимон. Амалиёт билан назария қўшилган. Бунинг устига, ёмон одамга ёмон одам қўшилса, дунё бузилади. Яхшига яхши бақамти келса, олам чароғон...

Ғ.С.: - Ёмонлик, ҳасад, ғаддорликнинг бети курсин. Аммо эзгулик хусусида айтмасам бўлмайдиган гапларим бор. Кейинроқ тўхталаман... Асилжон таржима оламига боши билан шўнғиб кетди. Ўнгида ҳам, тушида ҳам Чингизни, асарларининг қаҳрамонлари: Саида, Дониёр, Асал, Жонтой, Илёс, Алибек, Самад, Тўлғаной, Алиман, Танабой, Жўра, Эдигей, Казангап,

Абутолиб, Зарифа, Найман она, Жўломон, Раймали оға, Бегимойни “кўрадиган”, улар билан “суҳбатлашадиган” бўлиб қолди...

С.У.: - Чингиз Айтматов асарлари таржималарининг 80-85 фоизи Асил ака қаламига мансуб. Рўзнома қолмади, ойнома қолмади, радио, ойнаижаҳон, театр... Ҳаммаёқда – Чингиз, Чингиз... ёзувчи асар яратиб чарчамас, Асил ака уларни ўгириб толиқмасди... Аллақанча ҳикоя, қисса ва “Асрга татигулик кун” рўмонини икки-уч марталаб чоп эттирган. Агар улуғ адибнинг Ўзбекистонда бу қадар кенг танилишида икки чинакам фидойи таржимоннинг номини аташга зарурат бўлса, бири Асил Рашидов. Яна бири – Иброҳим Ғафур.

Ғ.С.: - Тузуккина айтматовшунос бўлиб қолибсиз сизам, Саиджон...

С.У.: - Мен ҳам тушундим, нимага шама қилаётганингизни. Матбуот саҳифаларини варақлаган киши амин бўладики, Ч.Айтматовнинг барча катта-кичик асарлари таржималарига Сиз тақризлар, йирик-йирик мақолалар ёзиб боргансиз. Чингиз мавзуи сизнинг кўп сонли илмий тадқиқотларингизга чуқур сингишиб кетган. Бу ёрқин адиб ўзбек адабиётида бутун даврни ташкил этади. Шунингдек, Сизнинг илмий фаолиятингизда ҳам бу мавзу жуда қамровдор ва катта салмоққа эга. Бунинг сабаблари маълум. Теги зоотехник бўлган бу улкан истеъдод бутун туркийзабон адабиётларгина эмас, жаҳон адабиёти кўкида порлаган ёрқин, сўнмас бир юлдуз бўлиб майдонга чиқди.

Ғ.С.: - Тўғри. Лекин... Менинг Тўракул ўғли Чингиз Айтмат билан бошқа йўриқлардан ҳам ўз “ҳисоб-китобларим” бор эди. Бу хусусда баҳсга ўтишдан олдин, бошқа бир “дард” ҳақида икки оғиз гап айтсам. Аввало, биз: Асил Рашидов ҳам, мен ҳам Чингиз оғага зўр ихлос қўйиб қолгандик. У мустабид тузум ҳақидаги ўз шафқатсиз ҳаққонияти, тимсоллари, ғоят антиқа, ғайриодатий, бетакрор тили ва услуби билан бизнинг ёнган юракларимизни аланга олдирган эди. Биз бамисоли шамдай эриб, унинг тубсиз-ҳудудсиз ижодий оламига бус-бутун сингиб кетгандик. Нафақат Чингиз, ёнимдаги тиниб-тинчимас дўсту биродарим Асил Рашидовнинг қайта яратувчилик фаолияти ҳам ўзига хос, интиҳойи менбоп “илмий-ижодий лаборатория” эди. Ўзбек тилига ўгирилган қирғиз адиби китобларини биринчи бўлиб мен ўқир эдим. Таржимон менинг самимиятимга заррача шубҳаланмас, худди ўзига ишонгандай ишонарди.

Асилжон муаллиф ижодини энига ва бўйига қаричлаб ўлчаб чиққан, унинг нима деб ёзгани эмас, балки нима демоқчи эканини ҳам ғоят нозик англади. Шунинг учун ҳам аслият матнини муқаддас билар, наинки ҳар бир жумла ёки сўз, баъзан ҳатто энг назарнигор ишора, борингки, тиниш белгилари устида ҳам “азон айтиб юборар”ди. Мен бўлсам, аслиятга мумкин қадар эркинроқ, кенгроқ, ижодийроқ ёндашишни талаб қилардим. Баъзан иш, маслаҳат, таҳлил ва таҳрир эврилишларида қоқ тунгача қолиб кетардим уларникида.

Мазкур ўзига хос “машварату”, баҳсу мунозаралар мен “назариячи”га қанчалар озиқ берганини тасаввур ҳам қилолмайсиз, мулла Сайдижон. Бу шундай ўзига хос қўшалоқ ижодий жараён эдики, у машаққатли лаззат онларини энди ҳеч қачон такрорлаб бўлмайди. Бизнинг тортишувлар,

иккиланишлар, эхтирослар, темир мантиқ, таҳлил, лисоний-услубий ихтироларимиз қорайиб-чатилиб, битилиб-ўчирилиб, топилиб-йўқолиб битган қоғозлар ичра кўмилиб қолиб кетди... Бу катта мактаб эди.

С.У.: - Қитмирона бир савол берсам майлими?

Ғ.С.: - Кўзингиздан сезиб турибман. Айтинг.

С.У.: - Сиз таърифлаётган давр: олтмишинчи, етмишинчи, саксонинчи йиллар турғунлик муҳити, мустабид тузум, маънавий инқироз ва чиришнинг авжи гуллаган даври эди. Чингиз Айтматов “социалистик реализм” адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан, шўролар даврида “шаклан миллий, мазмунан социалистик” адабиётнинг “суянган тоғ”ларидан бири саналарди. Шундай эмасми?

Ғ.С.: - Шаклан – шундай. Мазмунан – ундай эмас. У ҳам “совет ёзувчиси” эди. Бироқ ўзининг мислсиз ҳаққонияти билан ўша мангуликка даъвогар, аслида чириб битган яккахокимликка даъвогар тоталитар тузумни маънавий-ғоявий тарафдан ичдан емирган сўз устаси.

Очиғини айтиб кўя қолай. Ўша даврда бориб турган журъатли ўзбек истеъдод соҳибби ҳам у илгари сурган ғояни унингчалик маҳорат билан кўтариб чиқа олмасди. Кўкларга кўтариб мақталган “энг илғор” рус адабиётида ҳам Чингизнинг “юки”ни кўтара оладиган бошқа бир дарғани топиш қийин. Бас, таржима йўли билан биз ўзимиз айта олмайдиган дард-ҳасратларимиз, ғам-андуҳларимизни Чингиз Айтматов тилидан баралла айтдик. Тўғри, Чингиз қизил мустабидлик замонида яшади. Ўз ижодида тоталитар тузумни инкор этди. У истиқлол даврининг буюк ёзувчиси, бизнинг замондошимиз бўлиб қолди. Ўтмиш фожиаларини англаб етишни истаган ҳар бир ёш китобхон бугун ҳам унинг ижодига бемалол мурожаат этиши мумкин.

С.У.: - Тағин бир қалтис савол. Асарларининг қирғизча ва русча аслияти билан уларнинг таржималари ўртасига тенглик аломати қўйиб бўладими?

Ғ.С.: - Йўғ-э, нималар деяпсиз?.. Дунёда энг ночор аслият билан энг ўткир таржимани ҳам тенглаштириб бўлмайди. Муаллифни фақат муаллифга тенглаштириш мумкин. Чингиз асарлари ўз даврининг ҳаққоний бадиий қомуси. Олайлиқ, сизнинг ўзингиз билан энг чиройли рангли расмингизни ҳам ҳеч қандай қиёсга келтириб бўлмайди.

С.У.: - Ундай бўлса, таржима санъати ҳақида шунча эхтирослар нечун?..

Ғ.С.: - Оббо сиз-эй! Қаттиқ “олаяпсиз-у” ... Тилимдан “илинтирмоқчи” бўлаяпсиз. Асарни бошқа миллат, ўзга тил, бўлак миллий тафаккур суфрасида қайта яратиш, ижодий ўзлаштиришнинг бирдан-бир воситаси бу бадиий таржима. Моҳирона бажарилган таржима аслиятга чексиз яқинлашиб боради... Ажабким, ўзга тилда ёзилган юксак санъат намунасини бошқа тилда айнан ўзидай такрорлаб бўлмайди. Лекин “афсунгар”, “хаёлпараст”, фидойи мутаржим мардум бундай мақсад-муддаодан воз кеча олмайди ҳам. Лисоний-бадиий қайта яратиш санъати – таржима ўзининг худди шу ажиб хусусияти билан гўзал ва жозиб.

С.У.: - Шунинг учун экан-да, Чингиз оға бирваракай икки тилда: русча ва қирғизча ижод қилиб, гоҳо ёзганларини ўзи таржима қилиши...

Ғ.С.: - Ҳали айтмоқчи бўлганим: икки тиллилик ва таржима, муаллифнинг ўз-ўзини таржима қилиши хусусиятлари қизиқарли, зиддиятли масала. Асил Рашидов рус тилидан пухта таржима қилади. Бироқ муаллиф шу асарини қирғиз тилида ёзган, ё бўлмаса, аввал русча ёзиб, сўнгра ўзи қирғиз тилига ағдарган бўлса-чи?

С.У.: - Шубҳасиз, қирғизчадан ўзбек тилига таржима қилган маъкул. Чунки бизга рус тилидан кўра қирғиз тили яқин. Ҳар қалай, ўзбек қирғизни ҳатто таржимасиз ҳам тушунади. Иккаласи ҳам туркий тиллар оиласига киради... Қирғизлар девор-дармиён кўшни. Минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келган халқлар. Дили дилига, тили тилига туташиб кетган...

Ғ.С.: - Бари тўғри. Ҳамма шундай деб ўйлайди. Амалда-чи? Жилла ундай эмас. Дуруст, ҳали сиз айтганингиздай, анча-мунча қулай томонлари ҳам йўқ эмас. Илло қирғизчадан ўғиришнинг “қулайлиги” ҳар қандай моҳир таржимонни ҳам ўсал қилиб юборадиган бир талай жумбоқлар, жиддий ноқулайликларнинг шохиди бўлганига қадар. Алдамчи “қулайлик чизиғи”дан ўтганингдан сўнг, нарёғи тубсиз бир лисоний-ифодавий жарликнинг устидан чиқиб қоласан, киши... Олайлик, “жаз” нима? Ҳамма билади: бу ўзимизнинг “ёз”-да. Йўқ, қирғиз “жаз” деб баҳорни тушунади. “Бата” нима? Пешонангни танғиб ҳар қанча ўйласанг-да, бу... ўзимизнинг “фотиҳа” экани хаёлингга ҳам келмайди. “Паноҳ”ни қирғиз... “фаана” дейди. Ол-а!

С.У.: - Хуллас, Чингиз оғага ҳурмат юзасидан, Асил ака қирғиз тилини ҳам ўрганишга жазм қилган экан-да?

Ғ.С.: - Балли. Муаллифни ҳурмат қилган таржимон унинг она тилини ҳам ўрганади. Менда проф. К.К.Юдахин тузган ажойиб, қалин, 973 бетлик “қирғизча-русча луғат” бор эди. Бутун бир хазина. Дўстим Асилжон Чингиз оғанинг асарлари-ю, мен тақдим этган анов луғат асосида қирғиз тилидан “савод чиқазиш”га тушиб кетди. Гоҳи пайтларда мен ҳам қирғизчани ҳижжалаб ўрганишимга тўғри келди. Тасаввур қилингки, қаршимизда бениҳоя бой қирғиз тилининг “Бетпақдала”си ястаниб ётар эди...

С.У.: - Ўн марталаб айтгансиз: “Таржиманинг қора нонини ейиш ҳар кимга насиб этавермайди” деб. Ҳа, бадий ижоднинг бу соҳасига ўзини бағишлаган инсон қанчалар саховатпеша, фидойи бўлиши керак экан.

...Шу ўринда буюк олмон фарзанди Ҳётенинг сўзлари тилимга келади: “Кимки адибни билишни истаса, унинг ватанига борсин...” Чингизнинг ватани – Қирғизистон.

Ғ.С.: - Эътибор қилинг: Чингиз – Қирғиз. Бир-бирига эш, ҳамоҳанг, ҳамқофия. Иккала сўз ҳам олти ҳарфдан таркиб топган.

С.У.: - Ажаб.

Ғ.С.: - Шунақа. Туркийлар орасида қирғизлар билан уйғурлар энг қадимий қавмлардан. Улар катта маданият соҳиблари, жаҳонга бир қанча улуг мутафаккирларни етказиб берган халқлар эканини унутмайлик.

С.У.: - Яна унутмайлик, устози аввалий. Табаррук номлари жаҳон афкор оммасига танилган, дунё адабиётининг порлоқ юлдузларидан бирига айланган бу зоти калон ўзбекнинг ҳам ўз фарзандидай ардоқли. У халқимизга, Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, қалбан, фикран, зикран

якин бир инсон. Ўзбекнинг бориға бор, ўзига ёр, қайғусига қайғудош, ҳамдарду ҳамнафас бўлиб келаётган аллома-ю адиблардан.

Ғ.С.: - Хўб айтдингиз. Агар бу мутафаккир адибни яна ҳам “торайтирсак”, киндик қони тўкилган жой – Шакар қишлоғи бўлади. Ҳайратга лойик: ана шу “қандайдир” Шакар айили, Хизр назарига тушган эканки, малона Чингиз Айтматов туфайли дунё адабий харитасининг марказларидан бирига айланди. Бироқ булар, таъбир жоиз бўлса, адибнинг заминий Ватани, она макони. Бундан ташқари, унинг адабий “ватан”лари ҳам бор. Булар: Қозоғистон, Орол, Ўзбекистон, Болтиқбўйи давлатлари, Гуржистон, тарихий Бобил, Фаластин ва бошқалар. Нарёғи – то ҳудудсиз коинотга қадар чўзилиб кетган кўз илғамас кенгликлар...

С.У.: - Деса бўладики, Чингиз Айтматов – жаҳон фуқароси. Ватани – бутун дунё. Миллати - Инсон.

Ғ.С.: - Унинг тимсол ва қаҳрамонлари: Мўминтой, Бола, Она Буғилар; Акбар ва Тошчайнар (бўрилар); Найман она, Жўломон, Исо Масих, Гурам Жўҳадзе... Адабий-худудий жўғрофияси: Курраи замин, Само, Сув, Чўлу Сахрою Тоғлар... Нега буларни санаяпман? Сабаби, шуларнинг барчаси: адибнинг қаламига илинган кум заррасидан тортиб то Коинотнинг силсабил катраларигача таржимоннинг ҳам таҳайюлот олаmidан сизиб ўтмоғи даркор. Агар бадиий сиғим тор келиб қолса, таржимада муаллиф ўз қиёфаси ва адабий овозидан маҳрум бўлади...

С.У.: - Ана шу масъулиятни Асил Рашидов тўла маънода ҳис эта олдимиз?

Ғ.С.: - Мен адибни беш тилда: қирғиз, рус, турк, татар, туркман тилларига қилинган таржималарда ўқиганман. Айта оламанки, Асил Рашидов билан Иброҳим Ғафуровнинг ишлари туркиёна таржималар орасида алоҳида чарақлаб ажралиб туради.

Масъулият хусусида. “Майдонга тушган алп манглайини қашимас”, дейдилар. Таржима шундай майдонки, на наслу насабинг, на илму амалинг, на унвону даражаларинг ёрдам бермайди.

С.У.: - “Истеъдоднинг 99 фоизи меҳнат” дейишади...

Ғ.С.: - Бу гапга унчалик қўшилмайман. Гарчи бунинг аксини ҳам даъво қилиб бўлмаса-да. Мен деган бўлардим: “истеъдоднинг учдан икки ҳиссаси – меҳнат, бир ҳиссаси – илоҳий зако”. Айниқса, таржима маҳорати, таржимон иқтидорига тадбиқан дангал шундай деса бўлади.

...Яна масъулият бобида. Таржима санъатини нари қўйинг, борингки, бозор қоровули бўлишнинг ҳам масъулияти бор. Таржима эса, Мирзакалон Исмоилий тили билан айтганда, икки Олам Юки. Бу ерда ўз “бадиий вазни”ни тўғри чамалай олмаган қаламкаш номдор муаллифни ҳам, ўзини ҳам вазнсизлик ҳолатига солиб қўяди.

С.У.: - Асил аканинг таржимада қийналган, иккиланган, умидсизланган вақтлари ҳам бўлганми? Ё ҳамма вақт ўзини зўр деб билганми?

Ғ.С.: - “Ҳар қандай юмуртқадан ҳам Колумб ёриб чиқавермайди”, деган гап бор. Ўйибор қилинг. Воҳид Йўлдош ўғли Зоҳидовдай бир аллома Асил Рашидовга “Жамила” қиссасини таржима қилишда оқ фотиҳа берган экан, бу зоти боқарамнинг Чингиз Айтматовга ҳурматими ёки ўз шогирдининг қобилиятига ишончими?

С.У.: - Ҳар иккаласи ҳам.

Ғ.С.: - Сиз масъулият дейсиз. Таржимоннинг қувончи еру кўкка сиғмайди. Қачонки ўзи ўгираётган қиссадаги бирон сўзга, жумлага, мақол ёки ҳикматга муқобил бирон нарса топганида; муаллифнинг муддаосини рўёбга чиқаза олганида; ярқираб чиқмаётган бирон жумлага кўнгилдагидай оҳор берганида... Бу жуда қийин. Чунки таржима, кўпчилик ўйлаганидай, фақат тил муаммосигина эмас. Шу боис, ўзини ҳурмат қилган ҳар бир таржимон, таҳорат олиб қўлига қалам ушлаган ва муаллифга юзма-юз келган ондан бошлаб, унда алланечук “кўрқув”, иккиланиш, журъатсизликка ўхшаш бир нарса пайдо бўлади. “Мен дунё танийдиган, номи олқишу шуҳратга бурканган, афсонавор алп адиб билан юзма-юз келиб бўйлашмоқчи ва беллашмоқчи бўляпман. Ё мен унинг курагини ерга теккизаман, ё!.. Айтингки, У менинг кулимни кўкка совуриб юбормасин-да ишқилиб. Шошган ўрдакнинг аҳволига тушиб қолмасам бўлгани”.

Нихоят, мутаржимга самовотдан ногаҳоний бир далда-журъат келади: “Э, таваккал, манов Чингиздай бир зот билан “жанг”да майдонидан чўлоқ бўлиб, икки оёқлаб оқсаб чиқиб кетганим тақдирда ҳам... мен ғолиб бўламан!”

Кафиллик бера оламан: таржимонимиз “шошган ўрдак”нинг ҳолига ҳам тушмади, калом майдонидан “чўлоқ” бўлиб чиқиб кетгани ҳам йўқ. Чингиз Айтматовнинг биринчи, муносиб таржимони бўлиб қолди.

С.У.: - Яна бир муаммо: ҳар бир асар – таржимон учун ўзича бир жумбоқ. Масалан: “Юзма-юз”, “Жамила”, “Бўтакўз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Сомон йўли”, “Алвидо, Гулсари!”, “Биринчи муаллим”, “Оқ кема”, “Рақиблар”, “Байдамтол соҳилларида” сингари қиссаларини олайлик. Ва ниҳоят, 1998 йилда босилиб чиққан “Асрга татиғулик кун” рўмони...

Ғ.С.: - Айни муддао. Чингизнинг ҳар бир янги асарини ўтирганида, Асил Рашидов: “бу охиригиси. Бошқа таржима қилмайман. Менинг ёзувчидан “қарзим” қолмади. Ўзиям роса “айниди”. Олдин услуби анча содда эди. Китобдан-китобга тобора мураккаблашиб, чуқурлашиб бораётибди. Фалсафа чунонам теранлашдики... Фикр ва маънонинг таг-тагига етиб боргунингча дамнинг қайтиб, ўпқонга тушиб кетасан одам...

Э бас-е!” деб нолигани-нолиган. Ҳақиқатан ҳам, олайлик, “Жамила” билан “Сомон йўли”, “Биринчи муаллим” ёки “Оқ кема” билан “Денгиз ёқалаб чопаетган олапар” ё бўлмаса “Асрга татиғулик кун” рўмонининг салмоғи, услубий-руҳий табиати ҳечам бир хил эмас.

С.У.: - Юқорида бошлаган асосий мавзуимизни давом эттирмакчиман. Дўстлик инсон учун улуғ неъмат. Агар одамлар орасида шундай мусаффо туйғу бўлмаганида, ҳаёт жуда зерикарли ва бемаъни умргузаронликка айланиб қолган бўларди...

Ғ.С.: - Қадимги римликларда: “Дўсти йўқ одамни ўлдиришлар”, - деган ақида бор экан.

С.У.: - 2000 йилда Асил ака билан Худони ўртага қўйиб, дўст тутинганингларга 40 йил тўларкан. 40 йиллик дўстлик “заҳира”сига эга бўлган инсон сифатида эслашга арзигулик нималарни айтган бўлардингиз?

Ғ.С.: - Баъзи бир гапларни, майли, айтсам айта қолай. Аввало, ҳар иккаламиз ўз дўстлигимизни ниҳоятда асраб авайлаганмиз. Ҳеч қандай ғаламис куч

иттифоқимизга раҳна сололмаган. Дўстлик нима? Бу шунчаки таниш-билишчилик, ошначилик, улфатчилик эмас. Тепангда қуёш чарақлаб турганида атрофингни ҳар хил дўстлар, садоқатдан қасам ичган одамлар қуршаб ётарди...

Мен сизга айтсам, одамзот табиатида ҳам наботот ва ҳайвонотга дахлдор белги-аломатлар мавжуд бўлади. Масалан: гул ва тикан, майса ва юлғун; илдиз, тана, новда, барг... ғунча ва мева... арслон, шер, қоплон, бўри, тулки, қуён; илон, чаён, типратикон; қарға, мусича, қизиштиштон; тўти, қумри, булбул, сассиқ попишак, буқаламун; минг хил товланувчи капалаклар... Бирови фил табиатини намоиш этса, бошқаси – каламуш ёки кўршапалак монанд ишларни қилади...

С.У.: - Атрофингда ўралашиб юрганларнинг қайси бири чин дўст, қай бири шунчаки “йўловчи”, айримлари, эҳтимол, ғаним эканини фарқлаш қийин, шундайми?

Ғ.С.: - Шундай. Ҳаёт бу ҳаёт. Бошингга бирон ногаҳоний кулфат тушса, қабих тухматга дучор бўлсанг, довдираб, ёлғизланиб қолган чоғларингда, ўзини гаровга қўйиб, елкасини тутиб берган инсон дўст бўлади. Қолганлар бари, ҳали Сиз айтганингиз – “йўловчилар”...

С.У.: - Кимгадир – ўнта дўстидан биттаси, кимгадир – юзта дўстидан биттаси чин дўст бўлади.

Ғ.С.: - Ҳисоб-китобда хато қилмадингиз, чоғи. Менинг оқибатли дўст-биродарларим, кадрдонларим жуда кўп... биласиз. Улар орасида Асилжон энг яхшиларидан бири, асл, чин дўстим.

1969 йил мен учун ниҳоятда оғир келди. (Умуман, бутун оиламга зил-замбил юки билан ёпирилиб келадиган энг қийин сана – 1992 йил ҳали пистирмада пайт пойлаб ётадир...) Фанлар академиясида, Қомус Бош таҳририятида нимаики эзгу иш қилибман, маломатга қолиб турибман-да-е... кимгаки бир яхшилик қилибман, эвазига ёмонлик қайтиб турибди... Тухматлар гирдобиди ўралашиб қолдим. Шу аснода раҳбариятга уч марта ариза ташладиму, болачақамни тишимга тишлаб, шарт Самарқандга кўчиб кетдим. 37 ёшимда биринчи марта бу аччиқ ҳаёт мени, бутун оиламни шафқатсизларча имтиҳон қилди...

С.У.: - Агар сиздан биров: “Дунёда энг мушкул, чидаб бўлмас оғир нарсани нима?” деб сўраса, қандай жавоб қилган бўлурдингиз?

Ғ.С.: - Ҳеч бир ўйлаб ўтирмай дердим: “Ноҳақлик”. “Қорнимга йиғламайман, кадримга йиғлайман”, деган экан менга ўхшаган бир адашган банда.

Гап борким, “Девонанинг ишини Худо ўнглайди” деган... Бир куни денг, уйда хомуш бўлиб ўтирувдим, “лоп” этиб икки жонажон дўстим – Асил Рашидов билан Тўхтамурод Бобоев мени Тошкентга қайтариш учун атайлаб Самарқандга бориб қолишди. Ўзим жон деб турибману, “нархимни кўтариш” учун... “Қандоқ бўларкин?”, “Самарқандга ўрганиб қолувдим”, “Бу ернинг об-ҳавоси менга яхшийди...” деб “важ” айтган бўламан...

Хуллас, икки дўстимнинг қистови, астойдил даъвати билан жонажон пойтахтимга қайтдим. Тошкент дорилфунунида мен учун атайин таржима назарияси минбаргоҳини очиб беришди. Маълумингизким, ўттиз йилдан буён шу минбаргоҳни тебратиб келаман...

С.У.: - Асил ака қилган хатойингизни юзингизга солмадими?
“Самарқанднинг иқлими Сизга шунчалик ёқаркан, маза қилиб тоза ҳавосидан
симириб юраверинг, ундай бўлса”, - дегандир балким?

Ғ.С.: - Йўқ, асл инсон ҳеч қачон дўстининг хатосини юзига солмайди.
Аксинча, неча марталаб ўзим гувоҳ бўлганман. Не ажабким, менинг
хатоларим, инсоний нуқсонларим ҳам унга “ибрат”, ҳатто, алланечук
“олижаноблик намунаси” бўлиб кўринади.

С.У.: - Йўғ-е... масалан, қандай?

Ғ.С.: - “Ғайбулла, - дейди бир кун, - неча марталаб одамлар ҳақида ёздингиз,
радиога жуда кўп чиқишлар қилдингиз. Барини тинглаб, ўқиб бораман,
оғайни... ахир, Сиз кўзда ёш, меҳр-муҳаббат, бутун қалб билан кўкларга
кўтариб таърифлаётган ўша кимсалар эмасмиди инсоний нафсониятингизни
топтаган, таъқиб этган, хизматларингизни йўққа чиқазган?! Бола-чақангиз
билан шаҳарни тарк этишга, бехонумон бўлишга мажбур этган?! Мен ҳамма
гаплардан воқифман-ку, азиз биродарим. Ўзим орага тушиб, уларни инсофга
чақиришга ҳаракат қилганман. “Бу афандини тинч қўйинглар. У ҳечам Сиз
ўйлаган одам эмас”, деганман. Хабарингиз бор-ку. Энди нега уларнинг
соясига бу қадар қуллуқ қиласиз? Нима гап?”

Шундай дедию, жавоб кутгандай, кўзларимга тикилди. Мен бош эгдим... У
мутлақо тўғри айтаётган эди. Сўз билан бировга ахбор етказиш мумкин.
Аммо эътиқодни, аччиқ ҳаёт ҳақиқатини, мусулмончиликни сўзда ифодалаб
бўлмайди. Агар айтаман, деб жаҳд қилганингда ҳам, кўп гапирасану, ҳеч
нарсга айтолмайсан. Дўстим аслида, мендан ҳеч нарсга кутаётган ҳам эмасди...
Фикрини ўзи давом эттирди: “Барини биламан. Сиз нимаики қилсангиз,
тўғри қиласиз. У зотлар вафот этиб кетишди. Оғир кунларингиз ортда
қолди... Марҳумлар ҳақида ё ҳеч нарсга демаслик керак, ёки хотиранг
қаъридан кавлаштириб-кавлаштириб, уларнинг фақат яхши инсоний
фазилатларини топиб айтиш лозим экан. Сиздан ўрганадиган нарсам кўп
менинг...”

Шу сўзларни айтиб, кўзига ёш олди ва мени қаттиқ кучоқлади.

Томоғимга суяк тикилгандай бўлди. Қанчалик сўзамол киши бўлмайин, чурқ
этиб оғиз очолмадим. Дилим йиғлаётган эди менинг. Яшириб нима ҳам
қилдим. Менга: етти йилдан буён қаноти қайрилган, мажруҳ: ўлик бўлиб
ўлик эмас, тирик бўлиб тирик бўлмаган бир нотавабга энг яқин дўст бўлган
кишининг бу гаплари айни малҳам эди.

“Эй ҳазрати боқарам инсон. Мана етмиш ёшни ҳам кучибсиз. Мен қирқ
йиллик содиқ биродарингиз ҳам ортингиздан изма-из таъқиб этиб
келаётиман. Худо умр берса, сал фурсатда – икки йилдан сўнг маррага етиб
бораман... товонимиздан ўт чақнаган елдишим йиллар тутқич бермай,
ёнгинамиздан “ғув” этиб ўтиб кетди... Эсизки, икковимизнинг ҳам кексалик
чоғимиз аянчли, таҳликали бўлди. Келинг, иймонимизни бағримизга маҳкам
босиб, қолган умримизни ҳам бус-бутун рўшноликка, эзгу орзу-умидларга,
одамларнинг ўз бахтларини ихтиро этишларига, ватан мустақиллиги ва
равнақига бахшида этайлик”, дегим келади.

С.У.: - Дўстни таниш, билиш яхши кунда, дориломон замонда қийин кечади. Оғир кунда эса Сиз бировнинг даргоҳига мурувват сўраб бормасиз. Дўст ўзи Сизнинг хузурингизга етиб келади. Излаб топади...

Рашидовлар оиласининг бошига саксонинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб жуда оғир кунлар тушди...

Бу то Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган кунларгача давом этди. Бало-қазодай келган хўрликлар мислсиз қийин кечди. Асил Рашидов кейинчалик ўша кўрғошиндай оғир кунларни эслаб, “Акам ҳақида” деган рисола ёзди.

Ғ.С.: Хиёнат ҳам, жиноят ҳам, рисола ҳам ўз йўлига. Халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи давомида бундай хўрликлар бисёр бўлган. Бутун тарих садоқат, шон-шараф, фидойилик, зафар ҳамда хиёнат, сотқинлик, мағлубиятлар тарихидан таркиб топган.

С.У.: - Тўғри. Алам қиладиган жойи шундаки, ўз халқини, ватанини, адлу адолатни деб азиз бошларини дорга қўйган, улуғ инсонларнинг пок номларини эллик йил давомида... “душман”, “сотқин” деб, юз хил антиқа номлар билан таҳқирладик. Ким? Биз! Ўзимиз!! Мен фидойи жаидлар, ўнлаб катта давлат арбоблари: Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, ўзбек адабиётининг ифтихорга лойиқ намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Сўфизода, Элбек, Саййид Ризо Ализода, Усмон Носир ва бошқаларни назарда тутаман.

Ғ.С.: - Биласизми, ҳаёт кўп қизиқ нарсаси. Ҳазрати Одамнинг на монанди бору, на қиёси. Бунинг устига, бизнинг ўзбегимиз жуда-жуда ишонувчан келади. Агар ҳаёт адлу адолатга, тенгликка, хурфикрликка эмас, фахшу разолатга, жаҳолатга, сўқир зиндиклик, миллий ва ижтимоий ғанимлик негизига қурилган бўлса, не ажабким, халқ ўз-ўзига қаттол душман бўлади. Ўз бирлигини йўқотиб, парчаланиб кетади, турли-туман ғоявий ва “синфий” гуруҳлар ва табақаларга ажралиб, ўз-ўзини ич-ичидан эмира бошлайди. Бу ўтмиш ҳақида. Лекин ҳатто яқин ўтмиш – саксонинчи йилларда ҳам миллат сифатида унча узоққа кетмаганимиз ошкор бўлиб қолди...

С.У.: - “Ўзбеклар иши”... “Қўшиб ёзиш”... “Қаллоблик”... “Миллатчилик”... “Ҳалолликни ташқаридан олиб келишга гўё зарурат борлиги”...

Ғ.С. – Рашидовни – ўзбекларга, ўзбекларни – Рашидовга нисбат беришдан ўша энг камида “ўзбек бўлмаганларнинг” мақсади нима эканини билиб олса бўларди. Мен бугун бояги “ўзбек бўлмаганлар”у уларга қўшилиб ўз халқи ва Шароф акага вафотидан кейин “қотиллик” қилган ўзимизнинг қўлбола “ўзбеклар” кимлар эканини айтиб ўтирмайин. Уларнинг башараси, шум ниятларини бугун эл-юрт, халқ яхши билиб олди. Аммо бир гапни айтмаса бўлмас: Шароф Рашидов халқимиз тақдири учун энг мудҳиш бир санада туғилди, энг беҳосият санада ҳалок бўлди.

С.У.: - Ленин билан Сталин қатағонида 60 миллион кишининг ёстиғи қуриган. Бу салкам учта ўзбек халқи деган сўз! Кейинги давр “ленинчи”лари билан “сталинчилар” даврида ҳам бундай қатағону қатли омлар бир кун бўлса-да, тўхтамаган.

Ғ.С.: - Шахсга сиғиниш билан шахсни эъзозлаш бир хил тушунча эмас. Мустабид “даҳо”ларни кўрдик. Халқ “олқишлари” остида халқнинг сопини

Ўзидан чиқаздилар. Халқларни гиж-гижладилар. “Озодлик”ни рўкач қилиб, зиндонларга ташладилар. Сургун қилдилар. Беаёв қирдилар. Одамларни “гаҳ” деса қўлга қўнадиган муте ва қулларга айлантирдилар.

С.У.: - Улар золим қиёфасида тарихга кирди. Шахсининг тарихдаги ўрни бекиёс ва жуда салмоқдор. Йўлбошчилар ҳеч қачон тасодифан, ўз-ўзидан тарих сахнида пайдо бўлиб қолмайди. Уларни тарих туғади. Қон қақшаган халқда доно, забардаст раҳбар, раҳнамога эҳтиёж пайдо бўлади.

Ғ.С.: - Инсон табиати жуда антиқа, дедим. Чиндан ҳам, ёмон, наҳс ишларни “бировлар” қилгану, яхшиликлар, эзгу ишлар худдики “ўз-ўзидан” бўлаётгандай кўринади кишига. Ҳечам! Ёмонликни содир қилиш осон. Яхшилик қилиш, ваҳ-ваҳ, қийин. Гап бор: “Бир нодон шундай савол берадики, юзта донишманд жавоб тополмайди”.

Мустабидлик тузумидан Мустақиллик ўлкасига ғоят оғир мерос қолди. Одамларимиз бугун ўта мураккаб ўтиш даврида яшаяпти. Яширганда кимдан яширамиз? Бунда вазминчилик ҳам, қўл қисқалиги ҳам бор. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

С.У.: - Эл-юртнинг раҳнамосида Оловиддиннинг сеҳрли таёкчаси йўқки, куф-суф деб, бир зумда ҳаммаёққа “Очил дастурхон”ларни ёзиб ташласа...

Ғ.С.: - Ундай десак, ҳозир бўлаётган ишлар қайси бир “сеҳрли таёкча”ниқидан кам! “Минг жадду жадал, бир илму амал”, дейишади. Узоққа бормай, теварак-атрофимизга назар ташлайлик. Оллоҳ таборақ ва таоло ўзбегимга беҳад-беҳисоб марҳамат қилди. Парвардигор амри билан, Президент оломонга “бўл” деди. У халқ бўлди. Бўлаяпти, бўлади...

Она диёримизга “бўл” деди. Мамлакат файзга тўлди. Безанди. Таранди...

Тарихий, миллий, диний қадриятларимизга, она тилимизга “бўл” деди. Булар бузилган, топталган, хароб қилинган, таҳқирланган жойидан қўзғалиб, ўзининг “асл” ҳолатида тикланди. Тикланаяпти. Тикланади...

С.У.: - “Арвоҳ рози – Худо рози” деган ҳикматни кўп такрорлайсиз, домла. Бу гапнинг мағзини чақиш учун жилд-жилд китоблар ёзиш керак. Бир шоири замон дебдиларким: “қуръонни ёқ, Каъбани буз, илло бир кўнгли ўксик инсоннинг дилини оғритма”. Президент Ислон Каримов бўлса, Қуръони каримни авайлаб-асраб, тавоф қилиб, халқимизнинг қўлига қайтариб берди. Оллоҳни рози қилди.

Каъба йўлларини очиб юборди.

Мўмин мусулмонларнинг дуосини олди.

Тухматлар тўфонига дучор қилинган мағрур ва мажруҳ инсон, катта давлат ва жамоат арбоби раҳматлик Шароф Рашидовнинг хотирасини тиклади, асл ҳолатига қайтарди.

Бу билан фақат рашидовлар хонадони эмас, минг-минглаб шўро қамоқхоналарига ташланган айбсиз маҳбусларни озод қилди. Оғриган дилларни овлади. Халқнинг олқишига сазовор бўлди. Арвоҳларни шод этди. Тирикларни розию ризо қилди.

Аср фожиасини даф қилди: “Ўзбеклар иши” деган ланқа ва тухматларга чек қўйди.

Ғ.С.: - Бугунги покланаётган, юксалаётган, бутун дунёга ўз қудрати, салоҳияти, хусн-таровати ва буюк келажак соҳиби бўлишга тарихан ҳақли

эканини намоёиш этаётган валломат ўхбек халқи, азамат ўзбек диёрининг бутун жаҳон олдида юзи ёруғ экани хусусида гапирганда, ниҳоят: “Мана Сизга Республика Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида бораётган ўзбек халқининг ИШИ. Ўзбеклар ИШИ мана бундай бўлади”, деб айта оламиз.

С.У.: - Ислом Каримов “Халқимизнинг оташқалб фарзанди” деган рисола ва нутқида Шароф аканинг қилган улуғвор ишлари, миллатпарварлигию ватанпарварлигини ҳаққоний таърифлаганида, унинг ажойиб шахсий фазилатлари: камтаринлиги, вазминлиги, камсуқумлиги, юксак ахлоқ эгаси бўлгани ҳақида жўшиб гапираркан, оила аъзолари, фарзандлари ҳам бундай инсоний сифатлардан бенасиб бўлишмаганини алоҳида қайд этганди...

Ғ.С.: Чиндан ҳам, бу сингари одамийлик хислатлари, алалхусус, камтарлик рашидовлар насл-насабига хос табиий-ирсий фазилат. Илгарилари Асил Рашидов тўғрисида кўп одамлардан тез-тез эшитиб турардим: “Нима учун “шундоқ” раҳбарнинг иниси бўла туриб, қачон қараманг аллақайлардаги кимсалар қуршовида юради?” деб оғриниб гапиришарди. (Чамаси, улар менинг ўзим ҳам фирқасиз, сиёсатдан йироқ шахс эканимни билишмасди!..) Уларга қолса, “кимсан – Фалончининг укаси”ни ўзларининг “шахсий мулозими” қилиб олишса... “Ҳой, олифталар, сенларга нима! Ким билан хоҳласа, ўша билан чой ичади, жўравозлик қилади”, деб кўринг-а...

Менга бўлса унинг айнан шундайлиги, очиқлиги, ҳаммабоплиги тағинам ёкарди. У одам ажратмасди. Кишиларни турфа тоифаларга бўлмасди. Эшиги доим ланг очиқ, ўзи ниҳоятда меҳмоннавоз. Ажабким, умр бўйи пиёда кезди. Мошина, мол-давлат, зар-зевар, данғиллама ҳовли-ҳарам кетидан қувмади. Топганини ёру дўстлари билан баҳам кўрди, насиб этмаганига қаноат қилди. Таъмагир бўлмади. Покиза номини булғамади.

Шароф ака Асилжонни айрича яхши кўрарди ва биларди бундай дарвешона феъл-атвор билан укасига бу мураккаб ҳаётда яшамоқ қийин бўлишини. Шунинг учун бўлса керак, умрининг сўнгги фаслида, бир гал учрашувимиз чоғида, жуда нозик ишора билан, ишонч ва самимий матлаб юзасидан уни менга васият қилиб “топширган” эди.

С.У.: - Ғайбулла ака, “дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин”, дейишади. Бунинг сири нимада? Мен Асил ака билан тез-тез учрашиб тураман. Ҳар гал у Сизнинг номингизни қандайдир бошқача ҳурмат ва эътиқод, миннатдорчилик билан тилга олади. Рост, жуда ҳавасим келади. “Эриб” кетаман. Кўп одамлар билан гаплашганда шоҳиди бўласанки, бир-бирларидан нукул гинахонлик қилишади. Бижиллашгани-бижиллашган. Ҳуда-беҳуда айблагани-айблаган. Хотинчалиш гаплар... Тинглаб тоқатинг тоқ бўлади киши...

Ғ.С.: - Тўғри, осий бандалармиз ва бундай қусур ҳаммамизда бор. Минг афсус. Ваҳоланки, бизнинг аҳли ислонда дўст-биродар бўлишнинг бирламчи шарти – бир-бирига яхшилиқни соғиниш. Ўзингга раво кўрган рўшноликни бошқаларга ҳам худди шу зайлда, балким бундан-да зиёдроқ раво кўрмоқлик. Менимча, Халлоқи олам чин дўстларнинг хокини, обу гилини бир-бирига кўшиб, омухталаштириб қўйса курак.

С.У.: - Яна бир нарсa сўрамоқчийдим. Асил аканинг оиласи ҳақида.

Ғ.С.: - Ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида, мен сингари, ўзига насиб этган, тақдирида битилган жами яхши-ёмон, иссиқ-совуқ нарсалардан ўбдон керагини олиб улгурган. Унинг бахти – ёстикдоши, тўрт фарзанднинг онаси, тоғаси Ҳамроқул Носировнинг кизи, раҳматли Шаҳрибону эди. Фожий қисмат туфайли шаҳид бўлди. Хафа бўлиш нималигини билмас, қачон қарасанг самимий чарақлаб турарди. Мени туғишган акасидай яқин олар, ўзига бирам ярашган содда-қишлоқи, ширин лаҳжасида салмоқдор қилиб: “Ғайбал-ла-ака...” дея мурожаат қилишлари сира кулоқларим остидан кетмайди. Худо раҳмат қилсин.

Тўрт фарзанд: уч солиҳа киз, бир қобил ўғилнинг отаси. Набираларига суюкли бобо. Пири бадавлат. “Рашидов иши” уни ўша йиллари тегирмон тошидай эзиб юборди. Бор ҳақиқатни тўла рўёбга чиқазгани учун Президент Илом Каримовга таъзим қилади. Акасининг содиқ сафдошларидан ҳам чекчиз миннатдор.

“Ёзувчи” газетаси, 2000 йил, 9 феврал.

Ғайбулла ас-Салом билан ҳамкорликда ёзган, “Хуррият” газетасида эълон қилинган “Чингизнинг асл таржимони” мақола-суҳбатимизда Устоз, жумладан, шундай теран фикрлар айтган эди:

“Дуруст, Асил Рашидов бўлмаса, бошқа бир қаламзан бундай улкан ёзувчининг ҳикоя, роман, қиссаларини ўзбекчалаштирган бўларди. Муқаддас минбар мухташам нотиксиз қолмас. Бироқ... айтишга осон. Чингиз Айтмат ижоди турғунлик, маънавий чиришнинг авж палласига тўғри келади. Мудҳиш мустабид тузум сўқир манкуртчиликка асосланган, ўзининг жароҳатларию фожиаларини аёвсиз фош этаётган, ич-ичидан емираётган бу тахлит “шаккок зот”нинг асарларига жа-а “кўзи учиб” ётган эмасди. Шундай бир қалтис шароитда муаллифнинг даҳо ғоялари, теран тафаккурини мураккаб, гўзал бидий-услубий талқинда миллионлаб нусхаларда, кўрсатув ва эшиттиришларда ўз эгалари – халқимизга узлуксиз етказиб бориш учун Асил Рашид бўлиши керак эди. Унинг номи ва қалби кўпгина ошкор ва пинҳона ҳасадларга қалқон бўлди. Бир томликлар, кўшалок жилдлар ва алоҳида бўлак нашрлар не ҳасратда китобхонларнинг мулкига айланганини ҳамма ҳам билавермайди...

Асил Рашидов зуллисонайн ёзувчи асарларини рус ва қирғиз тилларидан: асл нусхаларидан ўгирди. Бунда ўзбек, қирғиз, рус тилларининг ўзига хос турфа маъно эврилишлари, улардаги ҳикмат, мақол, тўпори, жайдари ҳамда қайроқи сўзлар, матал, мажоз, атамаларнинг муқобилларини топиш, миллий жавҳарга лат бериб қўймаслик хусусида куйманиб, “коса тагида нимкоса”ларни рўёбга чиқазишда ниҳоятда эҳтиёткорона қалам тебратди.

Кейинроқ Асил Рашидовнинг издошлари орта борди... Уларнинг ҳар бири муаллифни ўзича тушунди, ўз билганича ўгирди. Улар орасида хийла марокли таржималарни ҳам учратамиз. Алалхусус, чўнг истейдод соҳиби Иброҳим Ғафурийнинг “Қиёмат” таржимаси, чиндан ҳам чингизона қиёмат бир иш бўлди!”

Ғайбулла ака “Эй, умри азиз” китобида қадрдон дўсти Асил Рашидов ҳақида бир неча ўринда илиқ гаплар айтиб ўтади. Хусусан, тўқсондан ошиб вафот этган дадасига бағишланган саҳифада у киши ўғлининг устозлари, дўстлари, шогирдларини, жумладан Асил Рашидовни ниҳоятда ҳурматлаши, ардоқлашини таъкидлаганди. Олим 1981-82 йилларда икки марта Шароф Рашидовнинг қабулида бўлганини эслайди. Биринчи топқир кирганида ўзи чоп эттирган ўнтача китобини у кишига тақдим этади. Ш.Рашидов олим асарларини бирма-бир қўлига олиб, “Мақол таржимаси” (1961 й.), “Тил ва таржима” (1966 й.) сингари китобларини ўқиганини таъкидлаб, варақлай бошлайди. Яхши кутиб олади, “Биздан қандай хизмат” – деб сўрайди. Олим ҳеч нарса керакмаслиги, бари бадастирлигини, ҳаммамизнинг бахтимизга сиҳат-саломат бўлсалар, шунинг ўзи катта давлат эканлигини айтади. Ул зот бениҳоя мутаассир бўлади: “Ҳа, мени дастлаб у кишига укаси Асил Рашидов билан устод Иброҳим Мўминов орқаваротдан таништирганини кўнглим сезарди”, - ёзади олим.

Иккинчи учрашувда Ш.Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи” асари ва у ҳақда Ғ.Саломов ёзган 270 бетлик тадқиқот ҳақида гап боради. Шароф ака ўз ёрдамчисидан нариги хонадаги жавоннинг бурчагида турган китоблар орасидан “Кашмир қўшиғи”нинг венгерча таржимасидан бир донасини келтириб беришни илтимос қилади.

“Ёрдамчи биз ўтирган хонадан чиқиши биланок, у овозини пасайтириб менга деди:

- Асилжон сизни оғзидан бол томиб мактайди...

Шундай дедию, жим қолди. Бу билан “мен сени таниб турибман” демоқчи бўлди. Мен ҳақиқатан ҳам ҳайрон қолгандим. Чунки шу тобгача у каминанинг “Ўша Ғайбулла” эканимни билмаса ҳам керак, деб ўйловдим. Бунинг устига, дўстим Асилжон ҳар икки сафар ҳам Шароф аканинг қабулига бораётганимдан тамом беҳабар эди. Қисқаси, у кишининг луқмасига жавобан мен хаяжон ичида, шундай пайтда айтилиши керак бўлган эътирофу илтифот сўзларини айтишга журъат этдим (аслида, бу илтифот ҳам эмас, дил сўзлари эди):

- Мен ҳам... у киши энг қадрдон... Боягидай ... Дўстим. Қиёматлик ...

Жавобимдан ниҳоятда кайфи чоғ бўлди... Охирида ўз ёрдамчисига қаттиқ тайинлади:

- Қачонки бу киши менга киришни ихтиёр қилса, куттириб ўтирманг.”

(Ғайбулла Ас-Салом. “Эй, умри азиз”, “Шарқ” матбаа концерни, Тошкент, 1997 й. 153-155 бетлардан.)

Олимликнинг ёрқин йўли

Асил Рашидовнинг адабиётшунос олим сифатида шаклланишида омил былган уч мушмим шодисани алошида таъкидлаш жоиз. Бири – журналистик фаолияти, иккинчиси – олий ўқув юртида адабиёт фанидан дарс бериши, учинчиси – бадиий адабиёт таржимаси билан шуғулланиши.

Асил Рашидовнинг адабиётшунос сифатида илк тажрибаси “Америка прогрессив адабиётида негрлар ҳаётининг акс эттирилиши” деган мақола бўлиб “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1953 йил 21 апрел сонидида эълон қилинган эди (ҳаммуаллиф Мухсин Умаров). Бу пайтда Асил Рашидов ҳали филология факультети журналистика бўлимининг 4 курс толиби эди, газета таҳририятига тез-тез бориб турар, ўқишни тугатгач, мухбир қилиб ишга қабул қилинади. “Германия фашизми тор-мор келтирилганидан сўнг Америка қўшма штатлари империалистик реакциянинг марказига айланди,” – деб бошланадиган мақолада айтилган бир қатор фикрлар бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

Халқ оғзаки адабиёти билан бир қаторда прогрессив Америка адабиётининг ҳам реакцияга қарши кескин норозилиги Гавард Фаст, Жон Говард Лоусин, Дальтон, Трумбо, Александр Сакстин, Альберт Мальн, Эрскин Колдуэлл, Ленгстин Хьюз ва бошқа адибларнинг негр халқининг озодлик учун олиб бораётган мардонавор курашлари, оғир ҳаёти, ирқий назариянинг даҳшатли фожиаларини акс эттирган бадиий асарлари ҳақида сўз юритилади мақолада. Ёш мунаққид Г.Фастнинг “Озодлик йўли”, “Тражданин Том Гейн”, “Охирги чегара”, Э.Колдуэллнинг “Негр Эйб Лэтэмнинг иши”, Л. Хьюзнинг “Ватан” ҳикояларини таҳлил этган.

“Масъулиятсизлик оқибати” (Адабиётчи дўстимга хат) асари мунаққиднинг ўткир принципал чиқишларидандир (“Ёш ленинчи”, газетаси, 1969 йил, 18 феврал). Асил Рашидов доцент, марҳум Муҳаммад Шарипов билан дўст, кадрдон, ҳамкору ҳамдаст бўлган. “Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан улуғ” деган қадимий ҳикмат бор. Муҳаммад Шарипов 1968 йили “Фан” нашриётида “Навоий ва адабий алоқалар” номли китоб чиқарган эди. А.Рашидов китобни диққат билан ўқиб чиққанини айтиб, дўстини катта, муқаддас мавзуга қўл ургани билан табриклайди.

Лекин асарнинг дастлабки саҳифалариданок мақсад нечоғлик улуғ бўлса, восита, усул, таҳлилу такбирлар саёз эканлигини кўриб, бу хусусда очиқ хат билан мурожаат этишни мақбул топади. Одатда буюк шахслар ва даҳо ижодкорлар ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларни таҳлил ва тарғиб этишга бел боғлаган киши бир қатор фазилатларга, яъни, илмий-назарий етуклик, мантиқан изчил фикрлай олиш ва муайян илмий таҳлил тажрибасига эга бўлиш, ўрганилаётган буюк шахс ижодига юксак эҳтиром ва фавқулодда чуқур масъулият билан қараш, унинг ижоди моҳияти, мазмуни ва асосий хусусиятларини тўла билиб олиш, бу масалада тарихийлик ва ҳалоллик қоидаларига амал қилиш лозимлигини алоҳида уқтирган мунаққид бу фазилатлар дўстининг китобида акс этмаганини афсус-надомат билан қайд этади, мисоллар келтиради. Булар: ўзигача ёзилган илмий тадқиқотларга деярли муносабат билдирилмаган, билдирилганлари ҳам бетартиб ва чалкаш; бири биридан муҳим, мураккаб муаммолари санаб ўтиладию, таҳлил-тадқиқ қилинмайди., енгил-елпи мулоҳаза билдирилади; адабий алоқаларга бағишланган очеркларда Алишер Навоий ҳақида деярли сўз йўқ, мавзуга алоқадор бўлмаган, ҳаёлга келган гаплари қалаштириб ташланаверади, илмий ямоқчиликда “рекорд” қўйилган, 250 бетлик китобда 200дан ортиқ цитата келтирилган бўлиб, улар 100

саҳифани ташкил этади, айрим муаллифларнинг тадқиқотлари ўзлаштириб юборилган, услубий ва имловий хатоларга кўп йўл қўйилган. Анча-мунча фикр-мулоҳазалар баҳсли, баъзилари нотўғри (масалан, китоб муаллифининг фикрига эътироз билдириб, ўзбек халқининг бошқа халқлар билан дўстлиги Алишер Навоий ижоди билан бошланмаган, аксинча, Навоий ижоди ана шундай ҳаётий дўстликнинг ифодасидир, деб ёзади публицист).

Баҳс-мунозара тарзида кескин, лекин адолатли, холисанилло ёзилган ушбу хат-мақолани эслатишимиздан муддао масъул мавзуда хом-хатала, юзаки иш қилишдан огоҳ этиш, услубий, имловий, пунктуацион хатоларга йўл қўймаслик, илмий-назарий савиянинг юқори даражада бўлишига эришиш. Сир эмаски, ҳозир ҳам пала-партиш ёзилган, илмий-назарий концепцияси суст, услуби ғализ китоблар чиқиб турибди. Шу маънода А.Рашидовнинг ушбу хат-мақоласи ўзига хос огоҳдир.

Буюк ёзувчиларнинг асарлари шундай хусусиятга эгаки, улардан шар бир китобхон ызича маънолар топади, турли авлодлар мазкур асарларга ызларича муносабат билдиришади, натижада, улар тобора кенг ми=ёс щосил =илиб бораверади. Шу ыринда биз шам «О= кема» =иссасини ы=иганимизда шууримизда пайдо былган таассуротни айтиб ытишни жоиз деб билдик. Чингиз Айтматов Совет иттифо=и ыз тарихининг «тур\унлик даври» деб аталган палласига кириб бораётганини биринчилардан былиб ил\аган ёзувчи сифатида =иссада бунинг шалокатли о=ибатларга олиб келишидан огощлантирган. Ёзувчи фикрини, албатта, ыша йилларда очи=часига айтиш мумкин эмаслигини ытган асрнинг 70– йилларида яшаган шар бир инсон тушунади. Шу боис адиб рамзлар, ишоралар билан бунинг англатишга уринган. О= кема рамзида ёзувчи, бизнингча, коммунизмни назарда тутган. О= кемага Боланинг дурбин ор=али термулиб ытириши совет кишиларининг коммунизмга =андайдир шам умид, шам иккиланиш билан кыз тикишини, етиб борармиканмиз, деган армонларини англатади. Бола – шыро

щокимияти йилларида эришилган энг эзгу, энг масъум хусусиятлар, =адриятлар, туй\улар рамзи. Ыраз=улар сингари ёвуз кимсалар томонидан умум мулкининг щеч мулощаза, истищола =илиб ытирилмасдан исроф =илиниши, рус былмаган хал=ларнинг, яъни «=ардош миллатлар» деб аталмиш ащолининг миллий ызлигини, тарихини, =адриятларини турли сохта шиорларни ыртага ташлаган щолда йы=отиш учун интилиш, Шыролар иттифо=ида социализм тыла ва узил-кесил =урилди, дея ающаннос солингани щолда, талайгина сиёсий-ижтимоий, и=тисодий, мафкуравий щодисаларнинг ща=и=ий социализмдан йиро= былиш каби щоллар ю=орида келтирганимиз Болани, яъни йиллар давомида эришилган «энг эзгу, энг масъум хислатлар, =адриятлар, туй\улар»ни =ылдан бой бериш, щалок этиш, мащв =илиш хавфини ту\диради. Ва шундай щам былади. Ащвол шу даражага бордики, демо=чи ёзувчи, «Бола» учун энди бу жамият муштитида жой =олмади, уни энди тарк этиши керак эди. Шу боис “ёзувчи” Бола ызини сувга ташлади-да, бали= былиб сузиб кетди, деган \ояни =исса хотимасида ифода этган. Бизнингча, асарга тагсарлавща тарзида «Эртактан сынг» =айдининг =ыйилишида щам ызига хос маъно бор. Асосан катталар учун ёзилган асарга бундай =айднинг =ыйилиши шарт эмасди. Демак, ёзувчининг «катталар»га ниманидир (асарнинг эртактарини эртақ деб эмас, реал во=еликнинг рамзли, тимсолли ифодалари деб тушунишни) ишора =илаётганини англаш керак. Ты\ри, Чингиз Айтматов Совет щокимиятининг албатта барщам топишини ани= билган, дейиш =ийин. У «мещнаткашлар щокимияти» саналган Шыролар иттифо=ига хавф солаётган ташдиддан огощлантирган ва бунинг олдини олишга даъват этган. Дилида у щодисаларнинг ижобий хотима билан тугашига ишонган. Салбий персонажлар (Шыролар иттифо=ида иш кыраётган юл\ичлар, нопоклар, жинойтчилар ва щ.к.)нинг келажаги йы=лигига, уларнинг бир кун келиб барщам топишига самимий суратда ишонган. Шу сабабдан

Ыраз=улни фарзандсиз этиб тасвирлайди. Бу ёвуз кучларнинг келажаги, исти=боли йы=лигига ишорадир. Фа=ат «мымин» тийнатли Мыминчоллар бир оз жасоратли, бир оз дадил былишлари керак. Ёзувчи Ыраз=улни Боланинг хаёлида былса-да, ылдирмагани, бундай кимсаларни щали жисмонан мащв этмаса щам былади, фа=ат улардан жамиятни тозалаш керак, эщтимол, улар инсофга келиб =олишар, дея умид =илганини англатади. Ёзувчининг «+иёмат» асаридаги Авдий Каллистратов уларни ызининг фидойилиги билан диёнатга, ты\ри йылга солмо=чи былди. Аммо жамиятдаги ёвуз кучлар Авдийни вагондан уло=тириб юборишаркан, дунёда инсоф, диёнат, ращмдиллик деган тушунчалар борлигини хаёлига щам келтиришмайди. Шу боис ёзувчининг Быстони жами тирик мавжуотлар (инсон ва быри болалари) =отили Бозорбойни – ёвуз куч тимсолини отиб ташлайди. Щаёт-мамот жангида кынгилчанликнинг щам чегараси борлигини адиб бир карра эслатиб =ыймо=чи былган...

Украин адибаси Леся Украинка ты\рисада «Сынмас юлдузлар» китобидан жой олган адабий портрет щам нищоятда самимий ёзилган. Унинг сарлавщаси – «Зулмат ичра нур». Албатта, бу сарлавща бежиз =ыйилмаган. Рус ёзувчиси Н. Островскийнинг рус аёли Катеринанинг ыз эрки, инсоний шаъни учун кураши тасвирланган «Мома=алдиро=» пьесасига XIX асрнинг машщур тан=идчиси Н. Добролюбов шундай сарлавща остида та=риз эълон =илган. Та=ризда ыша ва=тдаги рус ижтимойй щаёти зулматга тенглаштирилган, Катеринанинг мавжуд ижтимойй щаётда аёлларнинг камситилиши, эрксизлиги ва щу=у=сизлигига =арши «исён» =илиши зулмат ба\рини тилган ча=мо==а ыхшатирилган эди. Леся Украинка щам Катерина яшаган жамиятда яшаган, унинг щам шахсий дадиллиги, ижодий жасорати, асарларида илгари сурган ылмас \оялари ыша ижтимойй щаёт – «зулмат салтанатида» бамисоли ча=мо=дек ча=наган эди. Адабий портрет «кириш» =исмдан таш=ари,

«Оташин лирик», «Ин=илоб жарчиси», «Озодлик ва =ащрамонлик дostonлари», «Леся Украинка – драматург» ва «Леся Украинка ва замонамиз» каби ихчам былимлардан ташкил топган. Демак, адабий портретда адибанинг бутун щаёт ва ижод йили =амраб олинган. Муна==иднинг бу усули ызини о=лаган. Негаки, ызбек китобхонига украин адибаси унча таниш эмасди. Унинг щаёти ва ижоди ты\рисида умумий тарздаги маълумотларнинг берилиши китобхон учун маърифий хусусиятга эга. Жумладан, бул\уси ёзувчи тарбия топган оиладаги мушит унинг келажагини белгилаганини муна==ид алошида таъкидлайди. У ул\айган оила эркпарвар, эрксевар оила былган. Бу Леся Украинканинг шоира былиб шаклланаётганида ижодининг етакчи хусусиятини белгилаган омил шамдир. Хал=имизда «=уш уясида кырганини =илади» деган на=л бор. Щар щолда, бу на=л «уя»да ибратли ишлар =илиниши «=уш»нинг келажакда ким былишини белгилашда зыр ашамиятга эга эканлигини шам эслатиб туради. Муна==ид бу билан ёшларнинг исти=боли аввало оилада белгиланишини таъкидлаб, ижтимоий щаётнинг бу «щужайра»сига бепарво =арамаслик керак, демо=чидек былади.

Лариса Петровна Косач (Леся Украинка) ул\айган оилада адабиёт, санъат ва илмдан бащслар былиб турган. +из\ин сущбатлар, адабий мунозаралар ёш =албда чу=ур из =олдирган. Мана шу мушит Ларисани адабиёт майдонига етаклайди. Ибратомуз щодиса... Ызбеклар оиласида шам мана шунга ыхшаган одат =адимдан былган. Буюк мутафаккир Навоийнинг ёшлигига оид манбаларда уларнинг оиласида адабий мажлислар ытказилгани, ёш Алишер ижод ащлига \азаллар ы=иб бериб уларни =ойил =олдиргани ща=ида маълумотлар са=ланиб =олган. Таассуфки, бундай ибратли одат кейинги йилларда унутилди.

Лесянинг щаёт йили силли= кечмаган. Ын бир ёшлигида суяк силига дучор былиб, умр быйи ана шу дард изтиробини чекади. Бул\уси шоира щаётни бешад севган. У руший азобда

яшаса шам, тушкунликка тушмаган, щасталик унинг иродасини буколмаган. Леся Украинка поэзиясининг фазилатларидан бири шам ундаги некбинлик руцининг кучлилигидир. Бош=а бир фазилати эса, эркпарварлик туй\усининг ифодаланишидир. Бунинг шам ызига хос омили былган. Лесянинг ёшлиги =ишло=да ытган. Унинг деш=онлардан эркпарварлик руци билан су\орилган хал= =ыши=лари, эртаклари ва афсоналарини тинглаши бу руцнинг ижодига шам сингишига олиб келган. Хуллас, Украинка ижодининг асосий хусусиятлари шаклланишига она хал=и щаёти, турмуш тарзи ози= берган. Бу эса, ыз навбатиде, шоира ижодининг хал=чиллигини таъминланган. Муна==ид ушбу мулозаларни билдираркан, Леся Украинка ижодига хос етакчи хусусиятларнинг илдизини илмий асослашидан таш=ари, яна ниманидир таъкидламо=чи былгандек туюлади. Бизнингча, бу шар бир ёшнинг ул\айиши, камолга етишида у тарбия топган оила, ул\айган муцити на=адар катта ашамиятга эгалигини эслатишидир. Шар шолда, ю=орида шам таъкидлаганимиздек, педагогика билан шу\улланган адабиётшуноса бундай хислат мужассам былиши табиий.

Шоиранинг ижодий камол топишида украин, рус ва жашон адибларининг таъсири катта былган. Пушкин, Лермонтовдан тортиб Гёте, Гейне, Шиллер, Гюго, Гомер, Байрондек буюк сиз усталарининг асарларини аслида ы=иган. Буларнинг кыпгина асарларини она тилига таржима =илган. Адибанинг бу жищатлари унинг тинимсиз мешнатидан, изланишидан далолат беради. Ижодкорнинг на=адар истеъдод чы==исига кытарила олишида унинг шахсияти, интеллектуал салоцияти катта ашамият касб этади. Муна==ид ёзишича, Леся Украинка билан 1891 йилда учрашган демократ ёзувчи Михайло Павлик шундай эътироф этган: «Леся ыз билими ва ыткыр зещни билан мени щайратда =олдирди... Мен уни фа=ат шеърият бобидагина билимдон былса керак, деб ыйлардим, аслида бундай былиб

чи=мади. У улу\ истеъдод сошибаси экан. Биз узо=сущбатлашдик: шар бир сызидан ундаги етук а=лни, хал= щаёти ва маърифатини, фанни ва поэзияни чу=ур идрок этишини сездим».

Леся Украинка ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган. Бирин-кетин шеърий тыпнамлари нашр =илинади. Сынг дostonлар битишга ытади. Ижод пиллапояларидан секин-секин кытарила боради. Бу жараёни тасвирларкан, муна==ид унинг ижодидаги аосий \оявий мотивларни алошида кырсатишга эътибор берган. Албатта, шар бир адабиётшунос шам шундай йыл тутиши табиий шол. Лекин бизни бир нарса шайратга солди. Леся Украинка асарларини ташлил =иларкан, муна==ид миллатнинг эрки, озод ва шур яшаши мавзуига келганда, унинг =алами шу =адар илшом билан «йыр\алайди»ки, гыё у украинлар ша=ида эмас, ызининг она хал=и ты\рисида сызлаётгандек таассурот =олади. Фаразимизнинг исботи учун бир мисол келтирайлик. Леся Украинка 1893 йилда «Шотланд =ироли Роберт Брюс» сарлавшали поэмасини ёзган. Унда Шотландия хал=ининг ыз озодлиги ва муста=иллиги йылида олиб борган кураши тасвирланади. Х111-Х1У асрларда Англия истилоси туфайли ыз муста=иллигини йы=отган шотландлар мустабидлик асоратига тушиб =оладилар. Ыз юртининг миллий муста=иллигини са=лаб =олиш учун Шотландия ашолиси муттасил кураш олиб боради. +ыз\олонга деш=онлардан чи==ан жасур ва толмас курашчи Роберт Брюс бошчилик =илади. Хал= уни кейинчалик ызига =ирол этиб кытаради. Бундан кейинги тасвирларни и=тибос тарзида келтирайлик. «Асарда тасвир этилишича,- ёзади Асил Рашидов, - бир ё=адан бош чи=арган хал= Роберт Брюс бошчилигида бос=инчиларга =арши олти марта исён кытарадилар. Лекин исён инглиз бос=инчилари томонидан шар гал шам шаф=атсиз равишда бостирилади. Роберт Брюс олтинчи марта енгилгач, ыз шахтидан тушади, тушкунликка берилади, ёл\из шаёт кечирази. У уйда хаёл суриб

ётар экан, шипдаги ыргимчакка кызи тушади, ыргимчак ин =уриш учун тинимсиз мешнат =илади, о\ир маша==атлар чекади, лекин унинг =урган ошёни бир неча бор бузилиб, ыргимчак йи=илиб тушади. Шунга =арамай, у яна ю=орига интилишда - ин =уришда давом этади ва, нищоят, ыз муддаосига эришади. Оддий бир ыргимчакнинг бунчалик щаракати, чидамлилиги Роберт Брюсни ыйлантириб =ыяди. Роберт Брюс «нащотки инсон шу ыргимчакчалик чидамли былолмаса» деган =арорга келиб, хал=ни яна тыплаган щолда еттинчи марта англизларга =арши исён кытаради. Шиддатли жанглар натижасида Роберт Брюс бошчилигидаги хал= бос=инчи англизларга =а=шат\ич зарба берадилар ва Шотландияни душмандан озод =иладилар. Поэмага катта \оя, яъни «хал= билан бирга хал= иши учун курашсанггина \алаба сенда былади», деган \оя сингдирилган. Поэмада Шотландия хал=и ичидан етишиб чи==ан Роберт Брюс сингари башодир кишиларнинг хал= бахт-саодати йылида кырсатган мардлиги ва =ащрамонлиги зыр мащорат ва пафос билан гавдалантирилган. Асар щозирги кунда щам ыз =имматини са=лаб келмо=да».

Щар щолда, асарнинг щозирги кунда щам ыз ащамиятини са=лаб келиши ты\рисидаги таъкиддан бизга муна==ид ызининг ыша пайтлардаё= =албида пинщон ётган ый-армонларини щам ифодалагандек туюлаверади. Зотан, чор ва =изиллар мустабидлиги даврларида хал=имизнинг зиёли кишилари - ызлигини анлаган фарзандлари Ватан, миллат муста=иллигини щамиша =албининг энг тырида са=лаб келгани ани=. Гарчи А. Рашидов вазият та=озоси билан «асарда тасвир этилишича» деган иборани ызига «=ал=он» =илгани билиниб турганидек, у муста=иллик, эрк ты\рисида гап юритганда, дилининг тыридаги энг му=аддас ый-армонларини щам назарда тутган былса керак, деб ыйлаймиз.

Асил Рашидов мазкур адабий портретни чинакамига дилдан, севиб ёзгани сезилиб туради. Шу боис, проф. Умарали

Норматов таъкидлаганидек, ёзганлари бамисоли =ыши=дек жаранглайди. У Леся Украинканинг драматик асарлари ты\рисида гап юритаркан, 1911 йилда ёзилган «Ырмон =ыши\и» драмасини нищоятда щассос ташлил =илади. Пьесанинг марказий образи Мавка афсонавий ырмон париси – сещргар, гызал =из =иёфасида гавдаланиб =олмасдан, балки яхшиликнинг, абадий гызалликнинг фалсафий умулашмаси шамдир. «Асарда, – деб давом этади муна==ид, – реалистик тасвир билан фантастик тасвир бир-бирига уй\унлаштириб юборилган. Мавка – чин инсоний севги рамзи. У =ишло= йигити Лукашнинг созандалик =обилиятини ва одамийлигини сезиб, уни севиб =олади. Лукаш шам Мавкага мафтун булади. Улар бир-бирисиз яшай олмайди. Аммо иш= таронаси бош=а олам-у, деш=оннинг маша==атли щаёти, азоб-у=убатли турмуши бош=а олам. Мавка Лукашнинг уйида аччи= =исматни, бахтсизлик, эрксизликни кыради. Щу=у=сизлик, хор-зорлик унинг нозик =албини эади, нурли орзуларини топтайди. Бунинг устига, Лукашни Килинага уйлантирмо=чи былишганидан хабар топгач, Мавканинг юраги парчаланади, буткул умидсизланади. Дунёдан кыз юмишни истайди. Лекин Мавка ылиши мумкин эмас, у эрк-мушаббат, адолат тимсоли; бу соф ва му=аддас туй\улар эса ылмасдир. Килина Мавкани сещрлайди – ырмон париси Мажнунтолга айланиб =олади. У гоц япро= былиб шивирлайди, гоц Лукашнинг найи сингари нола =илади. Мавка Лукашнинг тушларига киради, хаёлига, юрагига щамиша щамроц булади. Биро= Лукаш Мавканинг севгисига муносиб эмас. У – ... шароитнинг =ули, у уйланган =из Килина шам шу мушитнинг фарзанди. Бу мушит Лукашнинг юрагида ту\илган нурли орзуларни чил-чил синдиради, пайшон =илади. Пьесанинг финали =ай\ули тамомланади. Мавка Лукашни йы=отгач, яшашдан воз кечади, а=лдан озиб щалок булади».

Пьеса фожиавий тугалланса шам, муна==ид асар мазмунига щаёт абадий деган \оя сингдирилганини алошида таъкидлайди.

«Инсоннинг улу\лиги, яхшилиқнинг ёмонлик устидан \алаба =озонишига бўлган ишонч ма\рур янграйди».

Умуман олганда, муна==ид Леся Украинка шаёти ва ижодини шунчаки баён этиб =ыя =олмаган. У шоира шаёти ва ижодини ташлил этиш воситасида ызининг ый ва кечинмаларини шам ифода этган. «Украин хал=ининг оташбардор =изи ижодий фаолияти ша=идаги бу ма=ола, – деб ёзади проф. П. Шермушамедов «Сынмас юлдузлар»нинг сиз бошисида, – хрестоматик–оммавий характердан теран тад=и=от доиралари томон тадрижий ривожланиб боради. Бу салмо=ли ма=ола ызида мужассам этган ана шу шар иккала жишати билан шам ызбек ы=увчиси учун маро=лидир. Энг мушми, муна==ид шоира ижоди эволюциясини ёритишда шам илмий объектив позициядан туриб, масалага ты\ри ёндаша олади».

Асил Рашидовнинг «Сынмас юлдузлар» китобидан жой олган «Шамид Олимжон – она–Ватан куйчиси» адабий портрети алошида мешр билан ёзилган. Бунинг сабаби, бизнингча, шар бир кишининг, жумладан адабиётшуноснинг шам алошида севимли, ардо=ли ёзувчиси, шоири былишидир. Оташин шоир Шамид Олимжон талайгина адабиётшунослар учун шундай ижодкорлардан саналган. Асил Рашидов шам бундан мустасно эмас. Шу боис былса керак, муна==ид шассос шоир ша=ида ёзганда, шар бир гапи, шар битта ибораси чексиз мешр–мушаббатга, ифтихор туй\усига йы\рилади. Дарво=е, Асил Рашидов яратган адабий портретгача шам Шамид Олимжон шаёти ва ижоди ты\рисида жуда кып адабиётшунослар ёзишган. Неча йиллардирки, унинг асарлари турли–туман тад=и=отларнинг объекти былиб келди. Гыё энди айтадиган янги гап =олмагандай, ёзадиган мушм фикр топилмайдигандай. Бизнингча, ша=и=ий истеъдод сочиби ша=ида шамиша янги гап, мушм фикр топилаверади. Фа=ат, муна==ид унинг шар бир асарига илк бор ы=иётгандай =айно=

иштиё=, чексиз шав= билан ёндашиши керак. Бунга ёр=ин далил – А. Рашидов ёзган адабий портрет.

Проф. П. Шермухамедов ёзади: «... оташин ватанпарвар шоир Шамид Олимжон ижоди Асил Рашидов учун =ондош ва жондош мавзу эканлиги сир эмас. Аммо бу гал у мавзунинг тамом янги =иррасига =ыл уради. Ты\риро\и, шоир ижодида мешнат мавзунинг ишланишини алоҳида тад=и= объектига айлантиради». Тад=и=от мавзунинг янгилигигина мушмил гап айтиш учун асос бўла олмайди. Гап – янги фикр, янги гапни машурат билан топишда. Муна==ид фикрича, оташнафас шоирнинг она-Ватанга бўлган чексиз мушаббат, унинг гизалиги, мафтункорлиги билан фахрланиши, бунёдкор хал=имиз билан шамнафас, бирдам эканлиги бутун ижодининг пафосини белгилайди. Энг мушмил, шоирнинг ызи мансуб бўлган хал=нинг муайян авлоди унинг шеърларида куйланган \оя рушида тарбия топди, улар эстетик дидининг шаклланишига адиб асарларининг таъсири ни=оятда катта бўлди. Ни=оятда сано=ли шоирларнинггина шеърлари кишиларимизнинг зав==шав==а тўйинган онларида, кытаринки кайфиятга чул\анган пайтларида, уларнинг тантанавор анжуманларида, дилкаш мушоираларида севиб айтилади, бастакорлари томонидан =ыши= =илиб куйланади. Бундай шоирларнинг олдинги сафида шоир Шамид Олимжон бўлган эди. Ты\ри, унинг ижодида ызи яшаган ижтимоий тузумнинг буюртмаси шам йы= эмасди. Лекин хал=нинг рушини, кайфиятини, туй\уларини нозик, рубобий ифода этишда унинг шеърляти беназир шисобланади. Бунда шоир одамларнинг янги ижтимоий шароитда мешнатга нисбатан намоён =илган муносабатини асарларига асос, тағзамин =илиб олган.

Муна==ид адабий портретнинг «Мешнат романтикаси» =исмида шоир шеърларини бунёдкор мешнат мавзуи билан бо\ли= шолда тад=и= этган. У таълил остига олган асарларнинг деярли барчаси бош=а адабиётшунослар

томонидан шам у ёки бу муносабат билан ырганилган, албатта. Шу боис бу тад=и=отларда муайян даражада умумийлик, ыхшашлик мавжуд. Лекин айрим деталлар, ёрдамчи фактлар келтирилганки, булар асарни мазмунан бойитган, унинг «ма\зи»ни тилдирган. Айни пайтда, бу усул адабиётшуноснинг мажоратидан шам далолат беради. Жумладан, Шамид Олимжон «Бахтлар водийси» шеърини =андай яратгани билан бо\ли=во=еани муна==ид тад=и=отида келтирган. Мазкур во=еанинг киритилиши адабий портретни нурлантириб юборган. Асил Рашидов ёзади: «Шамид Олимжон 1932 йили кыкламда Фар\она водийсининг Мулқобод, Полосон, +айнар ва +ува сингари =ишло=ларида былиб, далаларда =айнаётган шайтдан башад зав=ланади. Шоир ана шу шайтдан олган таассуротлари асосида «Бахтлар водийси» шеърини яратади. Бу шайтнинг шойиди былган Насрулло Даврон шоир ты\рисидаги хотираларида «Бахтлар водийси» шеърининг ёзилиш тарихи шайида шундай шикоя =илади: «Биз шоир билан Мулқободдан тирт километр нари Быри=ум =ишло\и томон келайганимизда, йыл устидаги =андайдир =адимий бир тепалик Шамид Олимжоннинг эътиборини ызига жалб =илган эди. Биз унинг истаги быйича шу тепаликка кытарилдик. У шу =адар баланд эдики, бир-икки тош наридаги олис =ишло=лар, кым-кык адирлар, шатто кенг далаларни гир айланиб о=айтган Сирдарё шам шу ердан кыриниб турар эди. Шамид Олимжон тепаликдан кыринган шу манзараларга узо=су=ланиб =арар экан, ыз-ызича: «Кым-кык, кым-кык...» деган сызларни пичирлаб узо=турди, тепаликдан тушиб йылда давом этар эканмиз, шамон шу сызларни такрорлар эди».

Албатта, бу фактда дафъатан =араганда, фав=улодда нарсайы=. Шоир табиат гызаллигидан зав=олиб, уни шеърида ифода этган. Лекин, бош=а жишатдан =араганда, у Шамид Олимжоннинг шеър яратиш жараёни, илмий истилош билан ифода этганда, ижодий лабораторияси билан я=инро=танишиш

имкониини берган. Демак, щассос шоирда шеър ёзиш учун =ылига
=алам олган щолда нимани ёзсам экан ёки =андай ёзсам экан,
деган ыйга толиш одати былмаган. Шеърый мисралар унинг
=алби нарса-щодисалар таъсиротида мувозанатдан чи==анида
ыз-ызидан =уйилиб кела бошлаган. Бундай щолат «илщом» дея
аталиб, унга муяссар былганлар юксак поэтик истеъдод сошиби
саналганлар. Мана, илщом меваси былган ушбу мисралар =уйма
олтиндек товланиб на=адар дилни яйратади:

Кыклам =уёшидан кыкарган =ирлар,
Пылат я\ринларни кытарган ерлар кым-кык!..
Сал=ин сащарларда уй=удан турган,
Було= сувларига юзини ювган,
Мармар щаволарнинг =ыйнига чымган,
Зилол бышли=ларга кенг =улоч =ыйган,
Муста=иллик иш=и билан ёнган далалар кым-кык.

Адабий портретнинг «Янги севги достони» =исмини Асил Рашидов адабиётшунос Мащкам Мащмудов билан щамкорликда ёзган. Бу =исмда щам янги гап, янги фикр айтилган. Энг аввало, биз ундаги бир нарсага эътиборни =аратмо=чимиз. Муаллифлар Щамид Олимжоннинг ыз замонаси во=елигининг мушмим ижтимоий щодисаси сифатида =ишло=да жамоа хыжалиги ташкил этилиши ва мустащкамланиши масаласини достон сюжетининг марказига олганини, бунинг воситасида янги инсон-шыро кишиси пайдо былаётганини, унинг ызига хос маънавий-ахло=ий =иёфаси шаклланаётганини кырсатиш ма=садини =ыйганини таъкидлайдилар. Бу талайгина адабиётшунослар томонидан щам тасди=ланган фикр. Айни пайтда, адабий портретнинг мазкур =исмида адибнинг реал во=елик, тайин прототип асосида 1936 йили «Зайнаб» очеркини ёзгани ва асар во=еалари заминида 1938 йили «Зайнаб ва Омон» достонини яратгани ырганилиб, иккала асар =иёсан тад=и= этилади.

(Муаллифлар бу мавзуни ызларигача чу=ур ырганган адабиётшуносларнинг исм шарифларини шурмат билан тилга олиб ытишади). Очерк ва дostonни =иёсан ырганиш жараёнида шайратга солувчи бир шодиса намоён булади: реал, шаётӣй фактлар асосида ёзилган очеркдаги айрим диалоглар, персонажларнинг нут=лари, ызаро муносабатлари дostonда деярли бутунлай бош=а ошанг касб этиб, ызгантирилган шолда берилган. Бу ижодкорнинг идеали билан бо\ли= шодисадир. Санъаткор идеалида унинг шахсий диди, во=еликка муносабати, эстетик кредосидан тортиб у яшаган ижтимоӣй тузумнинг таъсири, ызи мансуб былган таба=анинг дунё=араши, менталитетигача =ориши= шолда акс этган булади. Шу ну=таи назардан оладиган былсак, «Зайнаб» очеркида =ашрамоннинг опаси Сорага айтган гаплари муаллифларни таажжублантириши, унга «сал бош=ачаро=» муносабатда былишлари табиӣй эди. Мана, шу манзарага муна==идлар берган бащо: «Поэмада Зайнаб характеридаги баъзи хислатлар реал шахс Зайнаб характерини эслатса–да, лекин бир мушм ызгаришни шам кырамиз. Шоир очеркда реал шахс – Зайнабнинг характеридаги =атъиятни, унинг дадиллигини кырсатишда ызбек =изи табиатида учрамайдиган баъзи нотипик хислатларни шам кырсатади. Зайнабнинг опаси Сора ыз шузурига ча=ириб, койир экан, =из дадиллик =иламан деб, беодобликка, шатто сурбетликка я=ин ошангда (таъкидлар бизники. – С.У., Б.Д.) гапиради. Зайнабнинг опасига муомаласига эътибор беринг:

- «Омон деганни танийсанми?
- Танийман, – Зайнаб тортинмасдан жавоб берди...
- Щеч кимдан рухсатсиз, кычадан топиб, тегиб кетаверасанми? – Сора \заб билан Зайнабга =аради.
- Нима?.. Гап шундай былса, тегишим шам турган гап.
- Энди нима дейсан? – Зайнаб опасига тикилди...
- Эрга тегадиган манми, сан? – Зайнаб яна тикилди».

Поэмада Зайнабнинг потрети шам ызгарди. У шар =андай дадил

сызларини шам назокат, тортинчо=лик, щаё билан айтади. Очерк =ащрамонига нисбатан маънавий дунёси гызалро=. Поэмада =изнинг гапириш ошанги, ызини тутиши шам майин, иболи». (Таъкидлар бизники. – С.У., Б.Д.).

Мана шу ташлилдан «кутилмаган» хулоса келиб чи=ади. Журналист Шамид Олимжон реал щаётда шыролар жамияти етиштирган янги инсон – Зайнабнинг =атъияти, дадиллиги, курашчанлигини кырсатиб, бу хусусиятларни маъ=уллаган былса, дostonда ызбек шоири сифатида, эштимол интуитив тарзда, бундай муомалани, одобсизликни =абул =илмаган. Поэмадаги Зайнабнинг ызини тутиши, муомаласи, гапириш ошанглари Шыролар шожимияти довру= солиб ытказган «щужум» кампаниясидан атиги бир йилгина олдин босилиб чи==ан «Ытган кунлар» даги Кумушбиби тимсолини эслатади. Ща=и=ий ижодкорнинг кимлиги мана шундай шолатларда ызини намоён этади. Кыринадики, чинакам ызбек ёзувчиси сифатида Шамид Олимжон шам шыроларнинг хотин-=излар масаласидаги =арашларини «щазм =илолмаган», бунга унинг эстетик идеали йыл =ыймаган. Албатта, Асил Рашидов ва Мащкам Мащмудовлар ытган асрнинг 80– йилларида бундай фикрларни очи= билдиришларини тасаввурга си\дириш =ийин. Лекин биз таъкидлаб кырсатган сызларни очи=часига =ыллаган шолда очерк =ащрамонининг муомаласига, одобига бащо беришлари фикримизни билвосита былса–да, тасди=лаб турибди.

Муна==идлар очерк ва дostonни =иёслар эканлар, эштимол ызлари сезмаган шолда, шыроларнинг мешнатга ижтимоий–фалсафий =арашлари бир томонлама былганини тасди=лагандек былишади. «Зайнаб» очеркида Шамид Олимжон ын сацифадан ты==изини колхоз (жамоа хыжалиги) =урилиши, мешнат жараёнини тасвирлашга ба\ишлаган былса, поэмада бутунлай бош=а щодиса кызга ташланади. «У очеркнинг ты==из

бетида тасвирланган проблемаларни поэмада тушириб
=олдиради, улар ша=ида уч былим, етмиш беш бобли поэманинг
фа=ат бир бобида ахборот бериб ытади. +олган етмиш тырт
бобда эса шоир янги маънавий проблемани, очеркнинг фа=ат
бир бетида тилга олинган – янги жамиятда мушаббат эркинлиги,
туй\улар эркинлиги проблемасини очишни ма=сад =илиб
=ыяди». Бундан шундай хулоса шам чи=ариш мумкинки,
публицистик асар ыз табиатига кыра, муаллифидан ну=таи
назарини очи= баён этишни талаб =илгани учун журналист ызи
сезмаган шолда \оявий жищатдан «у ё= бу ё==а тойиб кетиши»
мумкин эмас. Бадий ижодда теран тахайюлот, туй\улар
кучайиши о=ибатида мувозанатдан чи=иш, илжом жышишлари
таъсирида адиб асарида айтишга чо\ланган \оясига тескари
фикрни шам тасди=лаб =ыйиши мумкин. Бундай шоллар,
одатда, бенишоя катта истеъдодлар сочибларига,
дашоларганига хос хислатдир.

Хулоса шуки, Асил Рашидов оташин шоир Шамид Олимжон
ша=ида ёзаркан, унинг шахсига, ижодига, айтиш мумкиндир,
яратган шар бир сатрига алошида мешр билан ёндошди. Лекин
шамша холислик ва ша=и=атгыйлик талабларидан чекинмади.

Асил Рашидов машхур шоира Зулфияга бағишланган мақола ва
тадқиқотлар ҳаммуаллифидир. Зулфия ижоди адабиётшунос, мунаққидлар
томонидан кўп ва хўп ўрганилган. О. Шарафиддинов, Л.Қаюмов, И.Ғафуров,
Н. Каримов, А. Олимжон, М. Султонова, Ф. Насриддинова, рус
тадқиқотчиларидан З. Кедрин, Г. Мусина, ёзувчилардан Н. Тихонов, К.
Яшин, А. Мухтор ва бошқаларнинг мақола, тадқиқотларини эслайлик.

Шамид Олимжон ижоди ҳақида тўлиб-тошиб ёзган Асил Рашидов
Зулфия ҳақида ёзмаслиги мумкин эди. Шамид Олимжон ижодини ўрганиш,
тадқиқ қилиш, материал тўплаш жараёнида мунаққид шоира билан бир неча
бори суҳбатлашган. Суҳбатлари орасида шоира ижоди ҳақида ҳам материал
тўплайди, янги далиллар топади, фикрва мулоҳазалар туғилади.

Яна бир мулоҳаза. Украин шоираси Леся Украинка ҳақида тадқиқот
ёзган адабиётшунос ўзбек шоираси Зулфия ҳақида тадқиқот ёзишни кўнглига
туғиб қўяди, негаки, ҳар икки шоира шеъриятида инсонпарварлик ғоялари,
образлар поэтикаси, инсон ва табиат тасвирида, ранг ва бўёқларда
муштараклик кўради. Мунаққид “Зулфия поэтикаси” мақоласида ўзбек
адабиётининг ривожланишига катта улуш қўшган сўз санъаткорининг
жўшқин поэзияси, ҳаёт руҳи билан суғорилган бадий очерклари, эҳтиросли
публицистикаси ва гўзал таржималари адабий хазинамизда салмоқли ўрин

тутиши, айниқса замонавий рух билан суғорилган назмлари майин лиризми, оригинал ташбеҳларга бойлиги, конкретлиги ва нафосатини алоҳида таъкидлайди, мисоллар келтиради. (“Ўзбекистон маданияти” 1965 йил, 17 ноябр, № 92).

Шоиранинг илк тўплами “Ҳаёт варақлари”, шундан кейинги “Қизлар кўшиғи”, “Шеърлар” тўпламларида меҳнат мавзуси, уруш йилларида чоп этилган “Ҳижрон кунларида”, “Хулкар” номли тўпламларида эса жасорат, матонат, муҳаббат, вафо, садоқат ғоялари катта маҳорат билан гавдалангани таҳлил этилади.

Уруш йилларида Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Шайхзода ва бошқа шоирлар сингари Зулфия ҳам ўша кезларда кенг тарқалган хат жанрида “Кўлимда қуроли устимда шинел”, “Висол байрами”, “Икки мактуб”, “Бизни кут”, “Йигитларга” каби эҳтиросли, таъсирчан шеърлар яратганига мунаққид алоҳида эътибор беради. Шоиранинг “Уни Фарҳод дер эдилар” балладасида немис фашистларига қарши олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган таланти санъаткор Қобил Қори Сиддиқовнинг ёрқин образи яратилгани конкрет мисоллар орқали таҳлил этилган. Шунингдек, Зулфиянинг “Дугоналар билан суҳбат”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Танланган асарлар” китоблари, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Ўрик гуллаганда”, “Мушоира”, “Саодатнинг америкалик хонимга жавоби” шеърлари таҳлилига бағишланган сатрлар жозибали ва мароқли.

Асил Рашидов таниқли адиблар Комил Яшин, Назир Сафаров ижоди ҳақида мақолалар ёзган, журналист ва адиб Ҳабиб Нўъмоннинг “Ёшликда берган кўнгил” қиссасига махсус тақриз битган.

Ю=орида биз адабиётшунос Асил Рашидовнинг матн ичига теранро= кириш, сиз танлаш маънотини эгаллашида бадиий таржима билан шу\улланиши =ыл келганини, бу хусусда энг яқин дўсти, ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиларидан бири, аллома Ғайбулла ас-Салом билан кўп йиллар давомида ижодий мулоқот қилганини айтган эдик. Уларнинг ҳаёт, адабиёт, ижод, таржима, сўз тўғрисида суҳбатлашган, маслаҳатлашган, баҳслашган онлари чиндан ҳам, кўп ва самарали бўлган. Бу каби ижодий дўстлик бизга аждодларимиздан “мерос”. Хотирамизга беихтиёр мавлоно Жомий билан буюк Навоий дўстлиги ҳақида ўқиганларимиз келади.

Му=имий билан Фур=ат, Оғачий билан Фируз... ораларидаги ижодий муло=от ва машваратлар эсланади. Рус ёзувчиларидан И.Ильф ва Е.Петров ижодий ҳамкорлигини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай ижодий робита ҳамкорликда яратилган асарларга ижобий таъсир этган, уларнинг сай=ал топишига олиб келган.

Биз Асил аканинг адабиётшунос сифатидаги фаолияти ша=ида мухтасар тарзда сиз юритдик. Ярим асрдан зиёдро=

ва=т ытдики, олим адабиётни кузатиб бормо=да, фикрлари, мулохазалари етилди, деб шисоблаганда уларни =аламга туширади. Шу аснода ма=ола, рисола, монография юзага келади. Талай фикрлари эса дарс пайтида талабаларга о\заки етказилади. Агар уларни шам бир ерга жамлашнинг имкони былганда, ким билади дейсиз, жилд-жилд китоблар пайдо былармиди... Шунини шам таъкидлаш жоизки, А. Рашидовнинг шыролар даврида ёзганларида давр та=озоси билан коммунистик мафкура тазйи=и сезилиб турган шоллар шам йы= эмас. Лекин у «уч пулга =иммат» асарларни коммунистик \ояни тараннум этгани учунгина мадщ этмади. Виждони буюрган пайтда ёзиб, холис, ша=и=ат гапларни айтишга шаракат =илди. Бу хислат Асил аканинг ёзганлари шали-шамон =ийматини са=лаётганидан далолат беради.

Ҳамкасбларнинг дил изҳори

Адабиётшунос, мунаққид, мутаржим, мударрис, мураббий, журналист Асил Рашидов ҳақида ярим аср давомида кўплаб фикр билдиришганки, булар газета ва журналларда, китоб ва тўпламларда нақшланган. Асил аканинг Чингиз Айтматов асарларининг ҳар бир таржимаси, ўзининг китоб ва рисолаларини жамоатчилик яхши қабул қилган, мақола ва тақризлар ёзилиб, чоп этилган.

Даставвал, таниқли адиб, олим, адабиётшунос журналистларнинг Асил Рашидов ҳақидаги сўзларидан баъзиларини келтириб ўтайлик:

“Бир қанча ўзбек ёзувчиларининг китоблари қирғиз тилида нашр этилган. Қирғиз ёзувчиларининг китоблари эса ўзбек китобхонлари жавонида. Шу ўринда мен ихлос қилиб китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса адабиётшунос-таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки менинг асарларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қилади. Мана шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-қудратидир”.

Чингиз АЙТМАТОВ,
Қирғизистон халқ ёзувчиси

“...Баъзан илм билан шуғулланувчи ўртоқларим мендан туркий халқларнинг ўзаро алоқалари қачон бошланган, деб сўраб қолишади. Шунда мен уларга ҳазиллашиб, бу масалани мендан сўраманглар, Сирдарё ва

Амударёдан сўранглар дейман. Ҳа, бу ҳазилда жон бор, албатта. Чунки, ўзбек, қирғиз, туркман, қарақалпоқ, қозоқ халқларининг дўстлигини, ҳамжиҳатлигини фалон йилда бошланган, деб кўрсатиб бўлмайди. Уларнинг яқинлиги бир булоқдан сув ичиб, ўртоқлашиб яшагандан бошланган эди.

Луи Арагоннинг мақоласидан кейин “Жамила”ни топиб, қизиқиб ўқиб чиқдим. Кўп ўтмай Иттифок ёзувчилар уюшмаси пленумларидан бирида муаллиф билан учрашдим. Танаффусга чиққан пайтда бир йигит келиб ўзини таништириб: “Комил оға, мен сўзга ёзилган эдим, аммо оқсоқол адиблардан сўз тегандиганга ўхшамайди, ёшларнинг сўзлари тингланса ёмон бўлмасди,” деди. Қалбимда илиқ ҳис уйғониб, дарров Г.Марковга учрашиб, бу гапни айтдим. Икки-уч кишидан сўнг унга сўз берилди. Чингиз ёшлик туйғуси билан дадил вам мазмунли нутқ сўзлади, бир мен эмас, бошқалар ҳам таъсирланишди, нутқи қарсақлар билан бўлиниб турди. Унинг қаҳрамонлари бизга таниш ва яқин одамлардир. Серкуёш республикамиз китобхонлари Чингизнинг асарларини яхши билишади, ҳар бир асарини тоқатсизлик билан кутишади. Унинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишда Асил Рашидовнинг хизмати каттадир”.

Комил ЯШИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, драматург

“...Адабиётимизга, ёзувчи меҳнатига чуқур эҳтиром билан ёзилган “Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири” китоби мени бугунги ўзбек прозаси тўғрисида, хусусан қиссачилигимиз тўғрисида анчагина ўйга толдирди. Ўйга толдириш эса фақат яхши асарларга хос хислатдир...”

Асил Рашидов китобининг энг муҳим ва энг ката фазилати ҳам шундаки, танқидчи ўзи қўл урган мавзунинг ичига чуқур кириб, уни ипидан игнасиғача ўрганиб ёзган. Аслини олганда бу асар бир йил – икки йил эмас, кўп йиллик меҳнатнинг мевасидир, кўп йиллик чуқур изланишларнинг самарасидир... натижада биз меҳнат мавзусига бағишланган ўзбек қиссачилигининг муваффақиятларигина эмас, камчиликлари тўғрисида ҳам, схематизм, шаблон, соҳталиқ ва юзакилик каби прозамиз тараққиётига тўсқинлик қилиб қолган қусурлар ҳақида ҳам кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлдик”.

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

“Машҳур француз ёзувчиси Луи Арагоннинг у вақтларда яхши маълум ва машҳур бўлмаган, эндиликда у ер-бу ерда номи ҳурмат билан тилга олинаётган қирғиз адиби ва унинг “Жамила” номли асари ҳақидаги мақоласини гоёи қизиқиш билан ўқий бошладим. Мақола ниҳоят даражада самимий ва тўлқинланиб ёзилган бўлиб, унда муаллиф ва қиссасига жуда юксак баҳо берилган эди, бу асар, айтиш мумкин, қандайдир бир мўъжизадек талқин қилинган эди... қиссани топтириб эрталабга қадар мириқиб ўқиб чиқдим... индинигаёқ кечга яқин ўша вақтларда аспирантурада таҳсил олаётган жуда сезгир ва қобилятли Асил Рашидов (ҳозир у ўз китоб ва

мақолалари авторидир, Чингиз Айтматовнинг деярли барча асосий асарларини ўзбек тилига кўчириб нашр эттирган азаматдир) кўлига тутқазиб, мақолани албатта ўқишини ва “Жамила”ни ўзбек тилига ағдариш кераклигини илтимос қилдим. Кўп ўтмай бу илтимос мазкур жуда одобли ва истеъдодли адабиётчимиз томонидан дўндириб бажарилди ва “Жамила” бевосита ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди”.

Воҳид ЗОҲИДОВ,
академик

“Эрта келган турналар”ни ўқиб адиб бу асарини ўзбек тилида ёзибди, шекилли, деган хаёлга борасан киши. Аслида бу қиссани олим, моҳир таржимон Асил Рашидов ўзбекчалаштирган. Ёзувчининг бошқа асарлари сингари бу қиссани ҳам Асил Рашидов шунчалик кунт, сабот билан, шунчалик меҳру муҳаббат билан таржима қилган. Шу ўринда ёзувчи билан таржимондан баббаравар миннатдор бўлгинг келади”.

Ҳалима ҲУДОЙБЕРДИЕВА,
Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоирлари

Асил Рашидовдаги инсоний фазилатлар ва қаламқаш, ижодкор сифатидаги хислатларни алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Бу – камтарлик, ҳокисорлик, ҳаллоллик, покизалик, заҳматқашлик, ўз ишидан қаноатланмаслик... унда кишини ўзига мафтун этадиган яна бир хислат бор. У иболи. Унда қандайдир ўзига ярашиғли тортинчоқлик ҳам бор. Асилжон билан танишганимга – қирқ йилдан ошибди. Шу йиллар мобайнида қанча сувлар оқиб кетди. Неларни кўрмади бу бошлар. Ҳаёт йўли деб аталмиш сўқмоқлар бошқалар каби уни ҳам не синовларга солмади, не кунлар тушмади бошига. Ундаги ирода, нафсониятни қўлга ола билиш туйғуси, қандайдир бир ички, табиий талабчанлик, вазминлик, мулоҳазалик, мушоҳадалик бўронларда, довулларда ҳам ўзини йўқотмасдан ўтиб ошишга имкон берди. Ҳар қандай шароитда ҳам у инсон бўлиб қолди. Инсоф ва диёнатини йўқотмади.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“Асил аканинг таржимон ва тадқиқотчи сифатида катта хизмати ва маҳорати ҳам шундаки, оламгир Чингиз оға асарларининг ҳиссий таровати ва фикрий қудратини сақлаган ҳолда ўзбек ўқувчисининг кўнглига кўчира олган. Асил ака Чингиз оға билан даврдош, суҳбатдош, тенқур бўлганлиги билангина эмас, яна етук таржимон бўлганлиги билан бахти бутун.

Асил аканинг ўнга яқин монографиялари, рисоалари, мажмуалари, юздан ортиқ илмий-назарий, муаммоли, оммабоп мақолаларини бирлаштириб турувчи яхлит бир асос бор. Бу – инсондаги инсонийлик

хислати-фазилатларининг маъно қирраларини кўриш, тушуниш ҳамда кўрсатиш. Зеро, Асил аканинг ўзи ҳам табиатан камтар-камсукум, ўта дилкаш ва самимий, заҳматкаш ва дилбар инсон”.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Юқорида олим, муаллим, мураббий, таржимон, қаламкаш Асил Рашидов ижодий фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида матбуотда билдирилган элликдан ортиқ илиқ фикрларнинг баъзиларинигина келтирдик. Яхши инсон, яхши ижодкор ҳақида яхши фикр айтилади, бундай бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Ўзи ҳақида бир оғиз ширин сўз айтилиши, ёзилишини интиқ бўлиб кутадиган одамлар ҳам йўқ эмас. Бир-икки мақол-тақризни, эфир, экран орқали айтириладиган гапни ўзи ҳаракат қилиб, ташкил этадиган, уюштирадиган кишилар борлиги ҳам сир эмас. Келтириб ўтганимиз Асилномаларнинг ҳаммаси, ҳар бири чуқур самимият, катта ҳурмат-эҳтиром ҳисси билан йўғрилган. Бошқа дил сўзлари шундай илиқлик билан ёзилган.

